



USAID
AMERIKA XALQIDAN



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДОЛОГИЯСИ

МЕТОДОЛОГИЯ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



USAID
AMERIKA XALQIDAN



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тошкент
«Akademnashr»
2023

УЎК: 001.89:34(07)

КБК: 72+67

X 72

X 72 **М. Холиқова, Ф. Ҳамдамова**

Ҳуқуқий тадқиқотлар методологияси [Матн]: қўлланма / М. Холиқова, Ф. Ҳамдамова. – Тошкент: Akademnashr, 2023. – 264 б.

ISBN 978-9910-9840-6-8

УЎК: 001.89:34(07)

КБК: 72+67

Тақризчилар:

Нодира Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор

Фозилжон Отахонов – юридик фанлари доктори, профессор

Мазкур қўлланмада илмий тадқиқот методологиясининг умумназарий, фалсафий-прагматик асослари таҳлил қилинган, илм соҳаларининг турли даражаларини ўрганиш асносида ҳуқуқ фанидан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муаммолари кўриб чиқилган.

Шунингдек, тадқиқот йўналишини танлаш, илмий-техникавий муаммони шакллантириш, назарий-экспериментал тадқиқотлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилган.

Қўлланма илм-фан соҳаси вакиллари, тадқиқотчилар, мустақил изланувчилар учун мўлжалланган.

Мазкур қўлланма АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Маҳсулот мазмуни бўйича масъулият “Tetra Tech” ДПКга юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

Қўлланма USAIDнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотлар дастури доирасида тайёрланди.

ISBN 978-9910-9840-6-8

© М. Холиқова, Ф. Ҳамдамова
«Ҳуқуқий тадқиқотлар методологияси»
© «Akademnashr», 2023

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1-БОБ. ТАРАҚҚИЁТДА ИЛМ-ФАННИНГ ЎРНИ	
1.1. Цивилизация ривожда билимнинг аҳамияти.....	9
1.2. Замонавий цивилизация ва илм-фан корреляцияси	11
2-БОБ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ	
2.1. Илмий тадқиқот тушунчаси.....	17
2.2. Илмий тадқиқот методологияси.....	19
2.3. Фан методологиясининг ривожланиш тарихидан.....	24
2.4. Илмий тадқиқотнинг категориал тизими.....	30
2.5. Тадқиқот методлари.....	44
3-БОБ. ЮРИДИК ФАН ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДАГИ РОЛИ	
3.1. Юридик фан тушунчаси ва вазифалари	55
3.2. Юридик фаннинг ривожланишини даврийлаштириш	59
3.3. Замонавий даврда юридик фан ва ҳуқуқий тадқиқотларнинг роли	68
4-БОБ. ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЮРИДИК ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШ ШАКЛИ СИФАТИДА	
4.1. Юридик фаннинг объекти ва предметини билишда ҳуқуқий тадқиқот турларининг хилма-хиллиги аҳамияти.....	72
4.2. Ҳуқуқий тадқиқотларни ўтказишни режалаштириш ва уларнинг босқичлари	79
4.3. Илмий, ўқув ва бошқа турдаги нашрлар.....	87
5-БОБ. ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР	
5.1. Ҳуқуқий тадқиқотлар усуллари тушунчаси ва уларни таснифлаш	92
5.2. Ҳуқуқий тадқиқотларнинг янги тенденциялари.....	104
6-БОБ. ГЕНДЕР ВА ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ УМУМИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ	
6.1. Ҳозирги пайтда илмий тадқиқотлар йўналишининг энг муҳим йўналиши сифатидаги гендер тадқиқотлари	114
6.2. Ҳуқуқий тадқиқотларда энг муҳим услуб бўлган гендер жиҳатларини ҳисобга олиш.....	118
Адабиётлар рўйхати	121
Глоссарий	125

КИРИШ

*Фан инсон руҳини жасоратга даъват этишининг
энг қулай йўлидир.
Жордано Бруно*

Илм-фан ижтимоий институт сифатида инсониятнинг когнитив-интеллектуал тафаккури ва эмпирик тажрибаси воситасида барча замонларда тўпланган билимларни умумлаштириш билан машғул бўлган ҳамда олам яралиши, макрокосм ва микрокосмнинг универсал қонуниятлари, реал воқеликнинг имманент моҳиятига оид фундаментал саволларга жавоб топишга интилган. Илм-фан эволюцион-кумулятив моҳиятга эга бўлиб, инсоният мавжудлигининг ибтидосида авлодларнинг когнитив тафаккури, эмпирик тажрибаси ҳамда минг йиллар давомида тўпланган билим ва кашфиётлардан амалий фойдаланиш мақсадида маълумотни тизимлаштириш ва сақлашга эҳтиёж сифатида пайдо бўлди. Фундаментал фан асосида нафақат тўпланган билимларни ўрганиш, балки тафаккурни кенгайтириш вазифаси ҳам ётади.

Илм-фан цивилизацияни ҳаракатлантирувчи кучдир, унинг муваффақиятли ривожланиши нафақат ўтмишни билиш ва бугунги кунда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш, жамият ва инсоният тараққиёти талабларига жавоб бера олиши билан ўлчанади, балки унинг келажакдаги ҳолатини башорат қилишнинг янги усулларини излаши билан белгиланади.

XXI асрда бутун дунёдаги иқтисодиёт ва кундалик ҳаёт кўламини ўзгартирган йирик ижтимоий феноменлар – технологик цивилизация, глобал иқтисодиёт, экспоненциал тараққиёт юз берди ҳамда жаҳон ҳамжамияти илмий-тарихий ривожланишининг қатор модернистик тенденциялари пайдо бўлди. Цивилизациянинг илмий манзарасини сунъий интеллект, Digital technology, рақамли экотизимлар, нейроинтерфейслар, нанотехнологиялар, когнитив технологиялар, 3D-технологиялар каби омиллар ташкил этди, форсайт-таҳлиллар¹ орқали келажакда қуввати силикон компьютерлардан миллиард марта ошиб кетадиган квант компьютерлари; пўлатдан юз баравар кучли бўлган нано-углеродли материаллар, симсиз ахборот

¹Форсайт-таҳлил (ингл. Foresight – олдиндан кўра билиш) – технологик, ижтимоий, иқтисодий тенденцияларни ўрганиш, экстраполяция орқали мумкин бўлган келажакни илмий прогнозлашга бағишланган фанлараро билим соҳаси усули.

тармоғининг ҳамда вақт ўтиши билан ёки атроф-муҳит ўзгаришига қараб ўз шаклини ёки функциясини ўзгартирадиган объектларни лойиҳалашга имкон берувчи технологияларнинг яратилиши башорат қилинмоқда.

Шундан келиб чиқиб илм-фан олдида глобаллашаётган дунёнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш, жамият ва шахснинг ахлоқий, этник ва ижтимоий масалаларини ҳал этиш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, рақамли инқилобнинг мисли кўрилмаган кўлами дискурсида улкан имкониятлар билан бир қаторда юзага келаётган улкан хатар ва таҳдидларни ҳал этиш вазифалари мавжуд.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида² таълим ва илм-фанни ривожлантириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос малакали кадрлар тайёрлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш, глобал инновацион индексда Ўзбекистон позициясини яхшилаш, тадқиқотларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий қилиш мақсадлари муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Рақамли иқтисодиёт, янги технологиялар ва ишлаб чиқаришнинг инновацион шакллари тартибга солишнинг оқилона тамойилларини ишлаб чиқиш муносабати билан фан методологияси соҳасидаги назарий тадқиқотлар ҳақиқий мазмун касб этиб, турли соҳаларга оид илмий тадқиқотлар қилиш, фан методологиясини ривожлантириш, изланувчиларнинг илмий тадқиқотлар олиб бориш салоҳияти ва омилкорлигини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Илмий билим замонавий дунёдаги энг муҳим қадриятлардан биридир, чунки фан янги билимларни ишлаб чиқиш орқали кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўшади. Бу, айниқса, юридик фанга тааллуқлидир, чунки глобал трансформация жараёнлари шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг долзарблиги тобора ортиб бормоқда.

Бироқ кўплаб ҳуқуқшунослар юридик фаннинг замонавий методологиясида инқирозли ҳодисалар кузатилаётганини қайд этишмоқда. Кўпинча тавсифловчи характерга эга бўлган, илмий аҳамияти бўлмаган, ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш билан

² 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

чекланган тадқиқотлар тобора кўпайиб бормоқда. Натижада юридик фан амалиёт эҳтиёжларини қондирмаётир, илмий хулосалар ва методологияга асосланмаган амалиёт эса кўпинча самарасиз бўлиб қолмоқда.

Юқорида айтилганлар юридик фанни, хусусан, ҳуқуқий тадқиқотлар методологиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ҳуқуқий тадқиқотлар методологиясини такомиллаштириш ва юридик фанни ривожлантириш масаласи Ўзбекистон учун жуда долзарбдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқларидан бирида таъкидлаганидек, “мамлакатимизда юридик таълим ва фанни ривожлантириш унинг истиқболларини белгиловчи туб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир”.³

Ушбу қўлланма ҳуқуқий ҳодиса ва жараёнлар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар сифатини оширишга ҳисса қўшиш, ҳуқуқий тадқиқотлар методологияси ҳақидаги билимларни ошириш, ҳуқуқий тадқиқотларнинг янги тенденцияларини кўриб чиқиш мақсадида тайёрланган.

Қўлланманинг дастлабки икки бобида фан ва тадқиқотлар билан боғлиқ фаолиятнинг асосий тоифалари кўриб чиқилади, турли хил тадқиқот воситаларининг моҳиятини ҳамда илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш жараёнини очиб берувчи материаллар тақдим этилади.

3 – 5-боблар бевосита юридик фанга ва ҳуқуқий тадқиқотлар методологиясига бағишланган. Ушбу бобларда юридик фан тушунчаси ва тарихи, ҳозирги даврда юридик фаннинг аҳамияти, ҳуқуқий тадқиқотлар турлари, унинг босқичлари, ҳуқуқий тадқиқотларнинг методлари ва янги тенденциялари каби масалалар кўриб чиқилади.

6-боб эса ҳуқуқий тадқиқотлардаги гендер жиҳатларнинг шарҳи, замонавий даврда гендер тадқиқотларининг хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини ўрганишга бағишланган.

³ Боровикова А. Юридик фанни ривожлантириш ва қонун ижодкорлигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // <https://yuz.uz/ru/news/aktualne-vopros-razvitiya-yuridicheskoy-nauki-i-sovershenstvovaniya-zakonotvorchestva>

Қўлланмани ўрганиш юридик тадқиқотлар бўйича назарий билимларингизни оширибгина қолмай, муваффақиятли ва сифатли ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган амалий кўникмаларни ҳам оширишга кўмак бериши мумкин. Илмий тадқиқотларни ташкил этиш, жумладан, илмий тадқиқот мавзуси ва мақсадини шакллантиришга имкон берувчи кўникмалар, илмий муаммони таҳлил қилиш, тизимли ёндашув тушунчаларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб бориш, илмий ишни ташкил этиш тамойилларидан фойдаланган ҳолда ижодий фикрлашни фаоллаштириш, тадқиқот ишларининг иш режаси ва методикасини ишлаб чиқиш, ҳуқуқ соҳасидаги илмий муаммоларни ҳал қилиш учун мавжуд ахборот ресурсларидан фаол фойдаланиш, илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг тақвим режасини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш ва бошқа кўникмалар борасида ҳам тўхталиб ўтилган.

Қўлланма абитуриентлар, талабалар, юридик тадқиқотлар билан шуғулланувчи амалиётчилар, шунингдек, юридик фанлар тарихи, фалсафаси ва методологияси муаммолари билан қизиқувчиларнинг кенг оммаси учун мўлжалланган.



1-БОБ

ТАРАҚҚИЁТДА
ИЛМ-ФАННИНГ ЎРНИ

1.1. ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖИДА БИЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

Фан тараққиёти олимларнинг меҳнати ва улар яратган кашфиётларнинг қиймати билан белгиланади.

Луи Пастер

Билимнинг ўзгарувчан кучи ҳақидаги ғоя қадимдан ижтимоий-фалсафий тафаккурда (Платон, Аристотель, Демокрит, Зенон, Тит Лукреций Кар, Евклид, Птолемей, Пифагор, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Ибн Халдун, Форобий, Рене Декарт, Филипп Меланхтон, Иммануил Кант, Фрэнсис Бэкон) муҳим ўрин эгаллайди. Зенон дихотомияси, Демокритнинг атомистик концепцияси, Сукротнинг ахлоқий рационализи, Форобийнинг материализми, Меланхтоннинг гуманистик ғояларида билим ва тафаккурнинг жамият ривождаги ўрни ва аҳамияти муаммолари таҳлил қилинади.

Антик дунё, юнон фалсафасидан бошлаб билим (**episteme**) ўзига хос тушунча сифатида эътиқод ёки фикрдан фарқланиб келади. Эътиқод ёки фикр субъектив ишончга асосланган бўлса, билим ҳақиқатнинг объектив мазмунига даъво қилади. Тушунтириш, эмпирик ўлчов ва асослилик билимлар ҳақиқийлигининг зарур шартларидир. Билимлар эволюциясида **билимнинг полисемантикаси** назарий тамойилларга (*агностик, гносеологик, когнитив, теологик, эмпирик, рационалистик, прагматик, иррационаллик, волюнтаристик, идеалистик, материалистик*) мувофиқ белгиланади. Билимнинг гуманистик моҳияти шахс камолоти, ахлоқ ва маърифат масаласига бориб тақалади, бунда билимга нафақат шахс озодлиги, балки эътиқод асосидаги хурофотларни бартараф этиш, табиатнинг ривожланишини тадқиқ қилиш ва жамиятни бошқариш ва ривожлантириш воситаси вазифаси юкланган. Замонавий дискурсда билим (фан) ишлаб чиқариш билан бир қаторда уни амалий қўллаш (инновациялар, технологиялар), оммалаштириш ва таъсир қилиш (дидактика, педагогика) салоҳиятига алоҳида аҳамият берилади.

Билимларни ўзлаштириш шахснинг ижтимоийлашуви орқали унинг ҳаётий стратегиясини белгилашга таъсир қилади, бу эса олинган билимлар синови бўлиб, қарор-

ларни танлашга айланади. Билимлар жамияти эса қадриятларнинг ўзгаришига мувофиқ таълим экотизимининг барқарор тенденцияларини белгилайди. Бу вазифа, биринчидан, касбий билимларни назарий моделлаштириш ва эмпирик реконструкция қилиш, иккинчидан, илм-фан ютуқларининг таълим мазмунига имплементациясини ўрганиш, учинчидан, билимларни касбий, ҳаётӣй вазиятларда самарали қўллашни таъминлаш йўналишларида амалга оширилади.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда инновациялар, янги технологиялар муҳим аҳамиятга эга. Рақамли инқилоб ўзининг тезлиги ва мисли кўрилмаган кўлами билан бизнинг ҳаётимизни ва жамиятимизни беқиёс даражада ўзгартирмоқда ҳамда улкан имкониятлар билан бир қаторда улкан хатар ва қийинчиликларни яратмоқда. Бугунги тез ўзгарувчан дунё хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илм-фан рақамли иқтисодийнинг умумий манфаат учун ишлашини таъминлаш, унинг ижтимоӣ-иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, жамият дуч келиши мумкин бўлган ижтимоӣ-экологик муаммолар, салбий оқибатларнинг олдини олиш учун жараённи янада самарали бошқариш, форсайт-таҳлилларни амалга ошириш, очиқ ва мослашувчан моделлар орқали рақамли технологияларни ривожлантириш, жамият учун эҳтимолий таҳдидларнинг олдини олиш (меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, янги соҳа, тармоқ ва касбларнинг пайдо бўлиши, иш ўринларининг қисқариши), ижтимоӣ ҳимоя қилишнинг янги чораларини ишлаб чиқиш, унинг янги имкониятларини яратиш зарур.

Ўз олдига жамиятни инновацион ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган мамлакатда бунга эришишнинг устувор йўналишларидан бири бу – илм-фанни ривожлантириш ва устувор масалага айлантиришдир.

1.2. ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ВА ИЛМ-ФАН КОРРЕЛЯЦИЯСИ

*Илм-фан тараққиёти учун шахс эркинлиги
ва ички озодлиги муҳим, зеро илмий дунёқараш шахсинг эркин
ва мустақил фаолияти таъсирида ўзгариши мумкин.*

В. Вернадский

*Фан тугал бир китоб бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам.
Ҳар бир муҳим ютуқ янги саволларни туғдиради.
Ҳар қандай тараққиёт вақт ўтиши билан янгидан-янги ва янада жиддий
қийинчиликларни юзага келтиради.*

Альберт Эйнштейн

Билимнинг жамиятга таъсири кучайиб бораётган ижтимоий даврда цивилизация тараққиётига оид форсайт-тадқиқотлар, бўлаётган ўзгаришларни муваффақиятли таҳлил қилиш муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Экспоненциал тараққиёт, рақамли иқтисодиёт, мисли кўрилмаган даражада маълумотлар ҳажмининг кўпайиши ва ахборот алмашинувининг фаоллашуви бутунлай янги, феноменал ҳодиса ва вазиятларнинг туркумини вужудга келтирди. Замонавий жамият илм-фан соҳаси ҳамда шахсий қарашлар ва позициялар контекстида *постмодернистик, постиндустриал, посткапиталистик, постиқтисодий, билимлар, ахборот, онлайн жамияти* деб номланмоқда. Постиндустриал ахборот жамиятининг назариётчилари ҳар бир инсон учун шахсий ривожланиш имкониятларининг кўпайишини ушбу турдаги жамият фаолиятининг асосий хусусияти деб атайди. Баъзи тадқиқотчилар инсоният ахборот, билим, маълумот ва илмий тараққиёт етакчи роль ўйнайдиган янги даврга кирди деб ҳисобласа (**Ф. Махлуп⁴, Д. Белл⁵, Ф. Уэбстер⁶, Й. Масуда⁷**), тадқиқотчилар-

⁴ Махлуп Ф. АҚШда билимларни яратиш ва тарқатиш. – М.: Прогресс, 1966. – 462 б.

⁵ Белл Д. Остонадаги постиндустриал жамият: ижтимоий прогнозлаш тажрибаси. Инглизчадан таржима / Иноземцев В.Л. – М.: Academia, 1999. – 956 б.

⁶ Уэбстер Ф. Ахборот жамияти назариялари. – М.: Аспект Пресс, 2004. – 400 б.

⁷ Масуда Й. Ахборот жамияти постиндустриал жамият сифатида. Editorial Fundesco, 1984. – 327 б.

нинг бошқа гуруҳи ижтимоий фаолиятнинг ҳозирги босқичини олдингилари билан тадрижий ва узвий боғлиқ шаклда ўрганишни таклиф этади (**Э. Гидденс**⁸, **Г. Маклюэн**⁹).

Инглиз социологи, Кембриж университети профессори, жамиятлар тузилиши назарияси асосчиларидан бири **Энтони Гидденс** (Anthony Giddens) социология, фалсафа, ҳуқуқ, психология каби фанларнинг тадқиқот объекти бўлган ижтимоий назарияларнинг чуқур метадисциплинар таҳлилини амалга оширар экан, замонавий жамият тузилишини ўрганишнинг яхлит концепциясини қуришга интилади. Энтони Гидденс жамият ибтидоси ҳар доим ахборот бўлганлигини эътироф этиб, ахборот асрини ажратиш нотўғри эканини таъкидлайди. Гидденс “рефлексив модернизация” ғоясини илгари сураар экан, ижтимоий ривожланиш жараёнини шахснинг табиий омиллардан мустақиллигининг ўсишига детерминант тарзда боғлиқлигини, замонавий жамиятда ижтимоий муносабатларнинг ахборотлашуви юз бераётганини қайд этади.



Канадалик социолог, тилшунос, маданиятшунос **Герберт Маршалл Маклюэн** (Herbert Marshall McLuhan) томонидан илгари сурилган жамият ривожига оид қарашлар эътиборга лойиқ. Аввалги икки даврнинг симбиозидан иборат бўлган учинчи даврда жамият “Global village” (глобал қишлоқ)га айланади ҳамда унга боғлиқ равишда тўпланган маълумотларнинг барча жамият аъзолари орасида тез тарқалиши билан кечувчи ахборот маданияти даври бошланади.¹⁰

Билимга асосланган жамият классик маънодаги жамиятларнинг тарихий-эволюцион ривожланиш тенденцияларини ўзида акс эттиради. Масалан, Юнон цивилизациясини ўз ичига олувчи антик жамиятда ижтимоий

фаолиятнинг турларини фарқлаш мақсадида **otium negotium va otium** тушунчалари қўлланилган. Negotium муайян моддий неъматларни ишлаб чиқаришга қаратилган иқтисодий-ижтимоий фаолият тури бўлса, otium астрология, фалсафа, мантиқ, риторика, шеърят, эстетика, арифметика каби шахснинг руҳий-маънавий камолотини белгилаб берувчи жараён ҳисобланган. Дарҳақиқат, ушбу фанлар семантикасининг

⁸ Гидденс Э. Бой берилаётган дунё. Глобализация ҳаётимизни қандай ўзгартирмоқда. – М.: Весь мир, 2004.

⁹ Маклюэн Г. М. Гутенберг галактикаси. Инсоннинг нашр маданиятининг яратиши. Инглизчадан таржима ва изоҳлар: А. Юдин. – М., 2003.

¹⁰ Маклюэн Г. М., Фиоре К. Глобал қишлоқдаги уруш ва тинчлик. Инглизчадан таржима. – М., 2012.

муҳим қисмини инсон камолоти, жамиятнинг ахлоқий муаммолари, ҳаёт моҳияти, ижтимоий ва сиёсий ҳаётни бошқаришнинг фундаментал усуллари каби прагматик муаммолар ташкил этди. Шунинг учун бу жамиятларни билимга асосланган жамиятларнинг классик кўриниши дейиш мумкин.

Ўрта асрларда шаклланган **modus vivendi** (турмуш тарзи) асосида жамиятнинг юқори табақа вакиллари **trivium** ҳамда **quadrivium** (гуманитар ҳамда аниқ фанлар тизимининг умумий номлари) туркумига мансуб еттита билим соҳасини ўзлаштиришлари лозим эди (грамматика, логика, риторика, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа). Ушбу “санъатлар” интеллектуал коннотацияга эга бўлиб, улар моддий маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олган механик санъатдан ажралиб турган. Ўшандан бери ушбу икки соҳани эркин фуқаро ўрганиши муҳим деб ҳисобланган. Ўрта асрларнинг охиридан билимга асосланган, интеллектуал тайёргарликни талаб қиладиган касблар сони сезиларли даражада ошди, вақт ўтиши билан шифокорлар, меъморлар, судьялар, нотариуслар, интернункуслар (воситачилар), руҳонийлар ҳам юқори синфга кира бошладилар. Шу сабабли ўша давр иқтисодий формациясини билимга асосланган иқтисодиётнинг ўзига хос шакли деб айтишимиз мумкин.

Постиндустриал жамият назариясининг асосчиси, америкалик социолог, публицист, Гарвард университети профессори **Дениэл Белл** (Daniel Bell) индустриал саноат даври инқирозга юз тутиши оқибатида **knowledge society** – билимга асосланган жамият шаклланиши ҳақидаги ғояни илгари сурди. Белл постиндустриал жамиятнинг муҳим белгилари сифатида хизматлар соҳасининг ривожланиши, интеллектуал технологияларнинг тараққиёти, назарий билимлар кодификацияси, тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилишда ахборот технологияларининг ҳал қилувчи роли, жамият ҳаётида ахборот аҳамиятининг ошиши ҳамда ахборот ташувчилари сонининг кўпайишини санаб ўтади. Беллнинг ижтимоий назариясида ахборот иқтисодий қонунларга бўйсунмайдиган хусусиятларга эга ўзига хос товар эди. Беллнинг постиндустриал жамият концепциясида ижтимоий қадрият ва кўрсатмаларни қайта кўриб чиқиш ҳаётнинг барча соҳаларини илмийлаштиришга, билим ва ахборот замонавий жамиятнинг маркази эканлигини тан олишга асосланди. Белл постиндустриал жамиятнинг ўзига хос хусусиятини тавсифлаш сифатида “билимлар жамияти” атамасидан фойдаланди, хусусан, “Таркиб топаётган постиндустриал жамият” номли китобида билимлар жамияти иборасини экспликация қилади.¹¹

¹¹ Белл Д. Остонадаги постиндустриал жамият: ижтимоий прогнозлаш тажрибаси. Инглизчадан таржима / Иноземцев В.Л. – М.: Academia, 1999. – 956 б.

Глобаллашган дунёнинг ижтимоий ҳолатини тавсифлашда америкалик тадқиқотчилар, Жанубий Калифорния университети профессорлари **Уоррен Беннис** (Warren Bennis) ҳамда **Бертон Нанус** (Burton Nanus) томонидан пешқадамлик назариялари дискурсида илгари сурилган **VUCA-дунё** концепцияси алоҳида эътиборга молик.¹² Унга кўра, XX асрнинг сўнгги йилларигача инсоният steady (барқарор) predistable (олдидан тахмин қилиш мумкин), ordinary (оддий), definite (аниқ) каби нарративлар шароитида яшади ва фаолият олиб борди. Унинг ўрнига келган VUCA-дунё ўзининг чизиқли бўлмаган таксономияси, буткул беқарорлиги, мавҳумлиги, ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Ушбу атама “volatility” (беқарорлик), “uncertainty” (ноаниқлик), “complexity” (мураккаблик), “ambiguity” (иккиланиш) каби инглизча сўзларнинг акронимидир.

Кейинги йилларда ахборот жамиятининг узвий ҳосиласи ва детерминанти сифатида **“билимлар жамияти”, “билимга асосланган жамият”** ибораси турли хил контекстда замонавий дунёга хос реал воқеликнинг ўзига хос хусусиятларини талқин этишда ҳамда ҳозирги даврнинг кўплаб фундаментал муаммолари ечими сифатида қўлланилмоқда. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, тадқиқотларда ушбу иборанинг тоифавий семантик майдони аниқ чегарага эга эмас, аксарият ҳолларда унинг қўлланилиши муайян билим соҳасига боғлиқ эмаслиги англашилади. Замонавий ижтимоий-иқтисодий ўтиш шароитида жамият ривожланиши янги босқичининг ўзига хос хусусияти шундаки, маълумот ва билим ўзгаришлар моҳиятини белгиловчи тизимли қадриятлар ролини ўйнайди. Билим асосий роль ўйнайдиган жараёнлар тобора жадаллашиб, интеллектуал технологиялар ва хизматлар бозорида устунлик содир бўлмоқда, илм-фан соҳаларини ташкил этиш турлари такомиллаштирилмоқда, таълим тизими янгиланмоқда.

Бугунги кунда ахборот жамиятидан билимлар жамиятига ўтиш, замонавий жамиятда билимларни бошқариш, миллий ва глобал миқёсда янги ижтимоий ҳодисалар ҳамда улар келтириб чиқараётган прагматик муаммоларни акс эттириш, мавжуд билимларни тизимлаштириш, фан ва жамият ўртасидаги интерфейсни амалга ошириш, дунёда, маданиятда, фан ва техникада содир бўлаётган ҳодисалар, келажакда инсониятни кутаётган техноген ва табиий офатлар, интенсив технологияларни жорий этишнинг салбий ва ижобий оқибатларини тезроқ ҳамда тўлиқ ўрганиш муаммолари кўп тилга олинмоқда. Билимлар жамиятига ахборот жамиятининг ҳосиласи сифатида қаралади, бунда янги пайдо бўлган имкониятларга эътибор қаратилади. Бошқа томондан,

¹² Уоррен Беннис, Берт Нанус. Лидерлар. – СПб.: Сильван, 2001 й. – 186 б.

билимлар жамияти хавф-хатарлар контекстида кўриб чиқилиши керак, бу эса муаммонинг ижтимоий оқибатларини муҳокама қилишга кўпроқ эътибор беришни талаб қилади. Билимлар жамиятида виртуал макон билан боғлиқ ҳодисаларнинг ўрни сезиларли даражада ошиб бораётганини эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Ахборотнинг чексиз ортиши ва кенгайиши, мураккаблик, ноаниқлик ва хилма-хиллик муаммоларини енгилар билан боғлиқ равишда инсониятнинг ижтимоий тажрибасини қайта кўриб чиқишга интилиш, келажак билан боғлиқ ноаниқликнинг кучайиб бориши, муаммоларнинг поликонтекстуал табиати илмий тадқиқотларда соҳалараро трансдисциплинарлик ёндашуви заруриятини тақозо этади. Немис социологи, Мюнхен университети профессори **Ульрих Бек** (нем. Ulrich Beck) томонидан шакллантирилган “хатарлар жамияти” номини олган замонавий ижтимоий-гуманитар билимларнинг фанлараро, соҳалараро парадигмасининг асосий ғояси шундан иборат эдики, илгари тараққиётнинг асосий кафолати ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган илм-фан ва техника янги хавф-хатарлар, ноаниқликни келтириб чиқарди. Парадокс шундан иборатки, илм-фан ва технология хатарларнинг олдини олиш ва хавфни камайтириш усулларини излаши, хавфсизлик, мувофиқлик, прогностик таҳлил, аниқликни таъминлашнинг илмий асосланган стратегиясини таклиф этиши лозим.¹³

Жаҳон иқтисодий форуми асосчиси ва ижрочи раиси **Клаус Мартин Шваб** (нем. Klaus Martin Schwab) ўзининг “Тўртинчи саноат инқилоби” номли китобида киберфизик тизимларнинг ишлаб чиқаришга оммавий жорий этилиши, иқтисодий мақсадлар ва ҳаёт сифатининг жозибадорлиги билан тавсифланадиган Тўртинчи саноат инқилобининг (The Fourth Industrial Revolution) асосий имманент тенденцияларини тавсифлайди (физик, рақамли ва биологик). Экспоненциал суръатларда ривожланадиган технологик инқилоб шароитида рақамли воқелик булутли технологиялар, блокчейн, сунъий интеллект, катта маълумотлар (**big data**); квант технологиялари, рақамли платформаларнинг ҳар хил турларини ўз ичига олади¹⁴.

Шахс, жамият, давлат, умуман, цивилизация шароитида юз бераётган глобал ўзгаришлар ўта жиддий ҳамда бу илмий тафаккур, фан методологияси ҳамда ижтимоий формациянинг ўзгариши ҳақида гапиришга асос бўлади.

¹³ Бек У. Хавф жамияти. Бошқа модерн томон йўл / немисчадан В. Седельник ва Н. Федорова таржимаси. – М.: Прогресс-Традиция, 2000. – 384 б.

¹⁴ Клаус Шваб. Тўртинчи саноат инқилоби. – М.: Эксмо-Пресс, 2018. – Б. 22.

A man with a beard, wearing a white shirt and a dark tie, is holding a magnifying glass over a document. The image has a blue tint. The text is overlaid on the bottom left.

2-БОБ

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
МЕТОДОЛОГИЯСИ

2.1. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ТУШУНЧАСИ

*Фан афсоналардан ва
афсоналарга танқидий муносабатдан бошланади.*
Карл Поппер

*Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,
Қўлингдан келганча тера олсанг бас.*
Абу Абдулло Рўдакий

Билим – кучдир.
Фрэнсис Бэкон

Илмий тадқиқот (ингл. scientific research) – кузатувлар натижасида олинган маълумотларга муайян таҳлил қоидаларини қўллаш ва бу кузатишларни қатъий белгиланган шароитларда изоҳлаш йўли билан назария ва гипотезаларни текшириш усули.¹⁵ Илмий тадқиқот тушунчалар, қонунлар ва назариялар тизими вазифасини бажарувчи мақсадли билимлар, шунингдек, илмий билимларни олиш билан боғлиқ бўлган назарияни ўрганиш, эмпирик тажриба, синовдан ўтказиш, фактларни аниқлаш учун янги билимларни излаш ёки тизимли текшириш жараёни ҳисобланади. Янги илмий билимларни яратиш жараёни когнитив фаолият турларидан бири сифатида объектнинг хусусиятларини ва унинг қонуниятларини аниқлаш учун ўрганилаётган объектга нисбатан амалга ошириладиган мантиқий концептлар ва тажриба амалиётлари мажмуасидир.

XXI асрда илмий тадқиқотлар экспоненциал суръатлар билан ривожланмоқда. Бунга фан, техника, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги инқилобий ўзгаришлар сабаб бўлди. Хусусан, фан методологиясининг ривожланишига илмий билимларнинг коллаборацияси, интеграциялашуви ва дифференциацияси, кўплаб янги фанларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, фаннинг жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айланиши кучли таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда жамият олдида глобал миқёсда **барқарор ривожланиш, экотизимлар, сунъий интеллект, демография, урбанизация,**

¹⁵ Мангейм Жарол Б., Рич Ричард К. Сиёсатшунослик. Тадқиқот методлари. Инглизчадан таржима / Кириш сўзи А.К. Соколованики. – М.: Весь Мир, 1997. – 532 б.

космологик тадқиқотлар билан боғлиқ кўплаб глобал муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал қилиш кўплаб фанларнинг ўзаро таъсири орқали амалга оширилувчи кенг қўламли дастурларни талаб қилади.¹⁶ Мураккаб тизимлар ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ва ноаниқлиги шароитида турли соҳалардаги мутахассисларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ғоялар ва ечимларнинг синтезига асосланган тадқиқотларга зарурат туғилади. Бу муаммоларнинг барчаси турли фанлар категорияларига ва методларининг коллаборациясига асосланган метадисциплинар ёндашув, самарали синергетикани таъминлай олувчи усул ва воситаларни ишлаб чиқишга олиб келди.

Илмий тадқиқотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги, халқ хўжалиги учун аҳамияти даражаси, мўлжалланган мақсади, молиялаштириш манбалари ва амалга ошириш муддатига кўра таснифланади. Кенг маънода **фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар** бир-биридан фарқ қилади. **Фундаментал тадқиқотлар** табиатнинг ҳодиса ва қонуниятларини ўрганиш, янги қонуниятларни очиш, парадигмализм, жамият ҳақидаги илмий билимларни кенгайтириш ва уларнинг амалий жиҳатдан яроқлилигини аниқлаш мақсадида тадқиқотнинг янги тамойиллари ва усулларини яратишга қаратилган. **Амалий тадқиқотлар** фундаментал изланишлар давомида олинган билимларга асосланади ҳамда табиат қонуниятларидан фойдаланишнинг янги усулларини топишга қаратилган бўлиб, қидирув, экспериментал ишланмалар, конструкторлик фаолияти, объектга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, янги технологиялар, саноатда янги усулларни яратиш тарзида олиб борилади.

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижасида янги илмий-назарий, прагматик, техник, дидактик маълумотлар тўпланади, билимлар тизимлаштирилади.

¹⁶ Холиқова М. Постиндустриал цивилизация дискурсида жамият ва инсоннинг концептуал муаммолари / Ижтимоий тадқиқотлар журналі. 5-жилд. № 1 (2022). – Б. 45– 54.

2.2. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Фан бу – тартибга солинган билимдир.

Герберт Спенсер

Методология (юнон. μέθοδος – “ортидан эргашиш”, μεθοδολογία – усуллар ҳақида таълимот) – дунёни ва воқеа-ҳодисаларни англашнинг турли усулларини ўрганадиган соҳа бўлиб, уни воқеликни илмий идрок этишнинг мақсадга қаратилган мантиқий тизими, илмий фаолият усуллари ҳақидаги таълимот, инсоннинг воқеликни ўзгартириш усулларини ўрганишга қаратилган когнитив, рационал-рефлексив фаолияти ҳамда аниқ муаммони ҳал қилиш ёки аниқ мақсадга эришиш учун амалга оширилиши керак бўлган интеллектуал ҳаракатлар мажмуи дея таърифлаш мумкин. Методология кенг маънода маълум бир фан (математика, антропология, кибернетика, физика, космология) доирасида билим олиш ва ривожлантириш жараёнида таянчлиқ тадқиқот фаолияти тамойиллари ва ёндашувлари тизимидир. Илмий тадқиқот методологияси бу – тадқиқотчининг билимнинг махсус умумфалсафий услублари негизида янги билим олиш усуллари ҳамда илмий билишнинг тузилиши тамойиллари ҳақидаги таълимотдир.

Хусусий фан методологияси билим олиш учун ушбу фаолиятда қўлланиладиган усулларни тадқиқ этиш, излаш, ишлаб чиқиш, қўллаш ва тизимлаштиришга йўналтирилган умумий тамойилларни амалга оширади.

Фан методологияси умумий билиш назарияси – **гносеологиянинг** бир қисми ҳамда **фалсафа, праксеология, логика**, шунингдек, когнитив тафаккур ва рационал-рефлексив фаолиятнинг барча турлари билан корреляцион боғлиқ бўлиб, уларни ҳар қандай сунъий чегаралаш деярли имконсиз ва самарасиздир. Илмий билиш институционал жиҳатдан қатъий белгиланган фаолият тури бўлиб, унда шахснинг воқеликни англаш, фаннинг ривожланиши когнитив тажриба ва билимларни тўплаш, тизимлаштириш ва узатиш орқали таъминланади. Илмий усулларнинг тизимли ривожланиши фаннинг ижтимоий тизим сифатида шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шартидир. Илмий усуллардан фойдаланиш илмий тадқиқот жараёнини ҳамда тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлашда фундаментал аҳамиятга эга.

Фан методологиясининг асосий вазифаси билишнинг эвристик шаклини қатъий текширилган ва солиштирилган тамойиллар, усуллар, қоидалар ва меъёрлар тизими билан таъминлашдан иборат.

Махсус луғатларда “методология” тушунчаси қуйидагича талқин қилинади:

1. Илмий билиш усули ҳақидаги таълимот; назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш тамойиллари ва усуллари; муайян фан доирасида қўлланиладиган усуллар тўплами.¹⁷
2. Илмий ва когнитив фаолиятнинг қурилиш тамойиллари, шакллари ва усуллари ҳақидаги таълимот.¹⁸
3. Ҳар қандай фанда қўлланиладиган тадқиқот усуллари тизими; илмий билиш усуллари, усуллари, техникаси ва дунёни ўзгартириш тамойиллари ҳақидаги таълимот.¹⁹
4. Методология – фаолиятни ташкил этиш ҳақидаги таълимот.²⁰
5. Муайян фаннинг асосини ташкил этувчи энг умумий тамойиллар, қоидалар ва усуллар тизими.²¹
6. Илмий билишнинг қурилиш тамойиллари, шакллари ва усуллари ҳақидаги таълимот.²²

Фан методологиясининг мақсади янги билимлар яратиш, илмий методология ёрдамида олинган билимларни тушунтириш, талқин қилиш, такомиллаштириш учун зарур когнитив-ижодий фаолиятни амалга ошириш, шунингдек, уларни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Фан методологияси илмий тадқиқотнинг таркибий қисмлари – унинг объекти, таҳлил предмети, тадқиқот вазифаси, муаммоси, ушбу турдаги муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган тадқиқот воситаларининг мажмуасини тавсифлайди, муаммони ҳал қилиш жараёнида тадқиқотнинг кетма-кетлиги ҳақида тасаввурни шакллантиради.

¹⁷ Ожегов ва Шведова. Рус тилининг изоҳли луғати.

¹⁸ Каленникова Т.Г., Борисевич А.Р. Психологик ва педагогик тушунчалар луғати. Кундузги ва сиртки таълимнинг барча мутахассисликлари талабалари учун маълумотнома. 2007.

¹⁹ Юренков В.Н. Психодиагностика ва экспериментал психологиянинг асосий тушунчалари. – М.: Словарь, 2006.

²⁰ Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология. – М.: Синтег, 2007.

²¹ Сиёсатшунослик бўйича глоссарий. Проект www.cde.osu.ru

²² Козирская И.Е. Иқтисодиёт ва менежмент атамаларининг ўқув луғати. 2017.

Методологиянинг энг муҳим омили муаммони шакллантириш, тадқиқот предмети, илмий назария, гипотеза (илмий фараз), шунингдек, олинган натижани унинг асослиги, ишончилиги ва ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан текширишдир.

Умумий илмий методологиянинг предмети билишнинг умумий илмий усуллари ҳисобланади. Фаннинг асосий соҳаларида (табиий фанлар, математика, ижтимоий-гуманитар фанлар, техник фанлар) қўлланиладиган умумий илмий усулларга қуйидагилар киради: **кузатиш, тажриба, миқдорий таҳлил, объектларнинг илмий тавсифи (сифат ва миқдорий), анализ, синтез, моделлаштириш, абстракция, умумлаштириш, индукция, гипотеза, форсайт-таҳлил, дедукция (мантиқий ёки математик), илмий фактлар ва гипотезаларни қуриш, редукция, диалектик метод** ва б.

Илмий тадқиқотни ўтказиш қуйидаги мантиқий-таксономик схема кўринишида ифодаланиши мумкин:

1. Танланган мавзунинг долзарблигини асослаш.
2. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини баён қилиш.
3. Тадқиқот объекти ва предметининг таърифи.
4. Тадқиқот усулини (метод) танлаш.
5. Тадқиқот жараёнини тавсифлаш.
6. Тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш.
7. Тадқиқот хулосаларни шакллантириш ва олинган натижаларни баҳолаш.

Танланган мавзунинг **илмий-ижтимоий долзарблигини асослаш** муаммоли вазиятнинг моҳиятини кўрсатишдир. Муаммоли вазиятни шакллантириш киришнинг муҳим қисмидир. Ҳар қандай илмий тадқиқот янги ҳодисаларни билиш жараёнида муаммоларни бартараф этиш, фанга илгари номаълум бўлган фактларни тушунтириш ёки маълум фактларни тушунтиришнинг эски усуллари тўлиқ эмаслигини асослаш ва аниқлаш учун олиб борилади. Муаммо эски билим ўзининг муайян ижтимоий даврга номувофиқлигини ошкор этганда ва янгиси ҳали ривожланган шаклни олмаганида пайдо бўлади. Фандаги муаммо ҳал қилиниши керак бўлган зиддият, ихтилоф, қарама-қарши вазият бўлиб, у кўпинча олдинги назарий тушунчалар доирасига тўғри келмайдиган янги фактларнинг очилиши, баъзан илмий парадигмалар алмашинуви натижасида юзага келади.

Янги муаммоларни тўғри шакллантириш катта аҳамиятга эга. Улар тадқиқотнинг умумий стратегиясини ва тадқиқот йўналишини белгилайди. Илмий муаммони шакллантириш

тириш деганда асосийни иккиламчидан ажратиш хусусиятини кўрсатиш, тадқиқот предмети бўйича фанга маълум бўлган ва ҳалигача номаълум бўлган нарсаларни ўрганиш тушунилиши бежиз эмас. Тор мавзуларни танлаш муаммони чуқурроқ ва батафсил ишлаб чиқиш, муаммонинг илгари гумон қилинмаган жиҳатларини кашф этиш билан эътиборга молик.

Мақсад ва вазифаларни шакллантириш. Мақсад, одатда, бир жумлада шакллантирилади, кейин вазифаларда батафсил баён қилинади. Мақсадни шакллантиришда “асослаш”, “исботлаш”, агар тадқиқотнинг якуний маҳсулоти моддий кўринишга эга бўлса (масалан, подкаст, патент, ихтиро, видеофильм, модель, алгоритм, концепция, мобил илова, компьютер дастури ва б.), “яратиш”, “ишлаб чиқиш” феълларидан фойдаланиш мумкин. Вазифаларни шакллантиришда “таҳлил қилиш”, “таърифлаш”, “аниқлаш”, “ўрнатиш” феълларини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот вазифалари жуда кўп бўлмаслиги керак (энг мақбули бештадан еттитагача).

Тадқиқот объекти ва предмети. Объект бу – ўрганиш учун танланган жараён ёки ҳодиса. Предмет бу – объектнинг ўзгартирилиши мумкин бўлган қисми. Тадқиқот предмети аниқроқ хусусиятга эга. Уни шакллантириш орқали ўрганиш объектини ифодаловчи умумий тизимдан тизимнинг бир қисми ёки тизимда содир бўладиган жараён, бевосита ўрганиш предмети (стратегиялар, воситалар, технологиялар ва бошқалар) ажратиб кўрсатилади. Илмий жараённинг категориялари сифатида тадқиқот объекти ва предмети умумий ва хусусий сифатида бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Объектда тадқиқот предмети вазифасини бажарувчи қисм алоҳида ажратилади. Тадқиқотчининг асосий эътибори айнан унга қаратилган.

Тадқиқот усулларини, методик аппаратини танлаш. Тадқиқотнинг мақсадлари тадқиқотчи томонидан қўлланиладиган техника ва усулларни белгилайди. Буларга илмий билишнинг эксперимент, таҳлил, кузатиш, ўлчаш, таққослаш, тажриба, моделлаштириш каби умумий усуллари ҳам, махсус усуллар ҳам киради.

Тадқиқот жараёнининг тавсифи ишнинг асосий қисмини ташкил қилади. Тадқиқот усулларини тақдим этгандан сўнг фойдаланилган маълумотларни акс эттирувчи назарий ва эмпирик базани тавсифлаш керак.

Тадқиқотнинг **илмий ва амалий натижалари** илмий тадқиқотнинг якуний босқичини ташкил этади. Ўрганиш жараёнида олинган натижаларнинг амалиёт учун аҳамиятини

очиби бериш керак. Натижалар ва хулосалар тадқиқот мақсади билан мантиқий боғлиқ бўлиши лозим. Агар тадқиқот мақсадлари таҳлил қилиш, тавсифлаш, аниқлаш, белгилаш сўзлари билан тузилган бўлса, натижалар унга монанд тарзда берилади: “Ушбу тадқиқот жараёнида ... таҳлил қилинди, ... аниқланди, ... ўрнатилди”.

2.3. ФАН МЕТОДОЛОГИЯСИНING РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Ҳамма нарса ўзгарувчан моҳиятга эга.
Гераклит

Фан методологиясига оид билимларнинг бошланиши маданият ривожланишининг дастлабки босқичларида (**Месопотамия, Элам, Урук, Бобил, Миср**) мавжуд бўлган. Қадимги Мисрда геометрия ер майдонларини бўлиш ва қайта тақсимлашда ўлчаш тартиб-қоидаларининг кетма-кетлигини аниқловчи услубий кўрсатмалар шаклида юзага келди. Қадимги юнон фалсафаси (**Тит Лукреций Кар, Платон, Зенон, Фалес, Аристотель**) табиатни англаш, билим олиш шартлари муаммоси билан шуғуллана бошлади. Мазкур муаммони таҳлил қилишга энг катта ҳиссани Аристотель қўшди, у ўзи яратган мантикий тизимни “**органон**” – ҳақиқий билимнинг универсал қуроли деб ҳисоблади.

Илмий тафаккур, фан методологиясининг ривожланишига **Зенон, Архимед, Пифагор, Тит Лукреций Кар, Гераклит, Платон, Аристотель, Диоген, Фрэнсис Бэкон, Рене Декарт**²³, **Ибн Халдун, Ибн Рушд, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, ал-Форобий, ал-Ғаззолий, Иммануил Кант, Гегель, Исаак Ньютон, Артур Шопенгауэр** каби мутафаккирлар катта ҳисса қўшган. Уларнинг илмий-фалсафий тафаккурида илмий билим, фаннинг методологияси умумлаштирилган, дифференциялаштирилган шаклда тақдим этилган бўлиб, у фаннинг умумий ғоясини ва унинг концептуал тамойилларини ўрганишда қўл келади.

Аристотель биринчи бўлиб фанларни, билим турларини аниқлади ва таснифлади. У фанларни уч гуруҳга ажратди: назарий, амалий ва ижодий-поэтик. Мутафаккир биринчи турга риёзиёт, физика, теофилософия (кейинчалик метафизика деб атал-

²³ Декарт Р. Фикрни тўғри йўналтириш ва фанларда ҳақиқатни топиш усулини муҳокама қилиш. Метафизик фикрлаш. Фалсафанинг бошланиши. – М.: Вежа, 1998.

ди); иккинчисига ахлоқ ва сиёсат, учинчисига санъат, ҳунармандчилик ва амалий фанларни киритади. Аристотель фалсафани энг назарий фан сифатида тавсифлайди, чунки у нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва сабабларини ўрганади, қолган ҳамма нарсани фалсафа асосида билиш мумкин. Аристотель дунёни англашнинг дедуктив усули асосчисидир. У «**Органон**» номли трактатида дедуктив фикрлашнинг дастлабки назарияси – категорик силлогизмларни ишлаб чиқди. Унинг асосида исбот назарияси қурилади ҳамда мантиқий қоидаларга мувофиқ хулоса (натижа) олиш имкони яратилади (силлогистик назария). Айтиш керакки, Аристотель индуктив (диалектик) фикрлашни ҳам тадқиқ қилди ҳамда уни силлогистиканинг аналитик-дедуктив хулосаларига қарши қўйди.²⁴

Нафақат билим назарияси, балки аниқ илмий услубларнинг ривожига **скептиклар** томонидан тамал тоши қўйилган. **Скептицизм** (қадимги юнонча σκεπτικός – кўриб чиқиш, тадқиқ қилиш) – фикрлаш тамойили сифатида шубҳани, айниқса, ҳақиқатнинг ишончлилигига шубҳани илгари сурувчи фалсафий оқим. Скептицизм ибтидо-сида **Зенон, Демокрит, Гераклит, Пиррон, Агриппа, Секст Эмпирик, Эврипид, Ксенофан, Гиппократ** каби мутафаккирлар турган. Диоген Лаэртский Гомерни ҳам скептик сифатида тавсифлаб, унинг ҳеч қачон аниқ догмаларга таянмаслигини эътироф этади.²⁵ Скептиклар биринчи бўлиб билишнинг моҳиятини доимо ҳақиқатни қидиришда ва аниқ нарсаларга шубҳа қилишда деб билдилар.²⁶ Скептиклар **ҳақиқат мезони** тушунчасини яратдилар ва унинг аҳамиятини фикрлаш ва воқеликнинг ўзаро корреляциясида кўрдилар.²⁷ Замоनावий даврда скептицизм кўпинча назарияларни, ғояларни тўлиқ инкор этишнинг нигилистик позицияси, ҳар қандай тезис билан қатъий келишмовчилик сифатида тушунилади.

Инглиз олими, давлат арбоби, эмпиризм асосчиси **Фрэнсис Бэкон** (Francis Bacon) илм-фан табиатни ўрганиш ва халқлар тараққиёти учун зарур деган фикрни билдирган. Илм-фан ютуқларидан иқтисодий ва сиёсий манфаатдорлик қадр-қимматини камайтирмасликлари зарурлигини тасдиқлаган ҳолда Бэкон илмий тадқиқотларнинг асосларини яратади, институционаллаштиради, олимлар ишини ташкил қилишда иштирок этади.

²⁴ Аристотель. Асарлар. 4-ж. ("Фалсафа мероси" туркуми). Т. 2 (Органон). – М.: Мысль, 1978. – 688 бет.

²⁵ Diogenes Laertius. Vitae philosophorum. IX. – Б. 71–73.

²⁶ Гусев Д.А. Қадимги скептицизм фаннинг замонавий фалсафаси // Преподаватель. XXI век. 2014. № 3. 2-қисм. – Б. 219 – 225.

²⁷ Грязнова Е.В. Фан фалсафаси предмети // Философская мысль. 2013. № 6. – Б. 514 – 529.

Уйғониш даври ва эрта янги даврнинг биринчи йирик файласуфларидан бири бўлган Бэкон қатъий, далилларга асосланган илмий ёндашув тарафдори сифатида ўз даврининг бошқа файласуфлари сингари ҳали ҳам фойдаланишга мажбур бўлган схоластиканинг догматик дедукцияси томонидан белгиланган чегаралардан ташқарига чиқишга интилиб маълумотларни оқилона таҳлил қилишга асосланган индуктив усулни ишлаб чиқди. **“Тажрибалар ёки ахлоқий ва сиёсий кўрсатмалар”, “Фанларнинг кадр-қиммати ва кўпайиши ҳақида”, “Янги Органон”, “Янги Атлантида”** каби фалсафий трактатларида Бэкон илмий тадқиқот методологиясининг асосларини тузиб чиқди, эмпирик тажриба, кузатиш ва гипотезаларни текшириш орқали атрофдаги дунёдан билим олиш, илм-фан, шунингдек, инсон ва жамият муаммоларига муносабатини баён қилди. Хусусан, **«Novum Organum»** (Янги Органон) мутафаккир томонидан ишлаб чиқилган индуктив метод ҳамда экспериментнинг аҳамиятига қаратилган.²⁸ Бэкон илм-фанга кўплаб ҳужумларни таҳлил қилиб, табиатни билиш тақиқланмаган деган хулосага келди. Аксинча, инсонга коинотни англаш, яхшилик ва ёмонликни билиш учун тафаккур берилган, илм-фаннинг мақсади эса одамларнинг куч-қудратини кўпайтириш, муносиб ҳаёт кечиришни таъминлашдир.

Француз мутафаккири, математики, аналитик геометрия асосчиларидан бири, янги давр фалсафаси отаси, илмий инқилобнинг асосий намояндаларидан бири **Рене Декарт** (Rene Descartes) эпистемология, гносеология, билимни тизимлаштириш, рационализмнинг прагматик асосларини яратди. Декартнинг **“Фикрни яхши йўналтириш ва фанларда ҳақиқатни излаш усулини муҳокама қилиш”** (*Discours de la methode pour bien conduire sa raison, et chercher la verite dans les sciences*) номли фалсафий рисола-си янги аср фалсафаси ва замонавий илмий билимлар даврини бошлаган бурилиш нуқтаси ҳисобланади.²⁹

Рисолада фанларга оид мулоҳазалар, методологиянинг асосий қоидалари, илмга оид ахлоқий рўнлар, метафизика асослари, табиатни ўрганишда зарур тамойиллар, ҳақиқатни хатодан ажрата олишнинг (**“соғлом ақл”**) аҳамияти, соғлом фикрнинг қўлланилиши, билимларни такомиллаштириш усуллари таҳлил қилинган.³⁰ Декарт билиш тушунчасини субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар муаммоси сифатида шакллантириб, биринчи марта тафаккурнинг ўзига хослиги, ҳақиқатнинг оддий ва

²⁸ Фрэнсис Бэкон. Янги Органон. 2019. – 370 б.

²⁹ Декарт Р. Фикрни тўғри йўналтириш ва фанларда ҳақиқатни топиш усулини муҳокама қилиш. Метафизик фикрлаш. Фалсафанинг бошланиши. <http://psylib.org.ua/books/dekar01>

³⁰ Мотрошилова Н. В. Метод ҳақида фикрлар // Новая философская энциклопедия: 4 ж. / В. С. Стёпин илмий таҳр. ас. 2-нашр, тўлдирилган нашри – М.: Мысль, 2010. – 2816 б.

тўғридан-тўғри акс этиши, билиш жараёнининг тизимли муҳокамаси, интеллектуал салоҳият масаласини кўтаради. Декарт шеърият, математика, илоҳиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, тиббиёт каби фанларни эътироф этиб, алкимё, астрология ва сеҳргарликка оид ёлғон таълимотларни бутунлай рад этади. Декартнинг **“Биринчи фалсафа ҳақида мулоҳаза юритиш”** трактати дунёнинг бир қатор университетлари фалсафа бўлимларида ўрганилади. Тўғри бурчакли координаталар системаси унинг номи билан аталган ва у яратган аналитик геометрия алгебра ва геометрия ўртасида кўприк бўлиб, математик анализда муҳим роль ўйнаган. У **Бенедикт Спиноза** ва **Готфрид Лейбниц** томонидан такомиллаштирилган континентал рационализмга асос солди.

Инглиз мутафаккири, физик, математик **Исаак Ньютон** (Isaac Newton) солган классик физика негизларини шубҳа остига қўйган электродинамика, релятивистик ва квант механикасининг ривожланиши (**Макс Планк, Альберт Эйнштейн, Вернер Гейзенберг, Эрвин Шрёдингер, Луи де Бройль, Поль Дирак, Нильс Бор, Вольфганг Паули, Макс Борн, Майкл Фарадей, Жеймс Максвелл**) нафақат фундаментал ҳодисалар ва жараёнларнинг (гравитация, магнетизм, электр, ёруғлик, квант майдони назарияси, детерминизм) моҳиятини аниқлашга имкон берди, балки бутун фаннинг методологик тамойиллари соҳасига ҳам улкан таъсир кўрсатди.

Немис мутафаккири, идеализм асосчиларидан бири **Георг Вильгельм Гегель** (Georg Wilhelm Hegel) томонидан илгари сурилган “инкорни инкор этиш” қонунига кўра, эмпирик фан ўзининг барча асосий параметрларида антик ва ўрта асрларда ривожланган фанга коллизия сифатида намоён бўлади.³¹ Диалектика, мантиқ ва билиш назариясининг ўзига хослигини ифодаловчи бундай ёндашув илмий билимларнинг парадигмал хусусияти, даврийлик, даврий ўзгаришларга оид қарашларига мос.

Илм-фандаги воқеа-ҳодисаларни универсал тушунтириш моделларини яратишга бўлган интилиш ҳар қандай тизимлаштирилган билимлар соҳасига хосдир. **Томас Кун**³², **Карл Поппер**³³, **Ибн Халдун**³⁴, **Имре Лакатос**³⁵, **Энтони Гидденс**³⁶, **Юрген Хабер-**

³¹ Гегель. Рух феноменологияси. Тарих фалсафаси. – М.: Эксмо, 2007. – 880 б.

³² Кун, Т. Илмий инқилоблар тузилмаси. – М., 2003. – Б. 13.

³³ Popper K. Normal Science and its Dangers // Criticism and the Growth of Knowledge. Cambr., 1970. – P. 55–57-б.

³⁴ Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. http://www.muslimphilosophy.com/ik/Muqaddimah/Table_of_Contents.htm. (мурожаат санаси: 29.10. 2022 й.).

³⁵ Лакатос И. Тадқиқот дастурларини қалбакилаштириш ва уларнинг методологияси. – М.: Медиум, 1995. – 236 б.

³⁶ Гидденс Э. Бой берилётган дунё. Глобализация ҳаётимизни қандай ўзгартирмоқда. – М.: Весь мир, 2004.

мас³⁷, **Пол Фейерабенд**³⁸ каби назарийчилар илмий динамиканинг ғоя ва концепцияларини инқилобий қайта кўриб чиқиш босқичлари, илмий парадигмалар мавжудлигини тахмин қиладилар. “Парадигма” тушунчаси (юнон. *παράδειγμα* – андоза, намуна) – тадқиқот муаммоларини ҳал қилиш учун намуна сифатида қабул қилинган назария (ёки муаммоларни баён қилиш модели)³⁹ фалсафа фанига немис позитивизми вакили **Густав фон Бергман** (нем. *Gustav von Bergmann*) томонидан методологик тадқиқотларнинг баъзи умумий тамойиллари ва стандартларини тавсифлаш мақсадида киритилган. “Парадигма” атамасининг илм-фан соҳасида кенг қўлланилиши америкалик физик ва файласуф **Томас Сэмюэл Кун** (*Thomas Samuel Kuhn*) номи билан бевосита боғлиқ. Томас Кун “парадигма” тушунчасини фаннинг метаназарий асосларининг энг муҳим модели деб ҳисоблайди⁴⁰.

“Илмий инқилобларнинг тузилиши” номли асарида тадқиқотчи “илмий инқилоблар назарияси”га оид тушунчалар тизимини тавсифлаб, унда энг муҳим ўринни парадигмага ажратади. *“Парадигма деганда ҳаммага маълум бўлган илмий ютуқларни назарда тутяпман, улар маълум вақт давомида илмий жамоатчиликка муаммоларни ечиш моделини тақдим этади”*.⁴¹

Антик давр, хусусан, юнон фалсафий тафаккурида (**Платон, Аристотель, Пифагор, Лукреций, Овидий**) ғояларга объектив дунёдаги ҳақиқатда мавжуд нарсаларнинг прототиби, ҳаёлий шакли сифатида қаралиб, мавжуд бўлган ҳамма нарсалар идеал, бирламчи тимсоллар орқали яратилади дея тавсифланади. Хусусан, Платон “Тимей” номли диалог услубидаги фалсафий трактатида демиург томонидан борлиқни яратишда фойдаланган шакл сифатида кўради. Ғояни парадигма, андаза, модель сифатида талқин қилишдаги ушбу ёндашув неоплатонизм (**Плотин, Плутарх, Гелиодор, Страбон**) ва пифагореизмда (**Парменид, Эмпедокл, Демокрит**) тараққий этди, хусусан, борлиқ бирламчи ва мутлақ Абсолютнинг тимсолида ва шамойилида яратилиши, оламнинг моҳиятини гармония ва сонлар ташкил этиши ҳақидаги пифагореистик космологияда ҳамда мифологемаларда ўз ифодасини топди. Немис классик идеализмида (**Лейбниц, Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель**) парадигмалликка оид қарашлар табиий жисмларнинг тизимли жойлашуви, фазовий объектларнинг ташқи ва ички

³⁷ Хабермас, Ю. Мафкура сифатидаги усуллар ва фан / Немисчадан М.Л.Хорьков таржимаси. – М.: Праксис, 2007. – 208 б.

³⁸ Фейерабенд П. Методга қарши. Билишнинг анархик назарияси очерки / Инглизчадан таржима А. Л. Никифорова-ники. – М.: АСТ; Хранитель, 2007. – 413 с.

³⁹ Фалсафий энциклопедик луғат. – М., 1983. – Б. 22.

⁴⁰ Кун Т. Илмий инқилоблар тузилмаси. – М., 2003. – Б. 13.

⁴¹ Томас Кун. Илмий инқилоблар тузилмаси. 2012. – 264 б.

яхлитлиги қонуниятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асносида ривожланди. Италиялик файласуф, тарихий фалсафа ва этнопсихология асосчиси **Жамбаттиста Вико** (итал. Giambattista Vico) дунё даврларнинг кетма-кет ўзгаришларида намоён бўлишини, инсониятнинг ривожланиш тарихини даврий кўринишда эканини таъкидлайди.⁴² Венгер тадқиқотчиси, постпозитивизм вакили **Имре Лакатос** (*Imre Lakatos*) илмий тадқиқот методологиясини ишлаб чиқар экан, илмий дастурни танлаш рационалликка асосланмоғи ҳақидаги фикрни илгари сурди. Тадқиқотчининг фикрича, илм-фанни ривожлантириш модели тадқиқот дастурларининг рақобати асосида амалга оширилади. Илмий инқилоблар даврида дунё картиналари (масалан, ибтидоий, теистик, мифологик, илмий картина), қадриятлар тизими, муаммоларни ечиш усуллари билан боғлиқ ихтилофлар асносида **парадигмалар коллизияси** (зиддияти) юзага келади ҳамда парадигмалар алмашинуви содир бўлади.

XXI аср илм-фани гуманистик идеаллар анъаналарини давом эттирган ҳолда ахборот даврининг воқелигига (**рақамли иқтисодиёт, тўртинчи саноат инқилоби, билимлар жамияти, семантик ўргимчак тўри технологияси, блокчейн технологияси, яшил қиймат, 3D-технологиялар, энвайронментализм, сунъий интеллект, нанотехнологиялар**) мос ҳолатда релевант назарий концепция, инновацион ёндашувлар, методологияларни талаб қилади. Замонавий постиндустриал билимлар жамиятида илм-фан, интеллектуал капитал жамиятнинг моҳияти ва ички тузилишининг асосига айланади ва унинг стратегик ривожланиш тенденцияларини белгилайди.

⁴² Жамбаттиста Вико. Миллатлар умумий табиати ҳақида янги фан. – М., Киев, 1994. – 628 с.

2.4. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ КАТЕГОРИАЛ ТИЗИМИ

Фикрляяпман, демак, мавжудман.

Рене Декарт

Ҳақиқат сари йўл парадокслар билан қопланган.

Оскар Уайльд

Илм-фаннинг ривожланиши маълумотларни тўплаш, уларни ўрганиш, тизимлаштириш, умумлаштириш ва универсал қонуниятларни очиш орқали фактларни тушунтириш ва янгиларини олдиндан кўра билиш имконини берувчи илмий билимларнинг мантиқий изчил тизимига олиб келади.

Билим йўли примитив ғоялардан илмий тафаккурғача бўлган йўлдир. Билиш жараёни ҳам, фаннинг ривожланиши ҳам фактларни тўплашдан бошланади. Маълумотларни илм-фаннинг муҳим таркибий элементлари бўлган энг оддий абстракциялар – тушунчалар ёрдамида тизимлаштириш мумкин. Билимнинг муҳим шаклларида бири тамойиллар, постулатлар, аксиомалар, қонунлардир.

Назария (юнон. *theoria* – кузатиш, тадқиқ этиш) – мураккаб кўп сатҳли ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, табиат ва жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини акс эттирувчи тажриба, ижтимоий амалиётни умумлаштириш, фан ёки унинг қисмларини ташкил этувчи умумлаштирилган қоидалар мажмуини ўз ичига олади. Назария умумлаштириш ва тизимлаштиришнинг энг юқори шаклидир. Назария мавжуд жараёнлар ва ҳодисаларни билиш, турли омиллар таъсирини таҳлил қилиш ва амалий фаолият учун тавсиялар бериш имконини берувчи илмий тамойиллар ва усулларни шакллантирувчи умумлаштирилган тажрибадир. Назарий-прагматик, эмпирик-экспериментал тадқиқотлар олиб боришда умумий илмий усулларни кенг қўллаш орқали янги билимлар ҳосил бўлади.

Гипотеза (юнон. *hypothesis* – фараз, тахмин) – ҳақиқий қиймати ноаниқ бўлган тахмин; башорат қилиш усули, ҳали текширилмаган, чекланган далилларга асосланган

Ҳояга жавоб топишга уриниш; ўзига хос ҳодисалар ёки сабаблар ўртасидаги бевосита кузатилмайдиган алоқа шакллари тахмин қилиш; бу ҳодисаларни ишлаб чиқишни ўз ичига олган мураккаб техника; ҳодисани тушунтириш учун илгари сурилган ва ишончли илмий назарияга айланиши учун экспериментал текширишни, шунингдек, назарий асослашни талаб қилувчи илмий фараз. Гипотеза билимларни ривожлантириш шакли бўлиб, у хусусиятларни аниқлаштириш учун илгари сурилган оқилона тахминдир. Гипотезани ўрганилаётган ҳодисаларнинг хусусиятлари ва сабабларини аниқлаш учун илгари сурилган оқилона тахмин бўлган билимларни ривожлантириш шакли сифатида ҳам таърифлаш мумкин.⁴³ Аксиома ва постулатдан фарқли ўлароқ, у исботни талаб қилади. Агар гипотеза илмий услубга мувофиқ ушбу гипотеза қамраб олган фактларни тушунтирсин, илмий ҳисобланади. Мантиқий жиҳатдан мос келмаса, тубдан рад этилиши мумкин, яъни уни танқидий тажриба орқали текшириш мумкин, илгари белгиланган қонунларга зид келмайди ва, эҳтимол, ҳодисаларнинг кенгроқ доирасига тааллуқлидир. Гипотеза жараён ва ҳодисаларни тушунтириш ва уларни башорат қилиш мақсадида илгари сурилади ҳамда янги назарияларни илгари суриш, илмий прогнозларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Гипотезани шакллантириш орқали тадқиқотчи мақсадига қандай эришмоқчи эканлиги ҳақида илмий тахминни яратади. Тадқиқот жараёнида гипотеза тузатилади, ўзгаришларга учрайди. Гипотеза тадқиқот жараёнида табиий равишда пайдо бўлиши керак, бу фақат қисман тўғри бўлган тахмин бўлиши мумкин. Аммо диссертацияларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, гипотеза яқуний натижаларни шундоқ ҳам билишга асосланади ва шунинг учун ўз маъносини йўқотади.

Гипотеза тажриба жараёнида қандай натижалар кутиш кераклиги, натижаларни синаб кўриш, тадқиқотнинг мумкин бўлган яқунланишини аниқлаш, илмий эксперимент асосини шакллантириш кабиларни ўз ичига олади. Гипотезани шакллантиришда эҳтиёткор ва пухта бўлиш муҳим, чунки ҳар қандай гипотеза фактлар, маълумотлар билан исботланиши кераклиги сабабли гипотезани яратишда ҳатто кичик камчиликлар ҳам тадқиқот сифатига ва унинг натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. “Илмий фаразлар олимларнинг хаёллари эмас, балки уларнинг илмий фаолияти асосида шаклланидиган фикрларидир”.⁴⁴

⁴³ Кириллов В.И., Старченко А.А. Мантик: Юридик йўналишдаги ОўЮ учун дарслик. 5-нашр. — М.: Юристь, 2002. — 256 б.

⁴⁴ Сауров С.Ю. Феномен гипотезы в естественнонаучном познании: Диссертация на соискание учёной степени кандидата философских наук: 09.00.01 / Сауров Сергей Юрьевич. — Киров, 2007. — 189 с.

Гипотеза қуйидаги хусусиятларга эга:

- тахминийлик;
- эҳтимолийлик;
- муайян фан тилида шакллантирилиши;
- мантиқийлик;
- қатъий асосга эга бўлиши;
- изчиллик;
- ахборот ташувчи;
- тасдиқланишнинг мавжудлиги (бу мезон ҳар доим ҳам кузатилмайдиган);
- илмий табиати.

Замонавий тадқиқотларда гипотезанинг илмий билимларни ривожлантиришдаги қуйидаги роли ва функциялари тавсифланади:

- яратилган мавзунини тушунтириш учун кейинги ўрганишга ҳисса қўшиши зарур;
- илмий фараз назарияга айлантирилиши ёки рад этилиши учун ривожланиш учун очиқ бўлиши керак;
- гипотезада уни келтириб чиқарган муаммога жавоб бўлиши лозим;
- илмий муаммони таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳодисанинг фактларини тартиблашда ифодаланган ташкилий функция;
- гипотетик-дедуктив усулдан фойдаланган ҳолда билим ва тажрибага асосланиши;
- ўрганилаётган объектнинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги ҳолатларини батафсил тавсифлаш хусусияти;
- гипотезанинг тушунтириш функцияси;
- ҳар қандай маълумотни умумлаштиришга қаратилган тизимлаштириш функцияси;
- илмий башорат функцияси.

Эксперимент (лот. experimentum – синов, тажриба) – гипотеза ёки назарияни қўллаб-қувватлаш, рад этиш ёки тасдиқлаш учун бажарилувчи амал. Тўпланган тажриба, ҳодисанинг боришини кузатиш ва бу шартлар такрорланганда уни кўп марта такрорлаш имконини берувчи аниқ ҳисобга олинган шароитларда ўрганиш усули. Илмий эксперимент гипотеза ёки назариянинг илмий моҳиятини аниқлаш, назарий қоидаларнинг ҳақиқатга мувофиқлигини текшириш мақсадида амалга оширилади. Кенг маънода эксперимент бу – ҳар қандай тажриба, муайян нарсани амалга оши-

ришга уриниш, янги назарий-амалий билим олиш ёки эскисини синаб кўриш учун амалга ошириладиган махсус амалиёт тури. Эксперимент кўпинча табиий фанлар (физика, кимё, биология, астрономия, география, геология, метеорология), педагогика, психология фанларида қўлланилади. Тажрибалар мақсади ва кўлами бўйича жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Эксперимент эмпирик маълумотлар манбаларидан биридир.⁴⁵

Илмий тадқиқотнинг экспериментал усули шаклланиши инсоният билими, энг аввало, табиатшунослик тараққиётида инқилобий босқич бўлди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, экспериментал усулнинг тизимли қўлланилиши қадимги ёлғон билимлар ва схоластиканинг ўрнини босди.

Илмий тадқиқотнинг мустақил усули сифатида экспериментнинг асосчиси ва тарғиботчиси италян мутафаккири, физик, механик, астроном, файласуф, математик **Галилео Галилей** (итал. Galileo Galilei) эди. Галилей мазкур усулга асосланиб ўз тажрибалари билан Аристотелнинг спекулятив метафизикаси тамойилларини ишончли тарзда инкор этди ва Исаак Ньютон асарларида тўлиқ ривожлантирилган классик механикага асос солди. У ўз даври фанига улкан таъсир кўрсатган. Галилей экспериментал физикага асос солди, биринчилардан бўлиб самовий жисмларни кузатиш учун телескопдан фойдаланди ва бир қатор астрономик кашфиётлар қилди. Галилей католик черкови билан жиддий зиддиятга олиб келган дунёнинг гелиоцентрик тизимининг фаол апологети сифатида танилган.⁴⁶

Шу тариқа экспериментал усул аста-секин ўз қамровини кенгайтириб, кимё, биология, физиология ва бошқа табиий ва техника фанларида кенг тарқалди. Бизнинг давримизда у ижтимоий фанларга (**иқтисодиёт, социология, ҳуқуқ, психология, педагогика**) тобора кўпроқ кириб бормоқда. Замонавий фаннинг услубий захирасида эмпирик тадқиқот илмий усул сифатида муҳим ролга эга.

Экспериментал тадқиқотларни самарали олиб бориш учун эксперимент методологияси ишлаб чиқилган. У эксперимент дастурини ишлаб чиқиш, ўлчовларни баҳолаш, тажриба ўтказиш учун воситаларни танлаш, уни бевосита амалга ошириш, олинган тажриба маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади. Табиий

⁴⁵ Pickett Joseph P., ed. (2011). Empirical, The American Heritage Dictionary of the English Language (5th ed.). Houghton Mifflin.

⁴⁶ Хеллман Хал. Фандаги катта қарама-қаршилиқлар. Энг ҳаяжонли ўнта баҳс. 1-боб. Урбан VIII Галилейга қарши: нотенг жанг. – М.: Диалектика, 2007. – 320 б.

тажрибалар фақат кузатишга асосланади. У объектив кузатиш ва лаборатория ишининг хусусиятларини бирлаштиради. Сунъий эксперимент уни амалга ошириш учун махсус яратилган муҳитни, лаборатория тажрибасини талаб қилади. Сунъий эксперимент етарли шарт-шароитларни таъминлаш қобилияти каби афзалликларга эга, яъни вақт ва ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда юқори асослиликка эришишдир. Бироқ у кўпинча ташқи ҳақиқийлик ёки олинган натижаларни экстраполяция қилиш муаммосига дуч келади. Экспериментда сабаб-оқибат муносабатларини ўрганилаётган ҳодисанинг маълум бошқариладиган шароитларга боғлиқлиги, тадқиқот предмети ва объекти, билишнинг амалий воситалари (асбоблар), объектни ўзгартиришга қаратилган ҳаракатнинг ўзи фарқланади. Шу ўринда америкалик этолог ва психолог **Жон Кэлхун** (John Calhoun) томонидан ўтказилган **“Коинот – 25”** деб номланган аҳоли зичлиги ва унинг хулқ-атворида таъсири муаммолари билан боғлиқ машҳур тажриба ўтган асрнинг ўрталарида жамиятда ахлоқ ва инсоният цивилизацияси тақдири ҳақида турли хил хулосалар оқимини келтириб чиқарганини эслатиш жоиз.⁴⁷ Кэлхун тадқиқотида сичқонларнинг девиант, патологик хатти-ҳаракатлари шакллари (каннибализм, агрессия, буллинг) кучайиши ва тарқалишини тавсифловчи “хатти-ҳаракат клоакиси” тушунчасини киритди. У экспериментларда кузатилган ижтимоий эффектлар инсоният жамиятида юзага келмаслиги учун мантикий сабаблар йўқ деб ҳисоблаган. Шундай қилиб, тажриба янги билимларни олиш ва эскисини синаб кўриш мақсадида амалга ошириладиган махсус амалиёт тури сифатида ажралиб туради.

Принцип (лот. principium – бирламчи, ўзак, илк сабаб, ибтидо) деганда фаннинг ҳар қандай соҳасининг бошланғич позицияси тушунилади. У асосда илмий назариялар ва қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар яратилади. **Тенг ҳуқуқлилик принципи, гендер тенглик тамойили, квант механикасида Гейзенбергнинг ноаниқлик принципи, Пифагор теоремаси, Евклид геометриясининг аксиомалари, квант механикасидаги Пуанкаре эффекти, Оккам принципи, Парето принципи, Мерфи принципи** кабиларни бунга мисол қилиш мумкин. Ньютон механикаси ҳам, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ҳам нисбийлик принциpidан фойдаланади. Кундалик ҳаётда одамлар ўзларининг хулқ-атворини ёки муайян ижтимоий ҳодиса ёки меъёрга муносабатини танлашда муайян принципларга (бошқача айтганда, ахлоқий эталонларга) таянишади.

⁴⁷ Calhoun John. Environment and Population: Problems and Adaptation: An Experimental Book Integrating Statements by 162 Contributors. – Praeger, 1983. – P. 486.

Исаак Ньютоннинг “**Philosophiæ Naturalis Principia Mathematica**” (“Табиий фалсафанинг математик ибтидоси”) асарига монанд “принцип” тушунчаси ҳар қандай фаннинг ибтидосини англатади ва кейинги хулосалар учун ўзак сифатида ишлатилади. Шу билан бирга, принцип шаклланган ҳодисалар сабабини аниқлаб бериши шарт эмас. Маълумки, бутун дунё тортишиш тамойилини илгари сурган Ньютон бу ҳодисани тушунтиришга ҳаракат қилмади, балки ундан ўз механикасини тасвирлаб бериш учун фойдаланди. Ньютоннинг фикрича, принцип икки мезонга жавоб беради: ҳодисаларнинг тажриба ва кузатишлари асосида шаклланган; кейинги хулосалар учун бошланғич нуқта сифатида ишлатилади.⁴⁸

Илмий принцип табиат ва жамият қонунларига риоя қилиш керак бўлган кўрсаткичларни ифодалайди. Масалан, нисбийлик принципи табиатни кузатишни ташкил қилиш усули ва дунёни кузатишни қуриш учун асосдир. Ушбу илмий принцип физикаларга **тезлик, ҳаракат, инерция, зичлик** каби тушунчаларнинг аниқ таърифини беришга имкон берди.

Ҳамманинг қонун олдида тенглиги, Шарль Монтескье, Жон Локк таърифлаган ҳокимиятларнинг бўлиниши, айбсизлик презумпцияси ҳуқуқий принциплари инсонларнинг кундалик ҳаётини, фуқароларнинг ҳукумат ва давлат билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қонунлар яратилишини “ҳуқуқий асос” деб ҳисоблаш кераклигининг кўрсаткичидир.

Оккам принципи (Оккам устараси) “Non sunt entia multiplicanda praeter necessitatem” – нарсаларни кераксиз кўпайтирмаслик кераклиги (ёки “агар зарурат бўлмаса, янги объектларни жалб қилмаслик керак”) тамойилига асосланади.⁴⁹ Инглиз файласуфи ва теологи **Уильям Оккам** (William Occam) тежамкорлик қонунининг тарафдори эди, у илоҳиётшуносларнинг ноаниқ мантиғини қабул қилишдан бош тортди ва илмни иймондан ажратишга интилди. У тасодифларни ва умумлаштирувчи тушунчаларни рад этди, шунингдек, ҳамма нарса Худонинг иродасига кўра содир бўлишини исботлашга ҳаракат қилди. Оккам “моҳиятни кўпайтирмаслик”ни таклиф қилди. Бу борада “Оккам устараси” тамойилидан фойдаланишнинг таниқли тарихий мисоли ҳам мавжуд. Наполеон Бонапарт машҳур француз математиги Пьер-Симон Лапласдан нега унинг Қуёш тизими моделида яратувчи йўқлигини сўраганида, у гўё шундай

⁴⁸ Kirsten Walsh. The Idea of Principles in Early Modern Thought: Interdisciplinary Perspectives / Peter R. Anstey. – Routledge, 2017. – 304 с.

⁴⁹ “Оккама устараси” // Кэрролл Р. Т. Янглиш фикрлар энциклопедияси: ақл бовар қилмайдиган фактлар, ажойиб кашфиётлар ва хавфли эътиқодлар тўплами. – М.: Диалектика, 2005. – Б. 78 – 82.

жавоб беради: “**Менинг бу фаразга эҳтиёжим йўқ эди**”. Бундан ташқари, астрофизик Павел Амнуэлнинг фикрига кўра, одамлар ўзлари билмаган ҳолда кундалик ҳаётда доимий равишда “Оккам устараси” тамойилидан фойдаланадилар (икки ёмонликдан энг кичигини танлаш; муаммолар пайдо бўлганда ҳал қилиниши керак; агар бирор нарсани оддий йўл билан қилиш мумкин бўлса, унда буни қилиш керак). Шу билан бирга, объектларни кўпайтириш ижодий ва инновацион жараён бўлиб, уларсиз буюк кашфиётларни амалга ошириш имконсизлигини эътироф этиш зарур. Илмий принцип нарсаларнинг табиати тўғрисида тасодифий танланган тахминлар эмас, балки улар кенг кўламли эмпирик кузатишлардан билан эришилган ҳосила ва ўлчовлар, кузатишлар ва тадқиқотларни ташкил этишга хизмат қилади.


Илмий қонун бу – ишончли тасдиғини олган назария, яъни янги фактлар қўшилганда ўзгармайдиган, юқори даражада башорат қилишга (эҳтимоллик) эга бўлган ҳукм⁵⁰, қатъий илмий далиллар, мулоҳазалар ва хулосалар билан ишончли тарзда тасдиқланган ҳукм⁵¹, ўрганилаётган фан соҳасининг хусусиятлари ва муносабатлари тўғрисида умумий фикрларни шакллантиришдан иборат бўлган илмий билимларни ташкил этиш шакли, эмпирик ҳодисалар ўртасидаги детерминант муносабатларни шакллантиришнинг кўринишидир.

Илмий қонунлар илмий билимлар тизимининг энг муҳим таркибий қисмидир. Улар табиат ва жамиятдаги, илмий тафаккурдаги энг муҳим, барқарор, даврий, такрорланувчи, объектив, ички табиий алоқаларни акс эттиради. Қонунлар, тушунчалар ва категорияларнинг маълум ўзаро боғлиқлиги шаклида намоён бўлади. Қонун илмий тушунчалар ўртасидаги муносабатларни, боғланишларни тавсифловчи далилга эга ҳамда фактларни тушунтириш сифатида таклиф қилинади ва маълум бир босқичда илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилади. Текширилмаган баёнотлар тахмин ёки гипотеза деб аталади. Назарий мулоҳазалар асосида эмас, балки экспериментал маълумотлар асосида аниқланган қонун эмпирик қонун дейилади. Табиатнинг фундаментал, универсал қонунлари сирасига **бутун олам тортишиш қонуни, энергиянинг сақланиш қонуни, резонанс қонуни (ҳодисаси), яшаш учун кураш, мослашиш қонуни** (ўзининг жорий шароитларига мослашиш), **табиий танланиш** (мослашиш жараёнида ривожланишнинг фақат битта, энг мақбул йўналишини танлаш), **эволюция** (табиатнинг ўзининг яшашга интилишида танлаш усули билан тинимсиз ўзини ўзи такомиллаштириш йўналишида ривожланиши, орқага қараб ҳаракатланиш имкониятини

⁵⁰ Физик антропология. Расми изоҳли луғат. 2011. <http://es.niv.ru/doc/dictionary/physical-anthropology/index.htm>

⁵¹ Немов Р.С. Психология бўйича луғат. – М.: Владос, 2007.

шундоқ ҳам истисно қилади; ҳеч қандай тарзда ўз зарарига ривожлана олмайди), **сабаб-оқибат муносабатлари қонуни** (“Ал-қасос ул-минал ҳақ” қонуни); **корпускуляр-тўлқинли дуализм, симметрия, релятивизм, Архимед қонуни, Мендель қонунлари, талаб ва таклиф қонуни, коинотнинг кенгайиши** кабилар киради. Тадқиқотчи А. Зиновьевнинг фикрича, илмий қонун деганда қуйидаги белгиларга эга бўлган баёнот, ҳукм тушунилади: 1) У фақат маълум шароитларда тўғри; 2) Бу шароитда у ҳар доим ва ҳамма жойда ҳеч қандай истисносиз ҳақиқатдир.⁵² Қонунларни билиш туфайли инсон объектив жараёнлардан тараққиёт манфаати йўлида фойдалана олади.



Постулат (лот. Postulare, postulatum – талаб қилмоқ) – далилсиз қабул қилинган ва ҳар қандай илмий назарияни қуриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи баёнот; тасаввур қилиш мумкин бўлган тахмин. Бу тахминни қатъий исботлаш шарт эмас, лекин у қатъий, асосли фактларга ёки тизимли амалий тажрибага асосланган бўлиши керак. Далилсиз қабул қилинган бошланғич позиция.⁵³ Постулат – ўз-ўзидан равшан бўлмаган, аммо далилсиз ҳақиқат сифатида қабул қилинадиган ва қандайдир назария учун асос бўлиб хизмат қилувчи илмий назария, фараз. Фандаги энг машҳур постулатлардан бири буюк юнон математиги Евклиднинг бешинчи постулати ҳисобланади.⁵⁴ Евклиднинг **параллелизм аксиомаси** ёки **бешинчи постулати** классик планиметриянинг асосини ташкил этувчи аксиомалардан биридир. Илк бор Евклиднинг “Элементлар”ида (юнон. Στοιχεῖα, лот. Elementa) келтирилган: “Агар иккита чизиққа тушадиган чизиқ ички бир томонда иккита чизиқдан кичик бурчакларни ҳосил қилса, у ҳолда чексиз чўзилган бу чизиқлар бурчаклар икки чизиқдан кичик бўлган томонда учрашади”.⁵⁵

Хэммонд постулати америкалик кимёгар **Жорж Хэммонд** (George Hammond) томонидан таклиф қилинган органик кимё соҳасидаги гипотезадир. Бу гипотеза шуни кўрсатадики, агар ўтиш ҳолати беқарор оралиқ маҳсулотга олиб келадиган бўлса, у ҳолда у мазкур маҳсулот билан тахминан бир хил энергияга эга. Бу икки ҳолат орасидаги ўтиш молекула тузилишидаги кичик ўзгариш туфайли амалга оширилади. Математикадаги асосий постулатлар **аксиомалар** дейилади. **Иммануил Кант** таъби-

⁵² Зиновьев А.А. Яққол баландликлар // Асарлар тўплами. 10 жилдлик. 1-жилд. – М.: Центрполиграф, 2000. – Б. 42 – 45.

⁵³ Рус тили луғати: 4 жилдлик. РФА, Лингвистик тадқиқотлар институти А.П. Евгеньева таҳрири остида. – 4-нашр, стер. – М.: Рус. яз.; Полиграфресурсы, 1999; (электрон версия): Фундаментальная электронная библиотека.

⁵⁴ Хосеп Пла-и-Каррера. Уч ўлчамли дунё. Евклид. Геометрия // Фан. Энг буюк назариялар. – М.: Де Агостини, 2015. 14-нашр.

⁵⁵ Евклид ибтидоси Грекчадан таржима ва изоҳлар Д.Д. Мордухай-Болтовскийники, И.Н. Веселовский ва М.Я. Вигодский таҳрири. – М.-Л.: ГТТИ, 1949–1951.

рича, амалий ақлнинг постулати табиий берилган ахлоқий императив бўлиб, унинг имкониятини ҳеч қандай тушунтириш ёки исботлаш очиб беришга қодир эмас.

Аксиома (лот. *axiōma* – муҳим баёнот, қабул қилинган талаб) бу – муайян назария доирасида унинг исботини талаб қилмасдан тўғри деб қабул қилинган ва унда қабул қилинган мантиқий хулосалар қоидаларига мувофиқ унинг бошқа қоидаларини исботлаш учун асос сифатида фойдаланиладиган назариянинг бошланғич позицияси. Замонавий илм-фанда аксиомалар назариянинг бошланғич нуқталари сифатида қабул қилинган қоидалари бўлиб, ҳақиқат бошқа илмий назариялар доирасида ёки бу назарияни шарҳлаш орқали ҳал қилинади.⁵⁶ Масалан, Евдокс-Архимед аксиомаси Архимед асарларида шакллантирилган. Шу билан бирга, Архимеднинг ўзи ҳам парабола квадратурасига бағишланган рисоласида бу аксиома ўзидан олдингилар томонидан қўлланилганлигини ва Евдокс асарларида катта роль ўйнаганлигини таъкидлайди.⁵⁷

Парадокс (юнон. *παράδοξος* – қутилмаган, қарши фикр, фараз) кенг маънода умумий қабул қилинган фикрга зид ёки соғлом фикрга зид мантиқсиз мулоҳазалардир. Мантиқда парадокс бу – фикрлашнинг мантиқий тўғрилигини сақлаб турганда пайдо бўлувчи мантиқий қарама-қаршиликлар, бир-бирини истисно қилувчи хулосаларга олиб келадиган мулоҳазадир. Парадокс иккита бир-бирини истисно қилувчи (дихотомия, коллизия, қарама-қарши) мулоҳазаларни бир хил даражада исботлаш мумкин бўлганда пайдо бўлади. Шу билан бирга, парадокснинг мантиқий хатоси мантиқий конструкцияларнинг нотўғри танланиши билан изоҳланади.

Мантиқий парадоксларнинг **апория** ва **антиномия** каби турлари мавжуд.

Апория (юнон. *απορία* – боши берк кўчага кириш, умидсизлик) аниқ, умумэйтироф этилган фикрга, соғлом фикрга зид бўлган аргументлар билан тавсифланади. **Антиномия** (юнон. *ἀντινομία* – қарама-қарши фикр) иккита қарама-қарши, бир хил исботланадиган ҳукмнинг мавжудлигида намоён бўлади.

Мантиқ илмидаги энг машҳур парадокслар юнон файласуфи **Зенон** номи билан боғлиқ. **Зенон парадокслари** (тўртта апория шаклида тузилган) қирққа яқин турли хил вариантларда мавжуд. **Ахиллес ва тошбақа** номи билан танилган апорияда қадимги

⁵⁶ Энциклопедик луғат. – М.: Гардарики. А.А. Ивин таҳририда. 2004.

⁵⁷ Бурбаки Н. Математика тарихи бўйича очерклар / И.Г. Башмакова таржимаси, К.А. Рибников таҳрири. – М.: Издательство иностранной литературы, 1963. – Б. 148.

юнон қаҳрамони Ахиллес тошбақа билан югуришда беллашади. Агар тошбақа Ахиллесдан бир оз олдинроқ бошласа, унга етиб бориш учун у биринчи навбатда бошланган жойга югуриши керак. Аммо у ерга етиб боргунча, тошбақа Ахиллес тошбақага етиб олишдан олдин босиб ўтиши керак бўлган бир оз масофани забт этади. Аммо бу вақт ичида тошбақа олдинга бир оз кўпроқ эмаклайди. Бундай сегментларнинг сони чексиз бўлгани учун Ахиллес ҳеч қачон тошбақани қувиб етмайди.⁵⁸ **Ўқ парадокси** – Агар бирор нарса ҳаракатланса, у ёки ўзи эгаллаб турган жойда ёки мавжуд бўлмаган жойда ҳаракат қилади. Бироқ у ўзи эгаллаган жойда ҳаракат қила олмайди, чунки у ҳар қандай вақтда барча маконни эгаллайди, лекин у мавжуд бўлмаган жойда ҳам ҳаракатлана олмайди. Шунинг учун ҳаракат қилиш мумкин эмас. XVII асргача мутафаккирлар Зенон мантиғини рад этишнинг усулини топа олмадилар. **Исаак Ньютон** ва **Готфрид Лейбниц** томонидан чегара тушунчаси билан боғлиқ фазо ва вақтнинг бўлиниши ўртасидаги фарқ аниқланиб, чексиз ва чексиз кичик миқдорлар билан ишлаш, дифференциал ҳисоб ғояси тақдим этилгандан кейингина муаммо ҳал қилинди.

Рассел парадокси (Рассел антиномияси) 1901 йилда инглиз мутафаккири, математик мантиқ, неопозитивизмга катта ҳисса қўшган **Бертран Рассел** (Bertrand Russell) томонидан кашф этилган. Парадоксни куйидагича тасвирлаш мумкин. Агар тўплам ўз элементи бўлмаса, уни оддий деб аташ мумкин. “Ғайриоддий” тўпламга барча тўпламлар мисол бўла олади, чунки у ўзи тўпламдир, шунинг учун ўзи ҳам ўз элементиدير. Фақат барча “оддий” тўпламлардан ташкил топган тўпламни кўриб чиқиш мумкин, бундай тўплам Рассел тўплами деб аталади. Ушбу тўплам оддий ёки оддий эмаслиги, яъни ўзини элемент сифатида ўз ичига оладими ёки йўқлигини аниқлашга уринаётганда парадокс пайдо бўлади. Бунда иккита имконият бор: бир томондан, агар у “оддий” бўлса, у ўзини элемент сифатида ўз ичига олиши керак, чунки таърифига кўра у барча “оддий” тўпламлардан иборат. Аммо у “оддий” бўлиши мумкин эмас, чунки “оддий” тўпламлар ўзларини ўз ичига олмайди. Бу тўпламни “ғайриоддий” деб тахмин қилиш керак. Бироқ у ўзини элемент сифатида кирита олмайди, чунки таърифига кўра у фақат “оддий” тўпламлардан иборат бўлиши керак. Аммо агар у ўзини элемент сифатида ўз ичига олмаса, у “оддий” тўпламдир.

Томас Жефферсон томонидан айтилган “Уруш ғолиб учун ҳам, мағлуб бўлганлар учун ҳам худди шундай жазодир” деган сўзлар парадоксал жаранглайди. Қуйидаги мақол ва афоризмлар поэтикасида ҳам парадокслар мужассам: *Пиррова победа*

⁵⁸ https://elementy.ru/trefil/53/Paradoks_Zenona

(Мағлубиятга тенг ғалаба); Тише едешь – дальше будешь (Қанчалик секин кетсанг, шунчалик узоққа борасан); Спешить не спеши, а поторапливайся (Шошма, аммо шошишга интил); Сапожник без сапог (Бўзчи белбоққа ёлчимас). **Льюис Кэрролл, Мигель Сервантес** асарларида мантикий парадоксларни кўплаб учратиш мумкин. Сервантеснинг “Дон Кихот” китобида Қадимги Юнонистонда маълум бўлган эски бир парадокс **Санчо Панса парадокси** сифатида тасвирланган. Дон Кихот бир шаҳарчада Санчо Пансани Баратария оролининг губернатори лавозимида қолдириб кетади. Санчо Панса Баратария оролининг губернатори бўлади ва судни бошқаради. Унинг олдида биринчи бўлиб меҳмон келади ва шундай дейди: дарёга кўприк ташланган ва қирғоқда одатда тўртта судья ўтиради ва улар дарё, кўприк ва бутун мулк эгаси томонидан чиқарилган қуйидагича тузилган қонун асосида ҳукм қиладилар: “Бу дарё устидаги кўприкдан ўтаётган ҳар бир киши қасамёд остида қаерга ва нима учун кетаётганини айтиши керак. Ким ҳақиқатни айтади, ўшаларни ўтказиб юборсин, ёлғон гапирганларни эса қатл қилинг”. Бу қонун эълон қилинган пайтдан бошлаб кўпчилик кўприкдан ўтишга муваффақ бўлди ва судьялар ўткинчиларнинг рост гапираётганига қониқиш ҳосил қилиши биланоқ уларни ўтказиб юборишди. Аммо бир куни бир киши қасам ичди ва худди шу дорга осиб қўйиш учун келди. Бу қасам ҳакамларни ҳайратда қолдирди ва улар шундай дедилар: “Агар бу одамга ҳеч қандай тўсиқсиз рухсат берилса, демак, у қасамни бузган ва қонунга кўра ўлимга маҳкум бўлади; агар биз уни осиб қўйсак, у фақат шу дорга осиб қўйиш учун келган деб қасам ичган, шунинг учун унинг қасами ёлғон эмас ва худди шу қонун асосида уни ўтказишга рухсат бериш керак. Шундай экан, сиздан сўрайман, сеньор губернатор, судьялар бу одамни нима қилишлари керак, чунки улар ҳали ҳам довдираб, иккиланиб туришибди. Асардан маълумки, Санчо Панса таклиф қилган йўл парадоксга ечим эмас эди. Санчо ҳақиқатни айтган одамнинг танасининг ярмини ўтказиб юборишни, ёлғон гапирган қисмини эса осиб ва шу тариқа кўприкдан ўтиш қоидаларига ҳар қандай кўринишда риоя қилишни таклиф этди. Бир вақтлар Искандар Зулқарнайн ҳали ҳеч ким уддалай олмаган Гордий тугунини ечишдан кўра шунчаки кесиб ташлашни маъқул кўрган эди. Санчо ҳам шундай қилди. Жумбоқни ўз шартлари билан ҳал қилишга уриниш бефойда эди – бу шунчаки ҳал қилиб бўлмайдиган эди. Бу парадокс Сервантесга, эҳтимол, Хўжа Насриддиннинг сўфий устозлари, дарвешлари томонидан ифодаланган ҳикоялардан маълум бўлиб, улар бутун Яқин Шарқда маълум бўлган Хўжа Насриддин хийлаларига оид қўлёзмада тўпланган. Бир куни Насриддин саройда бўлганида подшоҳ ўз қўл остидагиларнинг ёлғончи эканидан нолиди. Эртаси куни эрталаб шаҳар дарвозаси олдида подшоҳнинг сардори бошчилигидаги соқчилар йиғилди. Жарчи

томонидан: “Шаҳарга кирган ҳар бир киши, энг аввало, қирол соқчилари сардорининг саволига тўғри жавоб бериши керак”, – деб эълон қилинди. Ташқарида кутиб турган Хўжа Насриддин биринчи бўлиб шаҳарга кирди.

Сардор: “Қаерга кетяпсан? Ростини айт, акс ҳолда, осилиб кетасан”, – деди.

Насриддин: “Мени мана бу дарага осиб қўйишади”, – деб жавоб берди.

“Мен сенга ишонмайман!”

“Яхши. Агар ёлғон гапирган бўлсам, мени осиб қўйинг”.

“Аммо бу сизнинг рост гапирганингизни англатади”.

“Бўлди, – деди Хўжа Насриддин, – “сиз ҳақсиз”.⁵⁹

Ёлғончи парадокси Милетлик **Евбулидга** бориб тақалади ва Аристотель томонидан қуйидагича таърифланади: “Ёлғон гапираётган ёлғон гапирадими?” “Мен ёлғон гапиряпман” иборасининг маълум бир муддатга белгиланиши парадоксал вазиятни келтириб чиқаришини кўриш осон. Аристотель, шунингдек, Диоген Лаэртский версиясида тавсифланган “Ёпинчиқли одам” парадоксини келтиради: “Отангизни таний оласизми? Ҳа. Бу ёпинган одамни таний оласизми? Йўқ. Сиз ўзингизга қарши чиқяпсиз, чунки бу ёпинган одам сизнинг отангиз. Шунинг учун сизлар отангизни танийсизлар ёки танимайсизлар”.

Бундай парадокслар жуда кўп ва улар нима учун мантикий парадокслар деб аталишини тушуниш осон: улардаги зиддият мантиқ ёрдамида очилади. Қадимги юнон адиби Эпименид парадокси ҳам диққатга сазовор. У Критда туғилган ва ўз ватандошларидан шунчалик кўнгли қолганки: “Барча критликлар ёлғончидир”? – деган эди. Агар бу тўғри бўлса, агар ҳақиқатан ҳам барча критликлар ёлғончи бўлган бўлса, унда унинг ўзи ҳам ёлғончидир. Агар у: “Барча критликлар ёлғончи”, – деса, у ўзининг баёноти ёлғон эканлигини айтади, лекин бу ҳолда, ҳақиқатан ҳам, ҳар бир критлик ёлғончи бўлади, демак, у буни айтганида ҳақиқатни айтди. Барча критликлар ёлғончи. Аньанага кўра, Эпименид барча критликларни ёлғончи деб даъво қилган. Эпимениднинг ўзи Крит оролидан келганини ҳисобга олсак, бу гап тўғрими?

Ёлғончилар доимо ёлғон гапиради, ёлғончи бўлмаганлар эса ҳар доим ҳақиқатни айтади деб фараз қилсак, унга нисбатан айтилган баёнот мантиқан мос келмайди. Бу тахминга кўра, “Барча критликлар ёлғончи” деган гап тўғри бўлиши мумкин эмас, чунки у ҳолда Эпименид ёлғончи бўлар ва шунинг учун у даъво қилган нарса ёл-

⁵⁹Идрис Шоҳ. Тасаввуф. – М.: Клышников, Комаров и КО, 1994. – Б. 81, 85–86 <http://www.koob.ru/books/vostok/sufii.rar>

ғон бўлар эди. Аммо Эпименидга тегишли баёнот ҳам ёлғон бўлиши мумкин эмас, чунки бу критиклар фақат ҳақиқатни гапиришларини англатади ва шунинг учун Эпименид айтганлари ҳам ҳақиқатдир. Ёлғончи парадокслар мантиқий парадокслар оиласи бўлиб, уларнинг классик версияси: “*Мен ёлғон гапиряпман*” ёки аниқроғи: “*Бу далил нотўғри*”. Агар биз бу фикрни тўғри деб ҳисобласак, у ёлғон деб даъво қилгани учун у ёлғондир, бу зиддиятдир. Аксинча, агар биз унинг ёлғонлигини тахмин қилсак, у ўзи айтган нарсага мос келади ва шунинг учун ҳақиқатдир, бу ҳам зиддиятдир. Ёлғончи парадокслар кўпинча фалсафа тарихида қўлланилган. У қадимги юнонларга маълум бўлган ва ўрта аср логиклари томонидан бошқотирма сифатида ишлатилган ва замонавий мантиқнинг асосий тадқиқот объектига айланган. Яна бир парадоксда “Ушбу картанинг орқа томонидаги баёнот ҳақиқатдир” деб ёзилган. Уни ағдарамиз ва унда: “Ушбу картанинг орқа томонидаги баёнот ёлғондир”. Бу шунчаки парадоксалдир, чунки биринчи тарафдаги гап тўғри бўлса, орқа тарафдаги гап ҳам тўғри бўлади. Аммо бу мумкин эмас. Айрим мутафаккирлар бу парадоксни Суқрот ва Платон, Платон ва Аристотель нуқтаи назаридан таърифлашни афзал кўрганлар. Платон Аристотелнинг устози бўлиб, уни ўзининг энг яхши шогирди деб билган, шунинг учун бир куни у: “Аристотель айтган ҳамма нарса ҳақиқатдир”, – деди. Аммо Аристотель Платон таълимотига қарши чиқди.

Фандаги парадокслар назария натижалари, тажриба ёки экспериментнинг оғзаки натижалари ўртасидаги назарий қарама-қаршилик ёки зиддиятларга дуч келади. Бунга мулоҳазалар тузишдаги мантиқий хатолар, ҳозирда мавжуд илмий усулларнинг номукамаллиги ёки тажрибаларда қўлланиладиган асбобларнинг номукамаллиги сабаб бўлиши мумкин. Парадокснинг мавжудлиги янги тадқиқотларни, постулатларни чуқурроқ тушунишни рағбатлантиради ва кўпинча қайта кўриб чиқишга олиб келади.

Эвристика (юнон. εὕρισκω – “излайман”, “кашф этаман”) – ижодий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи илмий соҳа; тадқиқот усуллари мажмуи, саволларни қўйиш ва уларни ҳал қилиш техникаси; етакчи саволлар ёрдамида ўқитиш усули. Эвристика деганда когнитив, конструктив, амалий муаммоларни ҳал қилишни осонлаштирувчи техника ва усуллар мажмуи тушунилади. Эвристика фалсафа, психология, сунъий интеллект, лингвистика, математика каби фанлар кесишмасида фаол ривожланмоқда.

Эвристикани янги нарсаларни турли амаллар ёрдамида топиш усули; маҳсулдор ижодий фикрлаш жараёнини ташкил этиш; ижодий муаммоларни ҳал қилишга қа-

ратилган жараён сифатида ҳам тавсифлаш мумкин. Илмий тадқиқот методологияси сифатида эвристика тахминларга асосланган таълим методологияси, мавжуд материални ижодий умумлаштириш ва гипотезаларни шакллантириш билан боғлиқ бўлган жараён, мураккаб интеллектуал муаммоларни ҳал қилишда турли усулларни излашни ташкил этиш назарияси ва амалиётидир.

Афсонага кўра, юнонлик буюк математик **Архимед** чўмилаётганда гидростатиканинг асосий қонунларидан бири – жисмни сиқиб чиқариш қонунини (**Архимед қонуни**) кашф этган ва “эврика!” дея хайқирган. Қадимги Юнонистонда эвристика деб номланган ўрганиш ва таълим тизимининг вужудга келиши буюк файласуф **Сукрот** номи билан боғланади. Сукрот томонидан қўлланиладиган таълим тизими **сукротий диалоглар, сукротий усул** сифатида таърифланади, бунда ўқитувчи ўқувчини мустақил равишда муаммони ҳал қилишга ундаш мақсадида унга саволлар беради. Махсус саволлар ва мулоҳаза юритиш орқали Сукрот суҳбатдошига муаммони шакллантириш ёки ҳал қилишда мустақил эришишга ёрдам берди. Сукрот ўз услубини одамларда ҳақиқат туғилишига ёрдам беришга қиёслаб “маевтика” деб атаган. “Мен ҳеч нарсани билмаслигимни биламан” концепти Сукротнинг дастлабки эвристик формуласи эди.

Эвристик усуллар (**брейнсторминг (ақлий ҳужум), инверсия, синектика, таянч саволлар усули, Дельфи усули, Меттчет усули, эркин ассоциациялар усули**) етарлича ўрганилмаган ва ноаниқ муаммоларни ҳал қилишда қарор қабул қилувчиларнинг стратегияси ва тактикасини белгилайдиган тамойилларга асосланади. У қарор қабул қилиш жараёнида ижодий, креатив, ностандарт фикрлашни рағбатлантиради, янги ғояларни яратишга, бошқарув муаммоларини ҳал қилиш самарадорлигини оширишга имкон беради. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги суҳбат натижасида саволлар бериш орқали талаба мустақил равишда керакли натижага келади ва муаммонинг ечимини топади. Бу танқидий фикрлашни ривожлантириш имконини беради.

2.5. ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Фан услублар орқали умумлаштирилади.

Георг Гегель

Тадқиқотни муваффақиятли амалга ошириш учун илмий билишнинг самарали усуллари танлаш зарур. Фаннинг йўналишига қараб мақсадга эришиш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин.

Илмий метод (юнон. *methodos*) – ҳодиса ёки жараёни назарий ёки экспериментал ўрганиш шакли, янги билимлар олишнинг ва ҳар қандай фан доирасидаги муаммоларни ҳал қилиш жараёни. Усул фаннинг асосий вазифасини – воқеликнинг объектив қонуниятларини очишни ҳал қилиш воситасидир. Фан методологиясини мазкур дискурсда мантикий фаолият усуллари ва воситалари, тадқиқот фаолиятининг қурилиш тамойиллари, шакллари тўғрисидаги таълимот шаклида тавсифлаш мумкин.

Анализ (юнон. *ἀνάλυσις* – бўлиниш, қисмларга ажратиш) – тадқиқот объектини ташкил этувчи муаммо, предмет, тизимнинг хусусиятлари, муносабатларини ўрганиш учун таркибий элементларга бўлиш, алоҳида қисмларини ажратиб олиш билан тавсифланган тадқиқот усули. Шу билан бирга, таҳлил тушунчаси кенг маънода бутун илмий тадқиқотнинг синоними сифатида ишлатилади. Иқтисодиётда таҳлил бу – иқтисодий муаммоларни, корхонанинг иқтисодий хатти-ҳаракати ва молиявий-хўжалик фаолиятини илмий ўрганишдир.

Мазкур тадқиқот усулида бутун илмий муаммо таркибий қисмларига бўлинади, лекин айна пайтда танланган “қисм” бутуннинг таркибий бўлаги сифатида аниқ амалга оширилади. Таҳлил турли даражаларда амалга оширилади: ижтимоий-педагогик, ташкилий-дидактик, фалсафий, ҳуқуқий, тарихий, психологик, дидактик. Таҳлил таснифлаш, тузилмавий, функционал, кластерлаш форматларида амалга оширилади. Таҳлилнинг мақсади қисмларни мураккаб бир бутуннинг элементлари сифатида тан олишдир. Таҳлил асносида ўрганилаётган объектнинг имманент тузилишини (когнитив фаолият, муаммоли вазифа) очиб бериш мумкин. Таҳлил асосийни иккиламчидан, муҳимни ажратиш имконини беради; бундан ташқари, таҳлил мураккабни од-

дийгача камайтиришга имкон беради; таҳлил натижаси ҳам ҳодисаларнинг таснифи, типологиясидир.

Тадқиқот учун ўрганилаётган объектни (ҳодисани) таҳлил қилишдан олдин уни яхлит элемент сифатида киритилган бошқа тизимдан аниқ ажратиб олиш керак. Асос сифатида таҳлил қилинадиган объектнинг бир компонентни бошқасидан ажратиб турадиган хусусияти ҳисобланади. Таҳлилнинг ҳар бир босқичида бир вақтнинг ўзида бир нечта эмас, балки қисмларга ажратиш учун битта асос танланиши керак. Таҳлил натижасида танланган элементлар бир-бирини истисно қилиши керак ва бир-бирига кирмаслиги керак. Аналитик билимлар асосан хулоса чиқариш йўли билан олинади, мантиқ қоидаларига мувофиқ бажариладиган ҳаракатларга асосланади.

Синтез (юнон. σύνθεσις – бирлашмоқ, боғланмоқ) – қисмлар ва хусусиятларнинг бир бутунликка бирикмаси; ўрганилаётган тизимнинг алоҳида қисмларини, айрим хусусиятларини мувофиқлаштириш унинг элементларини ягона тизимга бирлаштиришга қаратилган илмий тадқиқот усули. Синтез таҳлилдан ажралмасдир. Агар таҳлил пайтида биз бутунни қисмларга ажратсак, синтез бу – таҳлил орқали аниқланган қисмлар, хусусиятлар, муносабатларни бир бутунга бирлаштириш жараёни. Синтез илмий ҳодисани унинг барча қисмларининг бирлиги ва боғланишида кўриб чиқишга имкон беради. Синтез натижаси умумлаштириш, фактлардан хулосалар олишдир. Синтез ноаниқ билимларни қуриш усули сифатида бир нечта билим тизимларини бирлаштириш ва қайта ишлашдан, турли назарий концептларни бирлаштиришдан иборат бўлиб, бунинг натижасида тизимлараро билимларни узатиш амалга оширилади ва соҳалар коллаборациясида янги билимлар туғилади.

Илмий тадқиқотларда синтез асосида қуйидаги муҳим назарий масалалар ҳал этилади: ўрганилаётган муаммо энг муҳим жиҳатлар ва ўзаро таъсирлар тизими сифатида тақдим этилади, ҳодисаларда ҳар хил бўлиб ўрганиладиган, бироқ умумий хусусиятга эга бўлган ягона табиат, умумий муҳим элементлар мавжудлиги аниқланади, бир объектга оид қонунлар ва боғлиқликлар ўртасида детерминация мавжудлиги аниқланади. Шу жиҳатдан синтез қисмларнинг оддий бирикмаси эмас, балки мантиқий жиҳатдан билимлар – ғоялар, гипотезаларни илгари суриш, уларни ривожлантиришга имкон берувчи амалиётдир. Синтетик фаолият натижалари ҳақиқатни етарли даражада акс эттириши зарур. Таҳлил ва синтез ҳодисаларни идрок этиш имконини беради, воқелик ҳақида тўлиқ ва ҳар томонлама маълумот беради. Таҳлил муаммонинг алоҳида элементлари, қисмлари ҳақида тушунча ҳосил қилишга имкон беради, синтез эса таҳлил натижаларига асосланиб, ушбу элементларни бирлаш-

тириб объект ҳақида яхлит хулосалар қилишга кўмаклашади. Синтез тадқиқот жараёнида ажратилган объектнинг элементларини (қисмларини) боғлаш, элементлар ўртасида алоқаларни ўрнатиш ва ўрганиш объектларини бир бутун сифатида билиш имкони яратилади.

Дедукция (лот. de-ductio – “хулоса чиқариш”) – силлогизм, хусусий умумийдан келиб чиқадиган усул; ушбу хулосалар занжири мантиқийдир, унинг алоқалари рад этиб бўлмайдиган хулосага олиб келади. Дедукция бўғинлари мантиқий оқибат муносабати билан боғланган хулосалардан иборат. Дедукцияда хулоса умумий қоидалардан хусусий ҳолатларга ривожланиб боради. Дедукциянинг бошланиши аксиомалар, постулатлар ёки оддий гипотезалар бўлиб, улар умумий характерга эга. Дедукция мантиқий исбот воситаси ва унинг натижаси мантиқий хулоса кўринишига эга. Дедукция усули жараёнида умумийдан хусусийга ўтиш амалга оширилади.

Дедуктив усул билимларнинг генезиси ва ривожланишига хизмат қиладиган илмий билимларни қуриш, илмий тадқиқотнинг энг самарали усулларидан биридир. У одатда, эмпирик материал тўпланиб, уни тизимлаштириш учун назарий жиҳатдан талқин қилингандан сўнг янада қатъийроқ ва изчил хулосалар ва янги билимлар олиш учун қўлланилади. Дедуктив тизимларни ташкил этишнинг умумий схемаси қуйидагиларни ўз ичига олади: бошланғич асос, атама ва тушунчалар; қўлланиладиган мантиқий воситалар ва қоидалар; хулосалар тўплами. Илмий билимларни қуришнинг дедуктив усулини таҳлил қилиш антик даврда бошланган (**Платон, Зенон, Евклид, стоиклар, киниклар**). XX асргача дедуктив усул асосан математика ва мантиқ соҳасида қўлланилган.

Оддий дедуктив мулоҳазаларга мисол:

Холмс: *Ватсон! Бу юлдузларга қаранг ва қандай дедуктив хулоса чиқаришингиз мумкинлигини айтинг.*

Ватсон: *Мен осмонда миллионлаб юлдузларни кўряпман. Уларнинг орасида, эҳтимол, сайёралар бўлиши керак. Бундан биз, ўз навбатида, уларнинг баъзилари бизнинг Еримизга ўхшайди деган хулосага келамиз. Шунинг учун уларнинг баъзиларида ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин.*

Мис – металлнинг бир тури. Ҳар қандай металл объект ўзидан ток ўтказади. Демак, мис ҳам ток ўтказади.

Индукция (лот. in-ductio – олиб келиш, келтириб чиқариш) бу – фикрнинг хусусийдан умумийга ўтиши; исботлаш усули; барча имкониятлар, индивидуал фактлар асосида

қонуниятларга келиш усули. Усулнинг ўзига хослиги шундаки, олинган маълумотлар, одатда, эҳтимоллик хусусиятига эга ва аниқ ҳақиқат эмас. Индуктив фикрлаш – маълум бир позициядан умумий ҳолатга ўтишга асосланган мантиқий хулоса чиқариш жараёни. Индукция – экспериментал маълумотлар асосида кузатишлар ва тажрибалар натижалари билан боғлиқ бўлган умумлаштиришнинг бир тури. Индукцияда тажриба жараёнида олинган маълумотлар умумий хулосаларга олиб келади, мазкур дискурда индуктив умумлашмалар, одатда, экспериментал ҳақиқат ёки эмпирик қонунлар сифатида қабул қилинади. Индукция шахсийдан умумийга, конкретдан мавҳумга, фарқдан бирликка томон ҳаракатдаги фикрларни акс эттириш ва таққослашнинг самарали воситасидир.

Индуктив мулоҳаза.

Юпитер ҳаракатланмоқда.

Марс ҳаракатланмоқда.

Меркурий ҳаракатланмоқда.

Сатурн ҳаракатланмоқда.

Юпитер, Марс, Меркурий, Сатурн *Қуёш тизимининг сайёраларидир. Қуёш тизимидаги сайёралар ҳаракатланмоқда.*

Статистик усуллар (*математик статистика, корреляция таҳлили, регрессия таҳлили, миқдорий таҳлил, кластер таҳлили, дискриминант таҳлили*) тадқиқот, эксперимент давомида ўрганилаётган жараённинг хусусиятларини ўрганиш мақсадида таҳлилий кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни йиғиш, кўрсаткичларни умумлаштириш ва қайта ишлаш ва уларни статистик жадваллар кўринишида лойиҳалаш орқали амалга оширилади. Статистик усулларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, маълумотларни йиғиш тадқиқот жараёни бошланишидан олдин ҳам содир бўлади. Ўрганилаётган ҳодисада ўзгарувчан деб аталадиган ўлчанадиган параметрлар ажратилади. Шу билан бирга, тадқиқотчи ўрганилаётган ҳодиса учун маълум бир ўзгарувчининг муҳимлик даражасини аниқлай олмайди. Таҳлил жараёнида миқдорий усулдан фойдалангандан сўнг бир ёки бир нечта ўзгарувчилар ўрганилаётган объектнинг умумий хусусиятларига умуман таъсир қилмаслиги ёки озгина даражада таъсир қилиши, бошқалари эса ҳал қилувчи эканлиги маълум бўлади. Маълумотларни йиғиш жараёнида олинган барча миқдорий кўрсаткичлар жадвал, матрица шаклида тақдим этилади.

Миқдорий таҳлил (лот. *quantitas* – миқдор) – статистик усул, умумий қабул қилинган ўлчов бирликлари ёрдамида маълум бир қийматни олиш учун амалга ошириладиган

усул бўлиб, ўрганилаётган объект ҳақида маълумот олиш имконини берувчи аниқ рақамларни беради. Ўлчов самарадорлигига ишлатиладиган ўлчаш мезонлари таъсир қилади.

Ҳар қандай тадқиқот объект мазмуни ва унинг ички тузилишини ўрганишга қаратилганлиги сабабли миқдорий тадқиқот усуллари статистик қонунлар ёрдамида таҳлил қилинган рақамли маълумотлар матрицаси билан ишлашни англатади. Тадқиқот объекти матн ҳам бўлиши мумкин, ammo сон жиҳатидан, миқдорий таҳлил маълумотлари бир маънога эга ва натижалар фақат кузатилиши мумкин бўлган қонуниятлар нуқтаи назаридан талқин қилиниши мумкин. Статистик усулларнинг хусусиятларини умумлаштириб биз қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин: рақамли маълумотлардан фойдаланиш (қийматлар, матрица, статистика, математик формулалар); маълумотларни қайта ишлашнинг стандартлаштирилган тартибларидан фойдаланиш; тадқиқот босқичидан олдин объектнинг ўрганилаётган хусусиятларининг ўзгарувчиларини танлаш; экстремал қийматга эга бўлган индивидуал кўрсаткичларни амалда эътиборсиз қолдириб, ўзгарувчиларни белгилаш учун ўртача кўрсаткичлар билан ишлаш; таҳлил босқичида умумлаштириш ва универсал қонуниятларни аниқлаш. Миқдорий усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилган тадқиқотлар иштирокчилар сони массив (ўрганилаётган ҳодисанинг бутун ҳажми), репрезентатив натижаларни олиш учун етарли бўлган қисмга мосдир. Иштирокчилар (мактаб ўқувчилари, ОТМ талабалари, корпоратив жамоа) сони камида 100 та, корреляцион таҳлил учун камида 30 та бўлиши мақсадга мувофиқ. Табиийки, ҳажм қанчалик катта бўлса, таҳлил натижаларининг ҳақиқийлиги юқори ва ишончли бўлади. Маълумотларни миқдорий таҳлил қилиш тадқиқотнинг иккинчи асосий босқичи ҳисобланади. Статистик тадқиқотлар натижасида олинган хулосалар тақлиф қилинган гипотезага нисбатан қонуниятлар ва муаммоли масалалар ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Фанда миқдорий усулларнинг пайдо бўлиш тарихи XX аср бошларига тўғри келади. Табиий фанлар ва ижтимоий тадқиқотлар мазкур ҳисоб-китобларга мурожаат қилган. XX аср ўрталарига келиб миқдорий маълумотларни қайта ишлашнинг бошқа усулларига нисбатан статистик усулларнинг устунлиги мавжуд эди. **Дисперсив таҳлил, кластер ва фактор таҳлили, регрессия-корреляция таҳлили** каби усуллар мавжуд.

Тадқиқотчи Золтан Дөрнъей миқдорий усулни «рақамлардаги маъно» (meaning in numbers) дея таърифлайди.⁶⁰

⁶⁰ Дөрнъей З. Амалий тилшуносликда тадқиқот усуллари. OUP. 2007.

Адабиётлар таҳлили. Бу метод асосида тадқиқот проблематикасининг айрим жиҳатлари қанчалик яхши ўрганилганлиги, бу борада олиб борилган илмий ишларнинг диапазони тўғрисида хулосалар чиқарилади. Ушбу усулдан фойдаланганда нуфузли тадқиқотчиларнинг илмий ишлари; жамоавий монографиялар; мақолалар; интернет-ресурсларга мурожаат қилинади. Муайян мавзуга оид илмий тадқиқотлар қанча кўп бўлса ва у қанчалик чуқур ўрганилса, объект ёки ўрганилаётган ҳодиса шунчалик чуқур ва батафсил тадқиқ қилинади.

Контент таҳлил – сифат-миқдорий ўрганиш усули, объект ҳақида ишончли маълумот олиш учун мазмун элементларини танлаш, уларни таснифлаш, олдиндан ишлаб чиқилган схемага мувофиқлиги, мазмун элементлари ва натижаларнинг миқдорий ифодаси. Таҳлил элементларини танлаб олиш масаласи (умумий ҳажм, параметрлар, репрезентативлик, тахминий параметрларнинг умумий бўйича тақсимланиши).

Форсайт таҳлил (ингл. Foresight – олдиндан кўра билиш) – технологик, ижтимоий, иқтисодий тенденцияларни ўрганиш, экстраполяция орқали эҳтимолий келажакни илмий прогнозлашга бағишланган фанлараро билим усули.

Тарихий таҳлил социологик тадқиқот усули бўлиб, бирламчи манбалар матнларини ўрганиш ва изоҳлаш ҳамда бошқа далилларни, шу жумладан, тадқиқот учун фойдаланиладиган далилларни излаш, шунингдек, тарихий воқеаларни тақдим этиш учун фойдаланиладиган усуллар, воситалар ва усулларни ўз ичига олади. Тарихий таҳлил сабаб-натижа муносабатларини кўрсатиш, воқеаларни қайта тиклаш, ҳодиса ва жараёнлар динамикасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги ҳолатни ўтмиш билан солиштириш, айрим илмий ҳодисалар, тизимлар, ижтимоий институтларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихий келиб чиқиши, омиллари, босқичларини ойдинлаштириш уларнинг чуқур имманент негизини аниқлаш, келажакдаги ўзгаришларни башорат қилиш имконини беради. Тарихий таҳлил нафақат илмий-тарихий тажрибани умумлаштириш ва тушунтиришга, балки илмий башорат, прогнозни долзарблаштиришнинг замонавий шароитида гуманитар ва ижтимоий-сиёсий фанлар соҳасидаги илмий тадқиқотларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Қиёсий-тарихий таҳлил сабаб-оқибат муносабатларига оид детерминизмни ажратиш кўрсатишга, мантикий занжирни қуришга имкон беради. Хулосалар объектив маълумотлар асосида тузилиши ёки илмий, умумэтироф этилган усуллардан

фойдаланган ҳолда мустақил равишда олиниши мумкин. Масаланинг тарихи билан танишиш қўшимча фактлар билан бойитиб, муаммога янгича нуқтаи назардан қарашга олиб келиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, сўнгги йилларда гуманитар фанлар бўйича илгари фақат аниқ тадқиқотлар учун характерли бўлган кваллиметрик-микдорий усулларнинг аҳамияти ошганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, асосий талаб муайян илмий тадқиқотнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ танланган усуллар мажмуасидан фойдаланишдир.

Эконометрик таҳлил моделлаштириш усули сифатида иқтисодий ривожланиш истиқболлари тўғрисида ишончли илмий-статистик маълумотларни ўз вақтида олиш, кейинги ривожланиш истиқболларини аниқлаш мақсадида самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун қўлланилади. Иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва прогнозлаш учун эконометрик-математик моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Эконометрик моделлар маълум бир вақт оралиғида содир бўладиган жараёнларнинг эҳтимоллик хусусиятини ҳисобга оладиган регрессия тенгламалари ва идентификациялар тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири ўрганилаётган бир кўрсаткични аниқлаш учун ишлатилади. Илмий таҳлилда эконометрик моделлардан фойдаланиш таркибий ва динамик ўзгаришларни акс эттириш, макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик ва аналитик табиати қандай эканлигини аниқлаш, иқтисодий ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро боғлиқлик ва уларнинг сон қийматлари, иқтисодий ривожланишни мазмунли таҳлил қилиш ва форсайт прогноз қилиш имконини беради.

Контрастив таҳлил натижасида бошқа ҳодиса ёки объект билан умумий хусусиятлар ёки фарқларни аниқлаш мумкин. Когнитив вазифанинг асосий саволларига жавоб беришга ёрдам берадиган муҳим хусусиятларни солиштириш, бир нечта объектга хос бўлган умумийликни аниқлаш йўлидир.

Тажриба объектни муайян шароитларда тизимли ўрганишни ўз ичига олади. Тажриба ҳодисани фавқулодда ёки атроф-муҳит шароитидан ажратилган ҳолда ўрганиш имконини беради. Тадқиқотчи ҳар доим жараёнга аралашини, ҳодисанинг боришини ўзгартириши мумкин. Тажриба объектнинг ўзи билан ҳам, унинг сунъий равишда яратилган модели билан ҳам амалга оширилади.

Кузатиш муайян воқеа-ҳодисаларни яхлитлик ва динамикада идрок этиш билан тавсифланади. Амалий усул сифатида бу жараён билим олиш учун сезги органла-

ридан фойдаланишни ўз ичига олади ҳамда аксарият ҳолларда бошқа усулларнинг бир қисми сифатида ишлатилади. Кузатиш мақсадли идрок этиш, хусусан, такрорий кузатиш ёки бошқа тадқиқот усулларида фойдаланиш (масалан, эксперимент) ту-файли холислик ва назорат қилиш белгиларига эга бўлган тарзда маълумотни идрок этиш жараёнидир.

Суҳбат, интервью, сўровнома нисбатан қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги маълумотларни тўплашга ёрдам беради ва амалий йўналтирилган усулларга киради. Суҳбатлар ва интервьюнинг асосий камчилиги, агар улар алоҳида эмас, балки гуруҳларда ўтказилса ҳам, вақтни сезиларли даражада сарфлашдир. Тадқиқот муаммосидан келиб чиқадиган мақсадни аниқ белгилаш муҳим. Кераксиз тафсилотлар билан чалғимасдан, аввало саволлар режасини тузиб, жараён давомида унга риоя қилиш тавсия этилади. Ахборотни тузатиш имкониятини олдиндан таъминлаш ва қулай психологик муҳитни яратиш керак. Сўровларда анонимлик ишончлилигининг асоси ҳисобланади. Суҳбат жараёнида бевосита ва билвосита саволлардан фойдаланиш, оз сонли респондентлар бўйича ўз тушунчаларини дастлабки текшириш, шу асосда тузатишлар киритиш, намуна маълумот олишнинг ҳақиқий воситаси сифатида репрезентатив бўлишини таъминлаш каби бир қатор талабларни ҳисобга олиш зарур.

Абстракция усулининг моҳияти объектни аҳамиятсиз параметрлардан мавҳумлаш, тадқиқотчини қизиқтирадиган ҳодисаларни тузатишдир. Абстракция натижасида объектнинг айрим белгилари ҳақида маълумот олинади.

Математик моделлаштириш идеал илмий моделлаштириш бўлиб, бунда объектни тавсифлаш математик тилда амалга оширилади, моделни ўрганиш муайян математик усуллар ёрдамида амалга оширилади. Моделлаштириш илмий тадқиқот ишларида кўп қўлланиладиган муҳим услубларидан ҳисобланади. Илмий тадқиқот ишларида тадқиқотчи томонидан ўрганилаётган объектга ўхшаш, унинг асосий мезон ва кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган тизими модель деб қабул қилинади. Моделлаштириш услуби воқеа-ҳодиса ёки жараёни табиий ҳолда эмас, балки унинг моделида ўрганишдир. Математик модель – ўрганилаётган объектнинг асосий хоссаларини ифодаловчи ва унга оид маълумотни тавсифловчи сунъий тизим.

Ҳозирда математик моделлаштириш илм-фаннинг турли соҳаларига кенгроқ кириб бормоқда ҳамда тадқиқотнинг самарали воситаларидан фойдаланишга имкон

бермоқда. Математик моделлаштиришнинг вазифаси “мавжуд олам”ни математика тилида баён этишдан иборатдир. Бирор нарсанинг ўлчанадиган (микдорий) параметрлари ўртасидаги муносабатни қидирадиган ҳар қандай тадқиқот математик моделни яратади.

Математик модель муайян концептуаллаштириш шакли бўлиб, уни ўрганиш моделлаштириш объектининг айрим хоссаларини аниқлаш имконини беради. Математик моделлаштиришда, умуман олганда, қандай “ўзгарувчилар” вазиятни (объектни) тасвирлашини; ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатлар детерминантларини аниқлаш; номаълум параметрлар мавжуд бўлса, уларни мавжуд маълумотлардан баҳолаш, моделни маълумотларга мослаштириш; олинган математик моделнинг хусусиятларини ўрганиш; ўрганилаётган объектнинг хусусиятлари ҳақида фойдали илмий хулосалар олиш аҳамиятга эга.

SPSS Statistics (ингл. “Statistical Package for the Social Sciences” – “Табиий фанлар учун статистик тўплам”) статистик маълумотларни қайта ишлаш учун компьютер дастури бўлиб, амалий тадқиқотлар учун мўлжалланган. Ижтимоий фанлардан тадқиқотларда фойдаланилади.⁶¹

STATA бу – маълумотларнинг манипуляцияси, визуализацияси, статистик таҳлили ва автоматлаштирилган ҳисоботини таъминловчи тўлиқ, интеграциялашган дастурий ечим. У маълумотларни таҳлил қилиш, бошқариш ва графикалар учун керак бўлган ҳамма нарсани таъминловчи тўлиқ, интеграцияланган статистик дастурий таъминот тўплами, эконометрия, биометрика, стратификациялашган сўровлар таҳлили соҳаларига ихтисослашган универсал статистик мажмуадир. У жуда мослашувчан модулли тузилишга эга, осонгина тўлдирилади ва Интернетда мавжуд бўлган фойдаланувчи модулларининг улкан архиви орқали кенгайтирилади.

Статистик процедураларни амалга ошириш кўплаб бизнес ва илмий муассасалар томонидан қўлланилади. Дастурнинг тўртта асосий конфигурацияси мавжуд бўлиб, улар ўзларининг ишлаши билан фарқланади: кўп процессорли тармоқлар учун версия, катта маълумотлар базалари учун версия, стандарт версия ва таълим муассасалари талабалари учун версия. Расмий сайти: **StataCorp <http://www.stata.com>**

⁶¹ Наследов А. Д. SPSS: Психология ва ижтимоий фанларда маълумотларнинг компьютер таҳлили. 2-нашр – СПб.: Питер, 2006.

Nvivo тадқиқотчига кичик ва катта ҳажмдаги маълумотларни чуқур таҳлил қилиш талаб қилинадиган бой маълумотлар билан ишлаш имконини беради. Маълумотни таснифлаш, саралаш ва тартибга солиш каби таҳлил билан боғлиқ вазифаларни олиб ташлайди, шунинг учун тенденцияларни ўрганиш, назарияларни яратиш ва синаб кўриш ва охир-оқибат саволларга жавоб топиш учун кўпроқ имкон яратилади. У кўпинча социологик тадқиқотларда интервьюлардан олинган сифатли маълумотларни таҳлил қилиш учун ишлатилади.

Илмий тадқиқот усулларининг барчаси бир-бирига боғланган, бир-бирини органик равишда тўлдиради ва белгиланган вазифаларни бажариши шарт. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотда ишлатиш зарур.



3-БОБ


ЮРИДИК ФАН ВА
УНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ДУНЁДАГИ РОЛИ

3.1. ЮРИДИК ФАН ТУШУНЧАСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Юридик фан (ҳуқуқшунослик, юриспруденция) ҳуқуқни алоҳида ҳуқуқ соҳалари сифатида, ижтимоий меъёрларнинг махсус тизимлари, давлат ва ҳуқуқ тарихини, умуман, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизими фаолиятини ўрганувчи ижтимоий фандир. Юридик фан умумий илмий билимлар таркибий қисми бўлиб, энг қадимги ижтимоий фанлардан биридир.

Юридик фан бир қатор муҳим хусусиятларга эга:

- у сиёсий фан, чунки у ҳуқуқ, давлат ва сиёсат соҳасига оид ижтимоий ҳодисаларни ўрганеди;
- у ижтимоий фан, чунки у ижтимоий ҳодисаларни ўрганеди;
- ушбу ижтимоий фан амалий характерга эга, чунки юриспруденция ҳуқуқий ҳодисаларни амалий эҳтиёжларни қондириш мақсадида ўрганеди.



Юридик фаннинг аҳамияти унинг вазифалари билан белгиланади. Юридик фаннинг асосий вазифалари жумласига қуйидагилар киради:

1. **Онтологик** вазифа (юнонча ὄντος – “мавжуд бўлган нарса” ва λόγος – “ўргатиш”), у мавжуд ҳуқуқий ҳодисаларни тавсифлаш, англаш ва тушунтиришдан иборат.
2. **Гносеологик** вазифа (юнонча γνῶσις – “идрок, билиш” ва λόγος – “сўз, таълимот”), ҳуқуқий ҳодисаларни илмий тушунчалар, назариялар, тушунчаларни шакллантириш орқали билишга қаратилган. Охир-оқибат бу ҳодисаларнинг моҳиятига кириб бориш ва хулосаларни шакллантириш орқали янги билимларни эгаллашдир.
3. **Эвристик** вазифа (юнонча εὐρίσκω – излайман, кашф қиламан, топаман, Архимеднинг машҳур “Эврика!”, яъни “Топдим!” деган ҳайқириғини эслайлик), ушбу функция гносеологик функция билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у нафақат мавжуд нарсаларни билиш, балки ҳуқуқий ҳодисалар ривожланишининг янги қонуниятларини кашф этиш, ўрганилаётган муаммолар доирасини кенгайтириш ва ўзгартириш имконини беради. Ушбу вазифа илм-фан соҳасининг ижодий имкониятларини тавсифлайди, янги ҳуқуқий ҳодисаларга чиқиш имконини беради.
4. **Методологик** вазифа (юнонча μέθοδος – “тадқиқот, идрок этиш йўли”), ушбу функция ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.
5. **Прогностик** вазифа (юнонча πρόγνωσις – “башорат қилиш, олдиндан кўра билиш”), илмий гипотезани шакллантириш, янги қонуниятларни кашф этиш, фактларни тўплаш, тенденцияларни кузатиш ва ҳоказолар орқали ҳуқуқий ҳодисаларнинг ривожланиш бўйича прогнозини аниқлашдан иборат. Бу давлат аппарати ислохотларини ўз вақтида амалга ошириш, янги қонунларни қабул қилиш ва шу кабилар учун имкон беради.
6. Мамлакатнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳаёти (қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалга оширишга таъсири, шунингдек, сиёсий, мафкуравий, маърифий, ижтимоий-маданий ва бошқалар)га таъсири билан боғлиқ **амалий функциялар** вазифаси. Улар қонун ижодкорлиги жараёнлари ва ҳуқуқни амалга ошириш фаолиятига, сиёсатга ташкилий таъсир кўрсатиш, ҳуқуқий ғоялар тизимини шакллантириш, фуқароларга тарбиявий таъсир кўрсатиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва бошқалар билан боғлиқ. Юқоридаги функциялар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.⁶²

⁶² Лушников Андрей Михайлович. Юридик фан тарихи ва методологияси: ўқув қўлланма. Демидов номидаги Ярославль давлат университети. – Ярославль: ЯрДУ, 2015. – 68 б.



Замонавий дунёда юридик фан давлат қурилиши, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тарбия, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Юридик фаннинг кўпфункционалилиги шундан ҳам, бугунги кунда ҳуқуқ ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлиги ва ҳуқуқий тартибга солишнинг янги соҳалари пайдо бўлганида ҳам намоён бўлади, бу эса юридик фанларни таснифлашни тақозо этади.

Юридик фанларнинг турли таснифлари мавжуд. Уларнинг орасида энг кенг тарқалганга кўра юридик фанларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. **Давлат ва ҳуқуқ назарияси** фундаментал гуманитар, умумий назарий, методологик фан сифатида.
2. **Тарихий-ҳуқуқий фанлар**: давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.
3. **Техникавий-амалий юридик фанлар**: криминология, суд статистикаси, суд тиббиёти, суд психиатрияси ва бошқалар.
4. **Халқаро ҳуқуқ**: халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқ.
5. **Хорижий ҳуқуқ**: масалан, хорижий давлатларнинг конституциявий ҳуқуқи. Соҳаларга оид фанларни ўрганишда ҳам хорижий жиҳат мавжуд.
6. **Қиёсий ҳуқуқшунослик** (компаративистика), ҳуқуқий ҳодисаларни таққослаш йўли билан ўрганувчи соҳа.

7. **Предмети жиҳатидан соҳавий фанлар предметларига яқин бўлган, лекин улар билан бир хил бўлмаган юридик фанлар:** ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, криминология ва бошқалар.
8. **Ҳуқуқий ва бошқа гуманитар фанлар билан туташ фанлар:** ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқий психология ва бошқалар.
9. **Соҳавий юридик фанлар:** давлат ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқалар.⁶³



⁶³ Ўша ерда.

3.2. ЮРИДИК ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ДАВРИЙЛАШТИРИШ

Юридик фаннинг ривожланишини даврийлаштириш кўпинча инсоният тарихининг даврларига мувофиқ амалга оширилади. Шу боис, одатда, қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

1. Қадимги дунё тарихи (тахминан милoddан аввалги XXX аср – милодий V асрнинг охири), яъни илк давлатларнинг пайдо бўлишидан Рим империясининг қулашигача (милодий 476 йил). Бу давр асосан қадимги Юнонистон ва қадимги Римда юридик фаннинг генезиси билан боғлиқ.
2. Ўрта асрлар тарихи (V аср охири – XV аср охири). Юқори чегараси сифатида 1492 йилда Американинг кашф этилиши ва глобаллашувнинг бошланиши хизмат қилиши мумкин. Бу давр Византия қонуни, кейин эса Европа давлатларида юридик таълимнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.
3. Янги замон (XVI – XIX асрлар), бунда юқори чегара сифатида биринчи Жаҳон уруши (1914 – 1918) ва 1917 йилда Россиядаги инқилобий воқеалар хизмат қилиши мумкин. Айнан шу даврда юридик фан замонавий маънода шаклланди ва бу жараён асосан Европа давлатлари ва АҚШ билан боғлиқ.
4. Энг янги замон (XX асрдан бошлаб). Бу давр бизнинг давримиздан олдинги асрда юридик фаннинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у айнан шу даврда глобал хусусиятга эга бўлди.

Юридик фанни ривожланишнинг ички мантиғига асосланган ҳолда даврийлаштириш янада мақсадга мувофиқдир:

1. Юридик фан танланганлар ҳиссаси сифатида (милoddан аввалги IV аср – милодий XII аср).
2. Юридик фан касбий фаолият тури сифатида (XIII – XVII асрлар).
3. Юридик фан ижтимоий тузилма сифатида (XIII – XVII асрлар).
4. Юридик фан оммавий глобал ҳодиса сифатида (XX асрдан бошлаб).⁶⁴

⁶⁴ Ўша ерда.

ЮРИДИК ФАН ТАНЛАНГАНЛАР ҲИССАСИ СИФАТИДА (МИЛОДДАН АВВАЛГИ IV АСР – МИЛОДИЙ XII АСР)

Юридик фаннинг пайдо бўлиши учун зарур шарт-шароитлар узоқ асрлар давомида шаклланиб келган. Унинг генезиси (келиб чиқиши) Қадимги Юнонистон билан боғлиқ. Бироқ қадимги Юнонистонда ҳуқуқ ҳодисасини тушуниш фалсафа доирасида амалга оширилган ва ҳуқуқшунослик алоҳида билим соҳасига айланмаган.

Қадимги даврда юридик фаннинг ривожланишига ҳисса қўшган қадимги юнон олимлари

Сукрот (Сократ) (милоддан аввалги 469 – 399) **ҳуқуқ ва давлат ўртасидаги ажралмас боғлиқлик**, бошқарувчиларни (шу жумладан, судьяларни) қуръа бўйича эмас, балки малакага кўра тайинлаш (**“билимдонлар ҳукмронлиги”**) зарурлиги ҳақида гапириб келган. Сукрот **ҳуқуқни фуқароларни ўзаро муросага келтириш** деб талқин қилган ва “қонуний” ва “адолатли” тушунчалари бир хил эканлигини таъкидлаб келган.

Афлотун (Платон) (милоддан аввалги 427 – 347) Сукротнинг шогирди (милоддан аввалги 427 – 347) биринчилардан бўлиб **давлат шакллари**ни ажратишни (тимократия, демократия, монархия, аристократия, олигархия, тирания, охлократия) таклиф қилган. Файласуф **давлат аппарати**ни **профессионаллаштириш** (“Сукротнинг “билимдонлар ҳукмронлиги” каби файласуфлар ҳукмронлиги”) тарафдори бўлган. У адолатни давлат ва ҳуқуқ асосига қўйди.

Аристотель (Арасту) Стагирит (милоддан аввалги 384 – 322) ҳуқуқни хусусий ҳуқуқ ва ижтимоий ҳуқуққа ажратиш ғоясига яқинлашган. У ҳуқуқий давлат мафкурачиларидан бири сифатида ҳам тан олиниши мумкин, негаки “қонун ҳамманинг устидан ҳукмронлик қилиши керак”.

Стоиклар мактаби вакиллари, биринчи навбатда **Зенон** (336 – 264) табиий ҳуқуқ ғояларини чуқур ишлаб чиқишган.

Қадимги Римда ҳуқуқшунослик алоҳида билим соҳасига айланиб бўлган. Шу билан бирга, қадимги Римда ҳуқуқни ўрганиш соҳасига қадимги юнон олимлари кўрсатган таъсирни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Шунини айтиб ўтиш жоизки,

қадимги юнон тилида ҳатто “ҳуқуқ” сўзи ҳам бўлмаган. Классик Рим ҳуқуқи (милодий I – III асрлар) хусусий ҳуқуқ соҳасидаги тадқиқотларнинг юксак намуналарини тақдим этди. **Византия императори Юстиниан** (527 – 565)нинг **Фуқаролик ҳуқуқи кодекси** (“Кодекс”) қадимги ҳуқуқшуносликнинг чўққиси бўлди.

Юридик фаннинг ривожланишига ҳисса қўшган қадимги Рим олимлари

Милоддан аввалги 254 йилда плебейлардан чиққан руҳоний **Тиберий Корунканий** билишни истаган барчага қонунларнинг мазмунини тушунтиришини эълон қилган.

Марк Туллий Цицерон (милоддан аввалги 106 – 43), ҳуқуқшунос ва нотик, расмий тенгликнинг изчил тарафдори (аслида тенг бўлмаган одамларнинг расман тенглигини асослаган), ҳуқуқий давлат ва табиий ҳуқуқ (“табиий қонун”) мафкурачиси, фуқаролик жамиятининг илк назарийчиларидан бири.

Рим стоиклари, биринчи навбатда **файласуф Сенека** (милодий 3 – 65) ва император **Марк Аврелий** (милоддан аввалги 121 – 180) расмий тенгликни, эркинликни онгли зарурат сифатида асослаб, онгни ҳуқуқнинг асоси деб билишган.

Рим ҳуқуқининг улуғ устозлари **Гай, Павел, Папиниан, Модестин, Ульпиан** бўлган.

ЮРИДИК ФАН РИВОЖЛАНИШИНING ИККИНЧИ БОСҚИЧИ (XIII – XVII АСРЛАР)

Ўрта асрларда юридик фаннинг ривожланиши:

биринчидан, профессионал юридик таълимнинг пайдо бўлиши ва профессионал юристлар ролининг ортиб бориши билан,
иккинчидан, Рим ҳуқуқини ўрганишнинг кучайиши билан,
учинчидан, дин таъсири ва каноник ҳуқуқ аҳамиятининг ортиб бориши билан боғлиқ.

Ушбу босқичда университетлар пайдо бўла бошлади. Очилган биринчи университет **Болонья университети** бўлди (1083, расман университет низомини 1158 йилда олган), у олий юридик мактаб негизида ташкил этилган.

Одатда, университетларда 4 та факультет бўлган:

- 1) етти эркин санъат (грамматика, риторика (ҳуқуқ асослари билан), диалектика, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа) факультети. Бу барча талабалар ўтиши керак бўлган тайёргарлик факультетининг ўзига хос аналоги эди;
- 2) илоҳиёт факультети;
- 3) тиббиёт факультети;
- 4) юридик факультет. **Бу факультетда Рим ҳуқуқи ва каноник қонунлар ўқитилган. Каноник ҳуқуқ, шунингдек, илоҳиёт факультетида ҳам ўқитилган.** Энг кучли юридик мактаблар Болонья университети (Рим ҳуқуқи) ва Париж университетида (Канон қонуни) бўлган.

Ўрта асрлар файласуфлари ҳуқуқ тўғрисида

Фома Аквинский (Аквинолик Фома) (1225 – 1274) халқнинг ғайриқонуний ҳукуматга қарши кўтарилиш ҳуқуқини ҳимоя қилди, **қонуннинг келиб чиқиши ҳақидаги илоҳий назарияни** батафсил ишлаб чиқди. Ўрта аср мутафаккири қонунларни “абдий”, “табиий”, “илоҳий” ва “инсоний” қонунларга ажратган, бунда “инсоний” қонун умумий манфаатларга йўналтирилиши ва олдингиларига мос келиши керак бўлган.

Падуялик Марсили (1280 – 1343) скептик йўналишни тамсил этган, давлатнинг дунёвийлигини эълон қилган, унинг пайдо бўлишини ижтимоий шартнома билан боғлаган ва биринчилардан бўлиб **қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларни** фарқлашни таклиф қилган.

Юридик фан батамом Янги замон даври ҳодисасига айланди ва унинг энг кўзга кўринган вакиллари Европадан чиққан муҳожирлардир. Ниҳоят **юриспруденция фалсафа ва илоҳиётдан ажралиб чиқди** ва умумий ҳуқуқ назарияси ва тарихи билан бир қаторда соҳавий фанлар (оммавий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи ва бошқалар) ҳам жадал ривожлана бошлади. Янги замонда олимлар адолат ва формал тенглик тамойиллари жумласига **индивидуал эркинлик тамойилини** киритдилар.

Янги замон файласуфлари ҳуқуқ тўғрисида

Ж.Боден (1530 – 1596) жамоат ва давлат ҳуқуқи фани бошида турган, давлат суверенитети ҳақидаги таълимотга асос солган, молиявий ҳуқуқ таълимотининг асосчиларидан бири бўлган.

Г. Гроций (1583 – 1645) – дунёвий ҳуқуқ фалсафасининг яратувчиси ва ҳозирги замон таъбири билан айтганда биринчи ҳуқуқшунос олимлардан бири. Замонавий

табиий ҳуқуқ таълимоти ва ҳуқуқни табиий ва ижобий ҳуқуққа ажратиш айнан унинг асарлари билан боғлиқ. У ҳуқуқ методлари, унинг ички ва халқаро бўлиниши ҳақидаги таълимотнинг бошида турган. У халқаро ҳуқуқнинг асосчиси ҳисобланади.

Т. Гоббс (1588 – 1679) **ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти назариётчиси, давлатнинг пайдо бўлиши шартномавий назарияси** (лекин “шоҳларнинг илоҳий ҳуқуқи”ни урғулаган ҳолда) **тарафдори**, ҳуқуқ тамойиллари (табиий қонунлар) таълимоти кашшофлардан бўлган. У қонун билан ҳуқуқни бурч ва эркинлик сифатида ажратган.

Ж. Локк (1632 – 1704) эркинлик, тенглик ва мулкни асосий табиий ҳуқуқлар деб ҳисоблаган ва давлат уларнинг кафили сифатида хизмат қилиши кераклигини таъкидлаган. Унинг “бахтга интилиш” тушунчаси ҳатто АҚШ Конституциясига ҳам киритилган.

ЮРИДИК ФАН РИВОЖЛАНИШИНING УЧИНЧИ БОСҚИЧИ (XVIII – XIX АСРЛАР)

Бу босқичда юридик фан ижтимоий тузилмага айланди, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг зарурий шарти, айна дамда, уларнинг оқибати бўлиб хизмат қилди. **Юридик таълим умумий маънода бугунги кунгача сақланиб қолган хусусиятга эга бўлди.** Рим ҳуқуқи ва каноник ҳуқуқ унинг асоси бўлишни тўхтатди, миллий ҳуқуқни ўрганишга, алоҳида соҳавий фанларни изчил ўрганишга ва шу кабиларга алоҳида эътибор қаратилди.

Янги замон файласуфлари ҳуқуқ тўғрисида

Ш.Л. Монтеске (1689 – 1755) **давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишини асослаб берган.** Унинг биринчи ҳуқуқ социологи, табиий ҳуқуқ ва ижтимоий шартнома мафкурачиси ҳисобланиши бежиз эмас.

И. Бентам (1748 – 1832) изчил равишда **қонун ва ахлоқни бир-биридан ажратди.** Бентам ҳуқуқнинг вазифаси “имкон қадар кўпроқ одамларга имкон қадар кўпроқ бахт” келтириш эканлигини таъкидлаган. У утилитар адолат ва тенгликнинг “Ҳамма бир бир одам деб ҳисобланади, ҳеч ким бирдан ортиқ деб ҳисобламайди” тамойилини ишлаб чиққан.

Г.Гегель (1770 – 1831) фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлатнинг дастлабки шартидир деган ғоянинг асосий назариётчиларидан бирига айланди.

ЮРИДИК ФАН РИВОЖЛАНИШНИНГ ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧИ (XX АСР БОШИДАН ҲОЗИРГАЧА)

Бу босқичда олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг кенг тизими туфайли **юридик фан оммавий ва глобал ҳодисага айланди**. XIX асрнинг охирларида, ҳуқуқий тадқиқотлар билан шу асрнинг ўрталаригача бўлган бутун фан тарихидагидан кўра кўпроқ одамлар шуғулланиб келган.

XX – XXI асрларда юридик фаннинг таркибий қисмидаги айрим аввалги йўналишлар янги мазмунга эга бўлди ва янги илмий оқимлар пайдо юзага келди. Шундай қилиб, юридик позитивизм аънаналари **нормативизм** томонидан давом эттирилди. Унинг асосчиси ва таниқли вакили австриялик ҳуқуқшунос олим **Ханс Келзендир** (1881 – 1973). У “соф” ҳуқуқ назариясини яратган (бош асари “Соф ҳуқуқ таълимоти”, 1934 йил). У юридик фан мафкуравий ва қадриятлар билан боғлиқ жиҳатлардан тозаланиши керак деб ҳисоблайди. У ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши керак. Ҳуқуқнинг моҳияти, қадрияти, адолати каби масалалар юридик фанни банд қилмаслиги керак ва уни сиёсий, социологик, психологик ва ахлоқий масалаларни киритиш билан чексиз кенгайтириб бўлмайди. Шундай экан, юридик фаннинг вазифаси фақат амалдаги қонун меъёрларини ўрганишдан иборат. Шу тарзда у догматик ҳуқуқшуносликни бошқа фанлардан ажратади. Ҳуқуқ деганда одамларнинг хулқ-атворининг маълум бир тартиби тушунилади. Бундай тартиб бузилган тақдирда, мажбурлаш чоралари қўлланилади ва бу ҳолда қонун мажбурий қонун ва тартибдир. Келзеннинг ҳуқуқий меъёрлар иерархиясини асосий норма бошқаради ва қуйи меъёрлар юқори меъёрлардан келиб чиқиши керак. Келзеннинг ҳуқуқий меъёрлар иерархияси юқорисида асосий меъёр туради, қуйи меъёрлар эса юқори меъёрлардан келиб чиқиши керак. Демак, асосий норма, унинг амри одамлар ўзларини конституцияда белгилангандек тутишларидир. Г. Келзеннинг ҳуқуққа нисбатан тутган догматик ёндашуви юридик фанга катта ҳисса қўшди ва унинг қарашлари замонавий конституциявий ҳуқуқнинг шаклланишига таъсир кўрсатди.

Таҳлилий ҳуқуқшунослик яна бир янги йўналишга айланди. **Герберт Харт** (1907 – 1992) юридик фандаги янги йўналишнинг биринчи вакилларида биридир. У ўзининг “Ҳуқуқ тушунчаси” асарида таҳлилий (лингвистик) фалсафа ғояларини ривожлантирди. Аналитик юриспруденциянинг асосий вазифаси сўзларнинг, ҳуқуқий атамаларнинг ва энг муҳим тушунчаларнинг маъносини ойдинлаштиришдан иборат. Шундай қилиб, ҳуқуқ назарияси чинакам илмий асосга эга бўлди. Аналитик юрисп-

руденция бизга XX асрда тил ва ҳуқуқий матнга оид тадқиқотларнинг долзарблиги ортиб бораётганини кўрсатади. Шу сабабли юридик герменевтиканинг тикланиши ва бу муаммога қизиқиш ортиб бораётгани ажабланарли эмас.

Социологик ҳуқуқшунослик АҚШда алоҳида ривожланди. Бунга Америка ҳуқуқ тизимида суд прецеденти доимо алоҳида ўрин тутганлиги туртки берган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, АҚШ Биринчи жаҳон уруши, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарбнинг энг жадал ривожланаётган давлатига айланган. Шу боис ҳуқуқшуносликнинг социология мактабига ва унинг асосий қоидаларини ишлаб чиқишга бўлган катта қизиқишнинг айнан шу ерда пайдо бўлиши ажабланарли эмас. Машҳур америкалик олим **Роско Паунд** (1870 – 1964) ана шу ҳуқуқий аъна доирасида фаолият юритган. У ҳеч иккиланмай амалдаги қонунни ёзма қонунга қарама-қарши қўйиб, ҳуқуқнинг реалистик назариясини яратди. Ушбу назарияга кўра, олим ҳуқуқнинг мақсадлари ва шунга ўхшаш масалаларни тадқиқ қилиш бўйича самарасиз уринишлардан воз кечишни таклиф қилади. **Тадқиқотлар прагматизмга асосланган бўлиши керак.** У юридик амалиётни, “жонли ҳуқуқ”ни ўрганиш тарафдори бўлиб, шу маънода суд ҳокимияти ва мансабдор шахсларга ҳуқуқий меъёрларни талқин этишда кенгроқ эркинлик бериш, яъни амалда қонун ижодкорлиги ҳуқуқини таъминлаш ғоясини илгари суради.

Россиялик олим **Лев Иосифович Петражицкий** (1867 – 1931) **психологик ҳуқуқ мактабига** асос солган. У ҳуқуқни, ҳуқуқий меъёрларни ахлоқий меъёрлар билан боғлади. Булар, ўз навбатида, дин, худо билан боғланган. У кўплаб ҳуқуқий тузилмалар психология билан бевосита боғлиқлигини таъкидлаб келган. Шунинг учун ҳуқуқий категорияларнинг софлиги ҳақида гапириш қийин.

Ҳозирги босқичда жуда қизиқарли ва модага айланган яна бир назария **интегрatív юриспруденциядир**. Унинг пайдо бўлиши юридик фанда ўрин олган ҳуқуққа нисбатан тутилган турли ёндашувларда асосий эътибор ҳуқуқнинг бир жиҳатига қаратилиб, бошқа муҳим жиҳатлари диққат марказидан четда қолдирилиб келгани билан боғлиқ бўлган.

Шу сабабли узоқ вақт олдин турли соҳаларнинг ютуқларини, гарчи уларнинг айрим қоидалари бир-бирини истисно қилиши мумкин бўлса-да, умумлаштириш тенденцияси пайдо бўлган. Юриспруденцияда “интегрatív ҳуқуқшунослик” деб номланган маҳсус йўналишнинг асосчиси **Жером Холлдир**.

Интегратив ҳуқуқ назариясининг таниқли вакили сифатида **Жан-Луи Бержель** тан олиниши керак. Унинг фикрича, ҳуқуқ “бир вақтнинг ўзида ижтимоий ҳодисалар ва инсон иродаси ифодаси, моддий ҳодиса ва ахлоқий ва ижтимоий қадриятлар мажмуи, идеал ва воқелик, тарихга дохил ҳодиса ва норматив тартиб ҳодисаси, ички иродавий ҳаракатлар ва ташқи омилларга бўйсунуш ҳаракатлари мажмуидир...”⁶⁵

Ўша даврда юридик фан ривожини қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ривожланиши, турли тадқиқот методларининг (криминологиянинг алоҳида соҳа сифатида ажраб чиқиши, ҳуқуқ социологиясининг ажралиши, ҳуқуқий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасидан, сўнг компьютерлардан фойдаланилиши ва бошқалар) қўлланиши, ҳуқуқий таълимнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. “Виртуал ҳуқуқ”нинг шаклланиши ҳақида савол юзага чиқди.⁶⁶

Шундай қилиб, қадимги Юнонистон файласуфлари ҳуқуқ фанининг энг муҳим назарий муаммоларини белгилаб беришган бўлса, Рим ҳуқуқшунослари бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган ҳуқуқий тушунчалар ва тузилмаларни ишлаб чиқдилар. Замонавий демократик жамият ва ҳуқуқий давлат шароитида ҳуқуққа доир муаммолар алоҳида роль ўйнайди, шу билан бирга, ижтимоий фанлар орасида юридик фаннинг етакчи ўринлардан бирини эгаллашига хизмат қилади.

⁶⁵ Бержель Ж.Л. Умумий ҳуқуқ назарияси. – М., 2000. – Б. 33.

⁶⁶ Лушников Андрей Михайлович. Юридик фан тарихи ва методологияси: ўқув қўлланма. Демидов номидаги Ярославль давлат университети. – Ярославль: ЯрДУ, 2015. – Б. 68.

Ривож-ланиш босқичлари	Биринчи босқич (милоддан аввалги IV аср – милодий XII аср)	Иккинчи босқич (XIII – XVII асрлар)	Учинчи босқич (XVIII – XIX асрлар)	Тўртинчи босқич (XX аср бошидан бери)
Хусусият-лари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Юридик фан танланганлар ҳиссаси бўлган. 2. Юридик фан алоҳида фан соҳаси бўлмаган. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Касбий юридик таълимнинг пайдо бўлиши ва профессионал юристлар ролининг ортиб бориши. 2. Рим ҳуқуқини ўрганишнинг фаоллашуви. Дин таъсирининг кучайиши ва каноник ҳуқуқ аҳамиятининг ошиши. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Юридик фан ижтимоий институтга айланди, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг, шунингдек, уларнинг оқибатларининг зарурий шартли бўлиб хизмат қила бошлади. 2. Рим ҳуқуқи ва каноник ҳуқуқ унинг асоси бўлишни тўхтатди, асосий эътибор миллий ҳуқуқни ўрганишга, алоҳида соҳавий фанларини изчил ўрганишга ва бошқаларга қаратилди. 	Юридик фан оммавий ва глобал ҳодисага айланди.
Юридик фан ривожига ҳисса қўшган олимлар	Сукрот (Сократ), Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель), Цицерон, Сенека, Марк Аврелий	Фома Аквинский, Гуго Гроций, Жон Локк, Т. Гоббс, Жан Боден	Ш.Л. Монтескье, И. Бенгтам, Г. Гегель	Ганс Кельзен Герберт Харт Роско Паунд Лев Петражицкий Жан Луи Бержель
Юридик фан ривожига ҳисса қўшган асосий ғоялар	<ul style="list-style-type: none"> • "билимдонлар ҳукмдорлиги" • ҳуқуқ фуқаролар ўртасидаги мурося сифатида • давлат шакллари аждратиш (тимократия, демократия, монархия, аристократия, олигархия, тирания, охлократия). • ҳуқуқнинг хусусий ва оммавий ҳуқуққа бўлиниши • табиий ҳуқуқ ғоялари • Рим ҳуқуқи 	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳуқуқ келиб чиқишининг илоҳий назарияси • Позитив ҳуқуқ • Ҳокимиятларни ажратиш назарияси • Ҳуқуқий давлат ва ижтимоий шартнома тушунчаси 	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳокимиятларнинг бўлиниши назарияси • Фуқаролик жамяти 	<ul style="list-style-type: none"> • нормативизм • соф ҳуқуқ назарияси • тахлилий юриспруденция • социологик юриспруденция • психологик ҳуқуқ мактаби • интегртив юриспруденция • қиёсий ҳуқуқшунослик • юридик тадқиқотлар методологияларининг бойитилиши

3.3. ЗАМОНАВИЙ ДАВРДА ЮРИДИК ФАН ВА ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ РОЛИ

Замонавий жамиятда **юридик фаннинг роли ортиб бораётгани** кўп жиҳатдан глобал ўтиш жараёнлари шароитида қонунчиликни шакллантириш заруратида ўз ифодасини топмоқда. Юридик фан жамият ва давлатда юзага келадиган масалалар ва муаммоларни ҳал этишга ёрдам берувчи ана шундай қоидаларни ишлаб чиқишга қодир ва ишлаб чиқиши керак. Шу муносабат билан ҳулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, назариясиз амалий фаолиятни амалга ошириш мумкин эмас, шу билан бирга, назария амалиётсиз қуруқ ва жонсиздир.

Айни пайтда, юридик фаннинг роли ортиб бораётганига қарамай, кўплаб олимлар **юридик фан инқирозга учраганини** қайд этмоқдалар. П.Л. Барановнинг таъкидлашича, юридик фан инқироzi қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

ҳам методологик, ҳам муайян ҳуқуқий жиҳатлар бўйича **жиддий ва тубдан янги тадқиқотлар** деярли йўқ, ҳуқуқий тадқиқотларнинг катта қисми ҳам янги ғоялар ва мунозараларни келтириб чиқармайди, амалиётда уларнинг натижаларига талаб йўқ;

юриспруденциянинг кўпгина масалалари бўйича **ишончли, умумий, конструктив ва ягона ҳуқуқий ечимлар** (масалан, одамлар ва ҳайвонларни клонлаш, ўлим жазоси, ҳомиладорликни эрта тўхтатиш, сунъий уруғлантириш ва эмбрионлар имплантация қилинган ҳолатларда ота-она ҳуқуқларига эгалик каби масалалар ва шунга ўхшаш бошқа масалалар бўйича) **мавжуд эмас**;

“**илмий рейдерлик**” деб аталадиган ҳодиса доимий амалиётга айланди, бунда бошқаларнинг ғоялари ва назариялари мутлақо “маданиятли” тарзда, сиртига минимал ўзгартиришлар киритилганидан сўнг, шунчаки ўзларининг эмас, балки янги билим даъвоси билан ва фанда тегишли “уфқлар”ни очувчи оригинал “шахсий ғоялар” сифатида тақдим этилади;

паст сифатли диссертациялар сонининг кўпайиши, кўпинча бутун “тадқиқот” фаолияти ҳисобсиз шарҳларни афдариб босишга бориб тақалади, аини пайтда, қонунчиликдаги аксарият ўзгаришлар камдан-кам ҳолларда техник ўзгаришлар бўлиб, улар кўпинча сиёсий характерга эга бўлади.⁶⁷

Мазкур муаммоларни ҳал этиш ҳуқуқий тадқиқотлар методологиясини модернизация қилиш ва такомиллаштиришга боғлиқ. Бу муаммо Ўзбекистонда ҳам долзарбдир. **Замонавий воқеликда ҳуқуқий тадқиқотлар давлат сиёсатини янада такомиллаштиришнинг зарур шартидир.** Сиёсий, иқтисодий, технологик, ижтимоий, маданий-гуманитар жараёнлардаги туб ўзгаришлар жамият ва давлатни ўзгартириш жараёнида ривожланиш парадигмасининг ўзгариши, цивилизациявий ўтиш ва глобал ахборот жамияти, рақамли иқтисодиёт шароитида уларнинг барқарорлигини таъминлай оладиган давлат-ҳуқуқий институтларни яратишдек мураккаб вазифани ўртага қўйди. **Бу вазифани ҳар томонлама, кўп қиррали ва мақсадли илмий давлат-ҳуқуқий тадқиқотларсиз ҳал этиб бўлмайди.** Республикада давлат ва ҳуқуқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат-ҳуқуқий жараёнларни фундаментал тадқиқ этиш зарурати масаласининг долзарблиги ортиб бормоқда.⁶⁸ Шу муносабат билан Президентимиз 2020 йил 29 апрелдаги **“Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарорни имзолади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқларидан бирида таъкидлаганидек, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва илм-фанни ривожлантириш унинг истиқболларини белгиловчи туб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.⁶⁹

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, олимлар ўзларининг асосий саъй-ҳаракатларини ўзаро тортишувларга эмас, балки амалий муаммоларни ҳал этиш учун бирлаштиришга йўналтирсалар, ҳуқуқ фанининг роли ортади. Илмий оппонентларни йўқ қилиш шарт эмас. Амалиёт учун яроқсиз бўлган ғоялар ўз-ўзидан эътибордан четда қолади. Аммо илм-фан соҳасида аллақачон бажариб бўлинган, юридик амалиётда мужассам бўлган нарсаларга асоссиз, воқеликка зид равишда номини ўзгартир-

⁶⁷ Баранов П.Л. Замонавий дунёда юридик фан инқирози. [Эл. ресурс] URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/krizis-yuridicheskoy-nauki-v-sovremennom-mire>

⁶⁸ Саидов А.Х. Юридик фан: ислохотларнинг янги даври // <https://yuz.uz/ru/news/yuridicheskaya-nauka-novy-period-reform>

⁶⁹ Боровикова А. Юридик фанни ривожлантириш ва қонун ижодқорлигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // <https://yuz.uz/ru/news/aktualne-vopros-razvitiya-yuridicheskoy-nauki-i-sovershenstvovaniya-zakonotvorchestva>

масдан, эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Пировардида бир жойда туриб қолмаслик учун ишни ҳар доим янғисини бошлайвермасдан, давом эттириш керак.⁷⁰

Ҳуқуқий тадқиқотлар учта асосий функцияни бажаради, хусусан:

- ҳуқуқий муаммони ўрганиш;
- фактлар ва қонун ҳужжатларини танқидий тавсифлаш;
- ҳуқуқий масалалар ва тушунчаларни тушунтириш ёки талқин қилиш.

Юридик материалларнинг мураккаб массасида маълум бир масалага оид қонунни топиш ҳар доим ҳам осон эмас. Шундай қилиб, ҳуқуқий тадқиқот жараёни ҳуқуқий ҳужжатлар ва суд қарорларини интенсив равишда таҳлил қилишни ўз ичига олади. Тадқиқотлар, шунингдек, қонунчиликдаги камчиликларни ҳам аниқлайди. Тадқиқотларни ўтказиш жараёнида ҳуқуқнинг яратилишига таъсир кўрсатган ижтимоий омилларни баҳолаш зарурати юзага келади. Бу эса, агар мавжуд бўлса, ҳуқуқий идеал ва ижтимоий воқелик ўртасидаги бўшлиқни аниқлашга ва унинг сабабларини билишга ёрдам беради. Шунингдек, бу ҳуқуқнинг келажагини олдиндан билиш имконини беради. Аниқланган камчилик ва узилишлардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот натижалари асосида ислохотлар ўтказишни таклиф қилса бўлади. Бу натижаларни таҳлилий, тарихий ва қиёсий тадқиқотлар асосида олиш мумкин. Шундай қилиб, ҳуқуқий тадқиқотлар турли сабабларга кўра амалга оширилиши мумкин. Баъзилар ундан ҳуқуқий муаммони тушуниш учун қўлланиладиган ҳуқуқ манбаларини аниқлаш учун фойдаланадилар, кейин аниқланган муаммонинг ечимини топадилар. Бошқалар эса тадқиқотдан катта қизиқиш уйғотадиган ҳуқуқ жиҳатлари ва ҳуқуқий тизимнинг фаолияти тўғрисидаги “Legal interpretation” (Ҳуқуқий талқин) ва “Legal writing” (Ҳуқуқий ёзувлар/ҳуқуқий матнларни тайёрлаш) курсларидир. Шундай қилиб, “ҳуқуқий тадқиқотлар” курси доирасида ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказиш методологияси эмас, балки ўз даъволарини асослаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий меъёрларни излаш ва қўллаш ўргатилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тадқиқотлар бугунги глобал муаммоларга муносиб жавоб бериши керак. Юридик тадқиқотлар сифати мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини белгилаб беради, бу эса ҳуқуқий тадқиқотлар методологиясини такомиллаштириш ва ўрганишни тақозо этади ва ушбу нашрнинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

⁷⁰ Лазарев В.В. Юридик фан: ҳозирги ҳолат, муаммолар ва истиқболлар (назарий мулоҳазалар) // Lex Russica. 2013. №2. – Б. 181–191.



4-БОБ

ҲУҚУҚИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР
ЮРИДИК ФАННИНГ
РИВОЖЛАНИШ
ШАКЛИ СИФАТИДА

4.1. ЮРИДИК ФАННИНГ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИНИ БИЛИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТ ТУРЛАРИНИНГ ХИЛМА- ХИЛЛИГИ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда юридик фан олдига қўйилган назарий ва амалий аҳамиятга эга вазифаларни ҳал қилиш учун ҳуқуқий тадқиқотларни фаоллаштириш муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказиш учун турли хил ёндашувлар ва анъаналар мавжуд. Шундай қилиб, узоқ вақт давомида юридик фан тарихан иккита кенг анъанага амал қилган. **Биринчиси “қора ҳарф қонуни”** деб номланган, унинг диққат марказида асосан қонун ёки фақат **қонуннинг ўзи туради**. Ҳал қилинган ишлардан тамойиллар ва қадриятларни ажратиб олиш ва тугалланган ишларни тартиб, мантикийлик ва назарий бирликни излашда изчил тузилмага қайта бирлаштириш анъанавий юридик фан учун озуқа бўлган.

1960 йилларнинг охирида пайдо бўлган иккинчи ҳуқуқий анъана **“контекстдаги қонун”** деб номланади. Ушбу ёндашувда бошланғич нуқта қонун эмас, балки **жамиятдаги** умумлаштириладиган ёки умумлаштирилиши мумкин бўлган **муаммолардир**. Бу ерда қонуннинг ўзи ҳам ижтимоий муаммога ҳисса қўшиши ёки уни келтириб чиқариши мумкинлиги нуқтаи назаридан ҳам, қонун ечим ёки ечимнинг бир қисмини тақдим этиши мумкин бўлса-да, бошқа ҳуқуқий бўлмаган ечимларни, шу жумладан, сиёсий ва ижтимоий қайта қуриш истисно қилинмайди, ҳатто афзал кўрилиши мумкин. “Контекстдаги қонун” ёндашуви ҳар бир олий таълим муассасасида ўқитиладиган юридик фанларни қўшимча жиҳат билан бойитди.⁷¹

⁷¹ Research Methods for Law Edited by Mike McConville and Wing Hong Chui Second Edition Research Methods for Law Second Edition. Edinburgh University Press Ltd. 2007.

Бошқача қилиб айтганда, бу ёндашувлар **доктринавий ва нодоктринавий ёндашувлар** деб ҳам аталади.⁷²

Доктринавий ҳуқуқий тадқиқотларда бу ўринда тадқиқот олдида муайян масала бўйича турган марказий савол “Қонун нима?” деган саволдир. У қонунни излаш, уни синчковлик билан таҳлил қилиш ва мантиқий жиҳатдан асослаш билан боғлиқ. Тадқиқот учун асосий материални меъёрий материаллардан, яъни бирламчи манбалардан ҳам, иккиламчи материаллардан ҳам топиш мумкин. Бироқ тадқиқотнинг ўзига хос чекловлари бор, у субъективдир, яъни қонуннинг реал фаолиятдан ажралган ҳолда тадқиқотчининг идроки билан чекланади, ҳуқуқ чегарасидан ташқарида бўлган омиллардан холи бўлади ва асосий эътиборни судларнинг реал амалиётига қаратмайди.

Нодоктринавий ҳуқуқий тадқиқотлар ёки ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотлар, улар қонунлар ва ҳуқуқий институтларнинг жамиятни қандай шакллантириши ва жамиятга қандай таъсир кўрсатишини ўрганеди. У саволларга жавоб бериш учун эмпирик маълумотларни олиш мақсадида бошқа фанлардан олинган методларни қўллайди. Бу муаммонинг ечими, масалан, идеализм ва ижтимоий воқелик ўртасидаги тафовутни топиш ёки юридик қарорлар натижаларини кузатиш ёки ҳуқуқий бўлмаган омилларнинг ҳуқуқий жараёнлар ёки қарорларга таъсирини баҳолаш ёхуд ислохотларга асосланган ёндашув бўлиши мумкин. Бу ўринда сўз ҳуқуқни, унинг узвийлиги ва ривожини сақлаб қолиш учун бошқа фан соҳаси нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, яъни нарсаларни контекстга киритиш ҳақида бормоқда. Эмпирик бўлгани учун у юридик амалиёт ва тартиб-таомилларга ҳамда уларнинг оила, бизнес, фуқаролар, истеъмолчилар каби бир қатор ижтимоий институтларга таъсирини аниқлаш ва тushунтириш учун муҳим ва қимматлидир.

Ёндашувларнинг хилма-хиллиги турфа хил тадқиқотларнинг мавжудлигига олиб келади. Барча илмий тадқиқотлар сингари ҳуқуқий тадқиқотларни ҳам қуйидаги асосий турларга бўлиш мумкин:

- 1. Эмпирик тадқиқотлар** ҳуқуққа оид ҳодисалар ва уларни тавсифлаш, умумлаштириш ва таснифлаш тўғрисида маълумот олиш билан боғлиқ. Шу билан бирга, ушбу муаммо бўйича адабиётларни тизимлаштириш ва амалий муаммоларни ҳал қилишда назарий ёндашувларни қўллаш кўзда тутилади.

⁷² Salim Ibrahim Ali, etc, Legal Research of Doctrinal and Non-Doctrinal//International Journal of Trend in Research and Development, Volume 4(1). www.ijtrd.com

2. **Амалий тадқиқотлар** муайян амалий муаммони ҳал қилишга қаратилган. Ушбу вазифа ҳам қонун ижодкорлиги, ҳам ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши мумкин, лекин у маълум илмий поғонага кўтарилишни кўзда тутати. Амалий тадқиқотлар юридик амалиётни умумлаштириш ва уни такомиллаштиришга оид таклифларни ўз ичига олади.
3. **Назарий тадқиқотлар** ҳуқуқий ҳодисаларнинг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини уларнинг узвийлигида аниқлаш, уларнинг ривожланиш истиқболларини аниқлаш билан боғлиқ. Ушбу ҳолатда янги назарий билимларни олишга қаратилган тадқиқот предметиға нисбатан кўп босқичли, комплекс ёндашув кўзда тутилади.
4. **Методологик тадқиқотлар** билиш жараёнининг қонуниятларини аниқлаш, янги услубий ёндашувларни шакллантириш ёки мавжудларини такомиллаштириш билан боғлиқ.
5. **Прогностик тадқиқотлар** у ёки бошқа ҳуқуқий ҳодисаларнинг ривожланиши прогнозини шакллантириш, истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиш ва бошқалар билан боғлиқ.

Чет эл адабиётида ҳуқуқий тадқиқотлар қуйидагиларга бўлинади:

1. *Тавсифий ва таҳлилий ҳуқуқий тадқиқотлар.*
2. *Амалий ва соф юридик тадқиқотлар.*
3. *Миқдорий ва сифат асосидаги ҳуқуқий тадқиқотлар.*
4. *Концептуал ва эмпирик ҳуқуқий тадқиқотлар.*

Тавсифловчи ва таҳлилий ҳуқуқий тадқиқотлар. Биринчиси вазиятни мавжуд бўлганидек тавсифлайди. У ҳодисани нима содир бўлганлиги ёки нима содир бўлаётгани ҳақида хабар бериш орқали сабаб ёки худди шу сабабга кирмасдан тавсифлайди. Сўровномалар, қиёсий методлар ва корреляция методлари, шунингдек фактларни аниқлаш бўйича сўровлар тадқиқот воситаси сифатида қўлланилади. Лекин у ўзгарувчилар ўртасида ҳеч қандай алоқа ўрнатмайди. Бироқ таҳлилий тадқиқотлар танқидий баҳолашни ўтказиш учун мавжуд фактлар ва маълумотлардан фойдаланади.

Амалий ва соф ҳуқуқий тадқиқотлар. Биринчисининг мақсади долзарб амалий муаммонинг ечимини топишдир. Тадқиқот амалий контекстда жойлаштирила-


ди. Иккинчиси назарияни умумлаштириш ва шакллантиришга қаратилган. Унинг мақсади тадқиқотнинг у ёки бошқа соҳаси ҳақидаги тушунчани кенгайтиришдир. Тадқиқотчи натижаларнинг амалий жиҳатдан нечоғлик фойдали эканлигига эътибор қаратмайди.

Миқдорий ва сифат жиҳатдан ҳуқуқий тадқиқотлар. Биринчиси миқдорга, яъни натижаларнинг сон шаклида ифодаланиши мумкин бўлган нарсаларга тегишли. Бироқ иккинчиси натижаларга эришиш учун қарашлар ва фикрларни тавсифлашни мақсад қилади. У маълум бир хулқ-атвор жиҳати негизда ётган сабабларга таянади.

Миқдорий ҳуқуқий тадқиқотлар сўровлар, тизимлаштирилган суҳбатлар, тажрибалар ва маълумотларни йиғиш воситаси сифатида қўлланиладиган тестлар билан тавсифланади. У статистик таҳлил қилиш мумкин бўлган маълумотларни ишлаб чиқаради. Шундай қилиб, натижалар рақамли шаклда тақдим этилиши мумкин. Мисол учун, сўровномада респондентлардан маълум бир тақлифга рози ёки рози эмаслигини кўрсатиш учун катакчани белгилаш сўралади. Бу тадқиқотчига маълумотларни миқдор жиҳатидан баҳолаш ва қанча одам у ёки бошқа нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаганини билдирганлигини ҳисоблаш имконини беради.

Сифат жиҳатидан ҳуқуқий тадқиқотлар учун метод сифатида иштирокчиларни кузатиш, тизимлаштирилмаган суҳбатлар ёки ҳаётдан олинган ҳикоялар билан тавсифланади. Натижа тавсиф шаклида тақдим этилади. Миқдорий тадқиқотлар одамлар ва табиатшунослик объектлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олмайди, натижалар ҳақиқатни акс эттирмаслиги мумкин. Бу кўплаб тадқиқотчиларни тадқиқотчиларга ўзлари тадқиқ қилаётган одамларга яқинлашиш имконини берадиган сифатлироқ усулларни қўллашга ундади.

Концептуал ва эмпирик ҳуқуқий тадқиқотлар. Концептуал тадқиқотлар абстракт тушунча ёки ғоя билан боғлиқ. Одатда, файласуфлар ва мутафаккирлар янги тушунчаларни ишлаб чиқиш ёки мавжуд тушунчаларни қайта кўриб чиқиш учун ҳуқуқий тадқиқотнинг ана шу туридан фойдаланишади. Бироқ эмпирик ҳуқуқий тадқиқотлар фақат тажриба ва кузатувга таянади. У маълумотларга асосланади ва кузатувлар ёки тажрибалар ўтказиш йўли билан тасдиқланиши мумкин бўлган натижаларни беради.



Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, глобал ўтиш жараёнлари ва давлатлар ўртасида барча даражалардаги ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши шароитида ҳуқуқий тадқиқотлар орасида **қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар энг катта қизиқиш уйғотмоқда**. Замонавий қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг тадқиқот мақсадлари ва методлари бўйича типлари (турлари):

1. **Институционал-тавсифловчи** қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар турли мамлакатлардаги институтларнинг хусусиятларини изчил тақдим этишдан иборат. Бунда баъзи умумлаштирувчи хулосалар истисно қилинмайди. Тавсиф фақат ҳуқуқий меъёрларни, ҳуқуқ манбаларини расман меъёрий таққослаш билан чекланиши ва уларни хорижий мамлакатларда амалга ошириш амалиёти билан тўлдириши мумкин. Бундай тадқиқотларнинг аҳамияти қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар учун эмпирик ва ахборот базасини таъминлашдан иборат.
2. **Муаммовий-таҳлилий** қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот бир хил (айни) муаммони турли хил ҳуқуқий усулларда ҳал қилишда турли мамлакатларда қонунчилик ва

уни қўллаш амалиётини таққослашдан иборат. Шу билан бирга, қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар доираси оддий таққослашдан моделлаштиришгача бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда муаллифлар Россия қонунчилигини қўллашнинг у ёки бу назарий, амалий муаммоларини таққослаш орқали таҳлил қилиб, хорижий мамлакатлар мисолида ушбу муаммоларни ҳуқуқий воситалар билан ҳал қилиш йўлларини келтиришади. Шу билан бирга, улар бу муаммо у ёки бошқа мамлакат қонунчилигида бошқача ҳал қилинишини қайд этиш билан чекланишлари мумкин. Қиёсий ҳуқуқий тадқиқотларга нисбатан бундай ёндашувда ўқувчиларга муаммони ҳал қилишнинг таклиф қилинган ҳуқуқий усулларини мустақил равишда баҳолаш таклиф этилади. Бироқ кўпинча муаммовий-таҳлилий қиёсий ҳуқуқий тадқиқотларда баъзи меъёрлар ва институтларни ўзлаштириш, трансплантация қилиш бўйича таклифлар асослаб берилади. Бундай таклифларда хорижий меъёрларни Россия қонунчилигига трансплантация қилиш имкониятлари ва чегаралари ҳисобга олиниши керак. Қиёсий тадқиқотлар назариясида умумэтироф этилган жиҳат хорижий тажрибани механик тарзда ўзлаштиришдан огоҳлантиришдир. Ҳар бир миллий ҳуқуқий тизим маълум бир мамлакатнинг тарихий ривожланиши маҳсули бўлиб, унинг тарихи, иқтисодиёти, сиёсий тузилмаси, кундалик ва маданий анъаналарининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

- 3. Муаммовий-моделли** қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар. Муаммоли-таҳлилий қиёсий ҳуқуқий тадқиқотларнинг умумлаштирувчи даражаси турли хил ҳуқуқий йўлларни, бир хил муаммоларни ҳал қилиш усулларини таснифлаш имконини берувчи моделларни асослаш билан боғлиқ.
- 4. Концептуал-тизимли** қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар миллий ҳуқуқ глобал ҳуқуқ тизимида (дунёнинг ҳуқуқий манзарасида) тутган ўрнини аниқлашга қаратилган.⁷³

⁷³ Legal Research Methods. Teaching Material. Prepared by: Prof (Dr) Khushal Vibhute & Filipos Aynalem. Prepared under the Sponsorship of the Justice and Legal System Research Institute 2009. Available at <https://chilot.files.wordpress.com/2011/06/legal-research-methods.pdf>



Шубҳасиз, ҳуқуқий тадқиқотларнинг барча турлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Улар бир тадқиқот ишида турли комбинацияларда учраши, бири бошқасидан олдин келиши, аввалгиларининг хулосаларига асосланиши ва ҳоказо бўлиши мумкин. Ҳуқуқий тадқиқот турини танлаш тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига боғлиқ.

4.2. ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЎТКАЗИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ УЛАРНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН МУҲИМДИР

Шундай қилиб, илмий тадқиқот ташкилотлари ва таълим муассасалари мақсадли дастурлар мажмуи, узоқ муддатли илмий ва илмий-техникавий дастурлар, хўжалик шартномалари ва буюртмачилар томонидан тақдим этилган илмий-тадқиқот ишларига оид талабномалар асосида йиллик иш режаларини ишлаб чиқади. Таълим муассасалари кафедраларининг илмий ишлари ўқув йилидаги иш режаларига мувофиқ ташкил этилади ва амалга оширилади. Профессор-ўқитувчилар ва аспирантлар илмий-тадқиқот ишларини индивидуал режалар асосида олиб борадилар. Монографиялар, дарсликлар, қўлланмалар ва маърузалар тайёрлашда ушбу ишларнинг режали истиқболлари ишлаб чиқилади.

Аввало, тадқиқотнинг мақсадини аниқлаш, яъни жавоби изланаётган саволни аниқ шакллантириш, яъни тадқиқот саволини аниқлаш муҳим. **Тадқиқот саволини қўйиш** бу – ғояни ифода этиш сари ташланган биринчи қадамдир.

Бундан ташқари, тадқиқотчи ушбу саволга одатда гипотеза сифатида таниш бўлган таклиф қилинган тахминий жавобни беришга уриниши мумкин. **Гипотеза** бу – тадқиқот натижасида исботланиши керак бўлган нуқтаи назарга урғу берувчи таъкиддир. Бу тадқиқот саволининг сўроқсиз шаклига ўхшайди. Одатда, тадқиқот гипотезани тасдиқлаш, исботлаш ёки тушунтиришга интилади.

Мисоллар:

Тадқиқот жараёни: Қонуннинг қабул қилиниши муайян муаммони ҳал қилишга ёрдам берадими?

Тадқиқотда исботлаш ёки рад этиш учун мўлжалланган гипотеза: Ушбу қонуннинг қабул қилиниши муаммони ҳал қилишга ёрдам беради / бермайди, чунки

Тадқиқот саволи ва кичикроқ саволлар аниқлагандан кейинги қадам тадқиқот йўналишини аниқлаш учун маълумот тўплашдир. Бу даврда тадқиқотчи танланган соҳа бўйича кўпроқ билимга эга бўлганлиги сабабли тадқиқот саволи ўзгартирилиши мумкин ва айнан шу вақтда **тадқиқотчи гипотезани шакллантиради ва методологияни қўллашни бошлайди**. Методология тадқиқотчи маълумот йиғишда фойдаланмоқчи бўлган тартиб-таомилни белгилайди. Бу ерда тадқиқот қандай ўтказилиши кўрсатилади (бу суҳбат, асосий ёки иккинчи даражали манбалар бўлиши мумкин бўлган ўқув материалларидан фойдаланиш, Интернетда қидириш ёки дала тадқиқотлари бўлиши мумкин).

Илмий-ҳуқуқий тадқиқотнинг ҳар бир босқичини батафсил кўриб чиқайлик.

1. **Тадқиқот мақсадини аниқлаш (мақсадни белгилаш)**, яъни тадқиқотчи мавжуд адабиёт ва юридик амалиётни, шунингдек, шахсий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қандай натижага эришмоқчи эканлигини аниқлаш. Бу босқичда тадқиқот режаси ва дастури тузилади, унинг мақсад ва вазифалари шакллантирилади, эмпирик материал ва бошқаларни олиш имконияти аниқланади; тадқиқотнинг библиографик базасини кўриб чиқиш ва ўрганиш ишлари амалга оширилади.

Ўқув адабиётлари, қонун ҳужжатларига шарҳлар беришдан бошлаш, сўнгра фундаментал тадқиқотлар ва янги нашрлар, даврий нашрларга ўтиш керак. Агар тадқиқот халқаро ҳуқуқий масалаларга тааллуқли бўлса, энг муҳим манбалар халқаро шартномалар ва халқаро суд амалиётидир.

Ҳуқуқий тадқиқотлар учун турли хил маълумот манбаларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

Қонунлар, қоидалар, низомлар, буйруқлар, берилган ваколатларга доир қонуности ҳужжатлари ва судларнинг ваколатли қарорларини ўз ичига олган **бирламчи манбалар**.

Юридик шарҳлар, тезислар, луғатлар, энциклопедиялар ва кўрсаткичлар каби қонунга ҳавола келтирувчи ва унга алоқадор бўлган, лекин ўзи бирламчи манба ҳисобланмайдиган **иккиламчи манбалар**.

2. **Тайёргарлик босқичи** танланган муаммо бўйича адабиётларни ўзлаштириш ва тегишли юридик амалиётни ўрганиш билан боғлиқ. Аввал ўқув адабиётлари, кейин эса энг сўнгги илмий нашрларга ўтиш алгоритмига риоя қилиш керак. Ушбу босқичда тадқиқот режаси ва мавзусини ўзгартириш, ишнинг дастлабки хулосалари келтирилган парчаларни тақдим этиш мумкин.

Адабиётларни ўзлаштиришда китоб ўқишнинг икки усулидан фойдаланиш мумкин, булар китоб мазмуни билан кўз югуртириб танишиб чиқиш ва матнни чуқур ўрганишдир.

Кўз югуртириб чиқиш орқали сиз китоб билан умумий маънода танишишингиз мумкин. Бундай “қидирувга асосланган” ўқиш натижасида китоб керакли маълумотларни ўз ичига олганлиги ва уни синчковлик билан ўрганиш талаб этилиши мумкинлиги аниқланиши мумкин.

Матнни пухта ўрганиш нафақат уни тўлиқ ўқиш, балки ўқилганларни ўзлаштириш, англаш ва батафсил таҳлил қилишдан иборат. Адабиётни ўқиётганда нотўғри ёки ноаниқ талқин қилиниши мумкин бўлган барча тушунчалар ва атамаларни аниқлаб олиш муҳимдир.

ТАВСИЯЛАР

Ахборотни самарали равишда қайта ишлаш (ўрганиш, эслаб қолиш ва таҳлил қилиш) учун қуйидагилар тавсия этилади:

1. Аниқ кўрсатма, **яъни ўқишдан кўзда тутилган мақсадни белгилаш**. Бундай психологик омил фикрлашни фаоллаштиради, ўрганилаётган нарсаларни тушунишга ёрдам беради, аниқроқ идрок қилишга туртки беради.
2. **Илҳом**, у ижодий ёндашувга асосланади ва ахборотни қайта ишлаш самарадорлигини оширади. Илҳом замирида машаққатли меҳнат туриши керак. Тадқиқотчи тадқиқот ўтказиш кўникмаларига ҳам, ўзига хос равишда фикрлаш кўникмаларига ҳам эга бўлиши керак
3. **Диққат ва уни жамлаш**. Ишлаш жараёнида диққатни чалғитувчи ва тез чарчашга олиб келадиган турли хил омилларни (шовқин, атрофдаги суҳбатлар, ўз фикрлари ва бошқаларни) истисно қилиш керак.
4. **Қатъийлик ва изчиллик**. Бу, айниқса, қийин, янги мураккаб матнни ўқишда зарурдир. Материални тўлиқ англаб етишга эришиш учун ўқиш ва қайта ўқиш керак.

Илмий-техник маълумотларни ишлаб чиқишда кўчирмалар, қисқача шарҳлар ва конспектлардан фойдаланилади.

Кўчирмалар – алоҳида маълумотлар парчаларининг қисқача (ёки тўлиқ) мазмуни. Уларнинг аҳамияти жуда юқори, улар кўплаб маълумотларни кичик ҳажмда тўплаш имконини беради ва кейинги ижодий фаолият учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қисқача шарҳ (аннотация) бу – бирламчи манбада келтирилган маълумотларнинг ихчамлаштирилган мазмунидир. Уларнинг ёрдамида матнни хотирада тезда тиклаш мумкин.

Конспект – муайян бирламчи манбада келтирилган маълумотларнинг мазмунини батафсил баён этиш. У мазмунан тўлиқ ва ҳажм жиҳатидан имкон қадар қисқароқ бўлиши керак. Конспект ўз сўзларингиз билан тузилиши керак, бу ўқилган нарсаларни тушуниш ва таҳлил қилишни талаб этади, шунинг учун ижодий ишда катта фойда келтиради.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УЧУН ОНЛАЙН ҚИДИРУВ ТИЗИМЛАРИ

Тадқиқотнинг бу босқичида қидирув тизимлари (маълумотлар базалари)дан фойдаланиш, билиш ва тегишли кўникмаларга эга бўлиш муҳим эҳамиятга эга.

Халқаро қидирув тизимлари орасида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: **West-law International**⁷⁴, **HeinOnline**⁷⁵, **LexisNexis**⁷⁶, **JSTOR**⁷⁷.

3. Эмпирик босқич ўрганилаётган муаммонинг тарихини, унинг ўрганилмаган ёки етарли даражада ўрганилмаган томонларини аниқлаш билан боғлиқ. Кўп жиҳатдан бу олдинги босқичдаги ишларнинг, кузатишлар, статистик маълумотларни, янги нашрларни ўрганиш ва бошқалар натижасидир. У энг тўлиқ эмпирик маълумотлар базасини тўплаш билан якунланиши керак.

4. Назарий босқич ўрганилаётган ҳуқуқий ҳодисаларнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини очиқ беради, ушбу босқичда қонунчилик ва юридик амалиётни такомиллаштириш бўйича умумий хулосалар ва таклиф-

⁷⁴ Тизим ҳақида ушбу ҳаволада батафсил: <https://www.westlawinternational.com/about-us/>

⁷⁵ Тизим ҳақида ушбу ҳаволада батафсил: <https://home.heinonline.org/>

⁷⁶ Тизим ҳақида ушбу ҳаволада батафсил: <https://www.lexisnexis.com/en-us/academic-solutions/law-students.page#section-0>

⁷⁷ Тизим ҳақида ушбу ҳаволада батафсил: <https://www.jstor.org/>

лар ишлаб чиқилади, назарий муаммоларга янги ёндашувлар белгилаб берилади. Шунингдек, тутиш керакки, асарнинг таркибий қисмлари ҳам, **бутун илмий иш ҳам тадқиқотнинг янгилигини ва муаллифнинг шахсий ҳиссасини акс эттирувчи муаллиф хулосаларисиз бўлиши мумкин эмас.**

5. Тадқиқот натижаларини баён этиш ва шакллантириш босқичи тадқиқот матнини маълум талабларга мувофиқ узил-кесил тузиш билан боғлиқ. Шунингдек олиш керакки, бу расмий босқичдир, аммо у муаллифнинг илмий жиҳатдан поклиги ва тўғрилигини акс эттирувчи энг муҳим босқич ҳисобланади (адабиёт ва манбаларга оид чиқиш маълумотлари, иқтибосларнинг тўғри келтирилиши ва бошқалар). Босқич ишнинг композицияси (тузилиши, ички тузилмаси)ни аниқлаш, сарлавҳа, боблар ва хатбошилар сарлавҳаларига аниқлик киритиш, қўлёзма лойиҳасини тайёрлаш ва уни таҳрирлаш, матнга шакл бериш, шу жумладан, фойдаланилган адабиётлар ва иловалар рўйхатини тузишни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий тадқиқотнинг ушбу босқичида қуйидагиларга эътибор беринг:

Далилнинг янгилиги. Агар муаллиф таҳлилий мақола ёзаётган бўлса (тавсифловчи мақоладан фарқли ўлароқ, масалан, ишнинг қисқача баёни), янги далил келтирилиши керак. Бу янги назария ёки чуқур кузатув бўлиши шарт эмас, шунчаки муаммога нисбатан бошқача қараш бўлиши керак.

тузилманинг мавжудлиги. Тузилма кириш, тегишли ҳуқуқий тамойиллар ва контекстни тушунтириш, сўнгра асосий таҳлилий қисмга ўтишни назарда тутди. Мақолада асосий фикрларни умумлаштирувчи ва далиллар қисқа шаклда баён этилган хулоса бўлиши керак. Хулоса янги материални киритмаслиги, лекин ишнинг энг муҳим қисмларини ажратиб кўрсатиши зарур. Агар муаллиф томонидан муайян таклифлар ёки тавсиялар берилган бўлса, улар хулосанинг бир қисми ёки хулосадан олдин келтириладиган алоҳида таркибий қисм бўлиши мумкин.

Юридик таҳлилни тузилмалаштиришнинг яхши методи **IRAC** муаммо (ҳуқуқий масалалар, шунингдек, тегишли фактлар/қисқача тарих), қоида (тегишли қонун қоидалари), таҳлил ва хулоса методига амал қилишдир. IRAC формати кўпроқ иш бўйича қайдлар учун тавсия этилган бўлса-да, у мақолалар, блоглар ёки шарҳлар орқали ҳар қандай ҳуқуқий таҳлил учун фойдали қўлланма бўлиши мумкин.

Аниқлик. Мавзу/далилнинг мураккаблигини унинг ифодаси билан чалкаштириб юбориш кенг тарқалган хатолардан биридир: далил кўп қиррали ёки мураккаб бўли-

ши мумкин, аммо далилнинг ифодаси аниқ бўлиши керак. Аниқлик оддий сўзлар ва жумлалардан фойдаланишни ўз ичига олади. Гапдаги тиниш белгиларини минималлаштириш ва узун гапларни имкон қадар ишлатмаслик лозим. Таҳрирлашда фикрни соддароқ ёки камроқ сўз билан ифодалаш мумкинми деб ўзингиздан сўранг. Юридик тушунчанинг аниқлиги ва тўғрилигини кафолатлаш учун ҳар доим техник атама ёки иборани ишлатиш керак бўлса-да, умумий ғоялар оддий тил ёрдамида етказилиши керак. Амалий ёки замонавий ҳуқуқий ишланмаларни тавсифлашда фалсафий иборалардан фойдаланиш кенг тарқалган хатодир. Асосий мақсад – аудиторияга маълум бир фикрни етказиш. Шундай қилиб, **муаллиф далилни тушунтиришни кесаксиз такрорлаш ёки тавсифлашларсиз, етарли даражада тафсилотлар келтириш** орқали мувозанатлаши керак. Кенг тарқалган хато айнан бир хил фикрни ўқувчи эслаб қолади деган умидда турли йўллар ёки жумлалар билан такрорлашдир. Гарчанд бу далилни ишлаб чиқиш ёки биринчи қораламани (лойиҳани) ёзиш учун яхши стратегия бўлиши мумкин бўлса-да, якуний қисмда фақат энг яхши ва энг самарали жумлалар келтирилиши керак. Агар ғоя такрорлашга лойиқ бўлса, уни кириш ёки хулосада ажратиб кўрсатиш мумкин. Хатбошилар пухта ўйлаб тузилган бўлиши, улар ҳаддан зиёд узун бўлмаслиги ва ҳар бир хатбоши марказий мавзу ёки мақсадга эга бўлиши керак. Улар орасидаги мантиқий муносабатлар таъминланиши зарур.

Жалб қилиш. Муаллифлар ўзларининг матнлари қизиқиш уйғотишига ишонч ҳосил қилишлари муҳим. Бу мураккаб тил ёки тузилмадан фойдаланишни англамайди, аксинча, матн асосий далилдан келиб чиқаётгани ва унга яқинлашаётганига ишонч ҳосил қилинг. Ҳатто матннинг таҳлилий бўлмаган қисмлари, масалан, кириш ёки қисқача тарих, “асосий назария” ёки марказий далилга мослаштирилиши керак. Шундай қилиб, кириш танланган ҳуқуқ соҳасига умумий кириш эмас, балки муаллиф тегишли қонунлар ва тамойиллар контекстида ўтказмоқчи бўлган далил/таҳлилга кириш бўлиши керак. Шунинг учун ёзишни бошлашдан олдин (юқорида тушунтирилганидек) янги далил ёки ғояга эга бўлиш муҳим. Бусиз матн тушунарсиз бўлиб кўринади ва ўқувчи эътиборини ўзига жалб қилмайди. Юридик адабиётни, айниқса, у кўпроқ назарий мавзуга бағишланган бўлса, қизиқарли қилишнинг яна бир усули тегишли мисоллар келтиришдир.

Бу ҳар бир модда учун мос келмаслиги мумкин, аммо қонуний прецедентлар, реал ҳаёт ёки ҳатто гипотетик мисоллар орқали далилларингизнинг амалий жиҳатларини аниқлаштириш мураккаб, саволни содда, тушунарли таркибий қисмларга ажратишга ёрдам беради. Бундан ташқари, матнга тушириш матн зерикарли ёки монотон бўлиши керак дегани эмас.

Муаллиф томонидан муайян масала бўйича далил ва танқидларга аниқлик кирити-лиши. Масалан, маълум бир қонун салбий оқибатларга олиб келади дейишнинг ўзи етарли эмас – муаллиф қонун жамиятнинг қайси қисмига қандай таъсир кўрсатиши ва нима учун бу статус-кводан ёмонроқ эканлигини кўрсатиши керак. Агар далил муайян ҳуқуқ қандай бузилиши билан боғлиқ бўлса, нима учун бу ҳуқуқ муҳимли-гини (интуитив равишда тушунарли бўлса ҳам) ва нима учун бу ҳуқуққа нисбатан чекловларни қўллаб бўлмаслигини тушунтиринг. Муаллифлар, шунингдек, асоссиз шахсий фикрларни танқид ниқобига солишдан йироқ бўлишлари керак. Қонун ёки амалиётни танқид қилиш субъектив ғоялардан келиб чиққан бўлса ҳам, айрим ҳу-қуқий тамойилларга асосланиши зарур. Бундан ташқари, танқид оҳанги нейтрал бўлиши керак. Ёзув услуби, ҳатто муаллиф қатъий позицияни эгаллаган бўлса ҳам, тажовузкор тус олмаслиги керак.

НИМАЛАРНИ ЁЗМАСЛИК КЕРАК?

Тавсифловчи қисмлар. Тавсифловчи қисм – шунчаки ҳуқуқий масалани ёки воқеа-ларнинг яқин оралардаги ривожланишини тавсифловчи, ҳуқуқнинг муайян соҳаси-даги маълум муаммоларни такрорловчи ёки умумий танқидий таҳлилни берувчи қисм (юқорида тавсифланганга ўхшаш).

Муаммо ҳақида маълумот бериш муҳим бўлса-да, соф тавсифловчи мақолалар ав-валдан мавжуд бўлган адабиётга янги ўлчов қўшмаганлиги сабабли рад этилиши мумкин.

Хулоса. Муаллифлар, шунингдек, газеталарда кўп учрайдиган ва юридик матнларни ёзиш учун мос бўлмаган юридик воқеалар ёки суд прецедентлари тўғрисида хулоса ёзишдан тийилишлари керак.

Таъкидлар. Юридик таҳлилда кенг тарқалган хато бу – муайян амалиёт бошқа юрис-дикцияларда қўлланилганлиги ёки суд амалиёти ё мақолаларда тавсия этилганига оид мисоллар келтиришдир. Мисоллар фойдали бўлса-да, улар нима учун бу яхши мисол эканлиги, нима учун Х мамлакати бу амалиётга амал қилиши ва муаллиф на-зарда тутган муаммо ёки жамиятга қанчалик ўхшашлигини таҳлил қилиш билан қўл-лаб-қувватланиши керак. Бундай таҳлилсиз далил шунчаки таъкид бўлиб қолади.⁷⁸

⁷⁸ Guide to Legal research and writing. The Contemporary Law Forum. Available at <https://tclf.in/wp-content/uploads/2020/07/Legal-Research-and-Writing-Guide-1.pdf>

Шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказиш учун асосий кўникма маълумотлар билан ишлаш қобилияти, яъни маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва талқин қилиш қобилиятидир.

Маълумот тўплаш маълумотларни тўплаш учун фойдаланиладиган усулни танлашни ўз ичига олади. Тадқиқотнинг тақдири ана шунга боғлиқ. Тегишли усулни аниқлаш учун тадқиқотчи тадқиқотнинг мақсадлари ва тадқиқот ҳажмини ёдда тутиши керак. Маълумотлар тури жиҳатидан асосий ёки иккиламчи бўлиши мумкин. Бирламчи манбалардан тўпланган маълумотлар бирламчи маълумотлар ҳисобланади. Бошқа у ёки бошқа агентликдан олинган ё ҳар қандай нашр этилган шаклда мавжуд бўлган маълумотлар иккиламчи манбалардир. Маълумотлар долзарб ва нуфузли бўлиши керак ва бу биринчи навбатда тадқиқот саволининг кўлами ҳамда йўналишига боғлиқ.

Маълумот тўплашдан кейинги вазифа уни **таҳлил** қилишдир. Хом маълумотлар уларнинг йўналиши ва тенденцияни акс эттириш учун таҳлил қилиниши керак. Таҳлил талқин қилишдан олдин келади. Уларнинг ўртасида аниқ чегара йўқ, чунки таҳлил талқин қилинмасдан тўлиқ бўлмайди ва талқин таҳлилдан олдин бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, улар ўзаро боғлиқдир. Таҳлил таснифлаш ва категориялаштириш (маълумотларни ўхшашлиги ёки турдошлигига қараб синфларга тақсимлаш), кодлаш (ҳар бир синфга ҳисоблаш ёки жадваллаш учун белгилар ёки рақамларни белгилаш) ва жадваллаш (маълумотларни керакли қаторларга ва устунларга тақсимлаш каби жараёнларни ўз ичига олади, бу ўзгарувчи қийматлар ўртасидаги нисбатни кўрсатиши, шунингдек, қиёслашни осонлаштириш мумкин).

Маълумотларни талқин қилиш бу – тўпланган маълумотлар асосида олинган хулосалардир. У индуктив ёки дедуктив бўлиши мумкин. Индуктив алоҳида жумлалардан умумий жумлаларга хулоса, дедуктив умумий жумладан алоҳида жумлаларга хулосадир. Талқин тадқиқот натижаларига кенгроқ маъно касб этади, шунингдек, янги тадқиқотларнинг бошланишига туртки беради. Бироқ маълумотларни талқин қилиш масаласида эҳтиёт бўлиш керак, улар холис бўлиши лозим. Нотўғри талқин мавҳум ва нотўғри (чалғитувчи) хулосаларга олиб келиши мумкин.

4.3. ИЛМИЙ, ЎҚУВ ВА БОШҚА ТУРДАГИ НАШРЛАР

Илмий тадқиқот натижаси илмий ёки бошқа турдаги илмий нашрлардир. Бугунги кунда илмий нашрлар илмий жамоада ўз мавқеини эришишга ёки уни тасдиқлашга интилаётган ҳар қандай мутахассис фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва унинг натижалари тарқатилиши ва бошқа олимлар томонидан баҳоланиши керак. Илмий тадқиқотлар натижалари билан танишиш илмий нашрлар орқали амалга оширилади. Илмий ишнинг аҳамияти нашр чоп этилганидан кейин дарҳол аниқланиши ёки бир неча ўн йиллар ўтгач баҳоланиши мумкин.

Назарий ва (ёки) тажрибавий тадқиқотлар натижалари, шунингдек, нашр қилиш учун илмий жиҳатдан тайёрланган маданият ёдгорликлари ва тарихий ҳужжатларни ўз ичига олган нашр илмий нашр ҳисобланади.

Илмий нашрлар қуйидаги турларга бўлинади: монография, диссертация, автореферат, препринт, илмий мақолалар тўплами, илмий конференция материаллари, мақолалар, илмий конференция учун мўлжалланган маъруза тезислари, илмий-оммабоп нашр.

Монография – битта муаммо ёки мавзуни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганишни ўз ичига олган ва бир ёки бир неча муаллифга тегишли бўлган илмий ёки илмий-оммабоп китоб нашри.

Диссертации автореферати – илмий даража олиш учун тақдим этилган муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотнинг авторефератини ўз ичига олган рисола кўринишидаги илмий нашр.

Препринт – дастлабки характердаги материалларни ўз ичига олган илмий нашр, улар жойлаштирилиши мумкин бўлган нашр чиқишидан олдин чоп этилади.

Илмий мақола – муаллифнинг олиб борилган илмий тадқиқотларни тавсифловчи оригинал асари. Муаллифнинг муайян илмий вазифа ёки муаммони далиллар асосидаги тушуниши ёки талқини ва уни илмий континиум доирасида ҳал қилиш йўллари акс эттиради.

Илмий ишлар тўплами – илмий муассасалар, таълим муассасалари ёки илмий жамиятларнинг тадқиқот материалларини ўз ичига олган тўплам.

Илмий анжуман материаллари – илмий анжуман натижалари (дастурлар, маърузалар, тавсиялар, қарорлар)ни ўз ичига олган илмий даврий бўлмаган тўплам.

Илмий анжуман маърузаларининг (хабарларининг) тезислари – анжуман ўтказилишидан олдин нашр этиладиган дастлабки характердаги материаллар (тезислар, маъруза тезислари ва (ёки) хабарлар)ни ўз ичига олган илмий даврий бўлмаган тўплам.

Илмий-оммабоп нашр – фан, маданият ва технологиялар соҳасидаги назарий ва (ёки) тажрибавий тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, мутахассис бўлмаган ўқувчилар учун қулай шаклда тақдим этилган нашр.

Илмий нашрлардан ташқари ўқув нашрлари ҳам мавжуд.

Ўқув нашри – илмий ёки амалий характердаги тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган, ўқитиш ва ўқиш учун қулай шаклда тақдим этилган, турли ёшдаги ва таълим даражасидаги ўқувчилар ва талабалар учун мўлжалланган нашр.

Ўқув нашрларининг турлари: дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланма ва бошқалар.

Дарслик – ўқув режасига мос келадиган ва ушбу турдаги нашр сифатида расман тасдиқланган ўқув фанининг (унинг бўлими, қисми) тизимли баёнини ўз ичига олган ўқув нашри.

Ўқув қўлланма бу – нашрнинг ушбу тури сифатида расман тасдиқланган дарсликни тўлдирадиган ёки қисман (тўлиқ) ўрнини босадиган ўқув нашридир.

Ўқув-услубий қўлланма – ўқув фанини (унинг бўлими, қисми) ўқитиш услубияти ёки тарбиялаш услубияти бўйича материалларни ўз ичига олган ўқув нашри.

Маълумотнома нашри – илмий ёки амалий характердаги қисқача маълумотларни ўз ичига олган, уларни тез излаш учун қулай тартибда жойлаштирилган, узлуксиз ўқиш учун мўлжалланмаган нашр. Булар луғатлар, энциклопедиялар, махсус маълумотномалар ва бошқалардир.

Ахборот нашри – илмий ва ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот, шу жумладан ИТА органлари томонидан чиқарилган ҳужжатлар (нашр қилинган, нашр этилмаган, нашр этилмайдиган) ёки бирламчи манбаларда тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижалари тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган нашр.

Библиографик нашр – тартибга солинган библиографик қайдлар (тавсифлар) тўпламини ўз ичига олган ахборот нашри.

Шарҳли нашр – бир ёки бир нечта шарҳлар нашр этилган, шу жумладан, манбаларда тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижаларини ўз ичига олган ахборот нашри.

Нашрлар даврий бўлмаган, даврий ва доимий бўлиши мумкин.

Даврий бўлмаган нашр бир марта нашр этилади ва унинг давом этиши олдиндан кўзда тутилмайди. Булар китоблар, брошюралар, варақалардир.

Китоб – 48 саҳифадан зиёд бўлган китоб нашри.

Рисола – ҳажми тўрт саҳифадан зиёд, лекин 48 саҳифадан ортиқ бўлмаган китоб нашри.

Ҳажми бир саҳифадан тўрт саҳифагача бўлган **матнли нашр варақалар** деб аталади.

Даврий нашрлар маълум вақт оралиғида, ҳар бир йил учун доимий миқдордаги сонлар билан, мазмуни бўйича такрорланмайдиган, бир хил андазадаги, рақамланган ва (ёки) санаси кўрсатилган, бир хил номга эга бўлган ҳолда нашр этилади. Бу газеталар, журналлар, бюллетенлар, ахборотномалардир.

Газета – қисқа вақт оралиғида чоп этиладиган, долзарб ижтимоий-сиёсий, илмий, ишлаб чиқариш ва бошқа масалаларга оид расмий материаллар, маълумотлар ва мақолалар, шунингдек, адабий асарлар ва рекламаларни ўз ичига олган даврий нашр.

Журнал – турли ижтимоий-сиёсий, илмий, ишлаб чиқариш ва бошқа мавзулардаги мақолалар ёки рефератлар, доимий устунли адабий ва бадиий асарларни ўз ичига олади, ушбу нашр тури сифатида расман тасдиқланган даврий нашрдир.

Бюллетень ва ахборотнома – даврий ёки доимий нашр бўлиб, тезкор равишда чиқарилган, уни чиқарувчи ташкилот тасарруфидаги масалалар бўйича қисқача расмий материалларни ўз ичига олади. Шунингдек, қоғоз шаклида бўлмаган, ноанъанавий манбалар мавжуд: кинофильмлар, видеофильмлар, микрофильмлар, магнит ва оптик дисклар ва бошқалар.

Бюллетень (ахборотнома) – уни чиқарувчи ташкилотнинг ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича қисқача расмий материалларни ўз ичига олган, зудлик билан чиқариладиган даврий ёки давомли нашр. Қоғоз бўлмаган, ноанъанавий манбалар ҳам мавжуд, булар: фильмлар, видеофильмлар, микрофильмлар, магнит ва оптик дисклар ва бошқалар.

Илмий нашрларнинг аҳамияти шундаки, улар фаннинг ҳолатини акс эттиради ва **илмий коммуникация** воситаси сифатида хизмат қилади. Ҳозирги вақтда илмий жамоатчиликни тадқиқот натижаларининг тўлиқ алмашинувисиз, мунозараларсиз, замонавий илм-фан ривожланишининг долзарб масалаларини муҳокама қилмасдан тасаввур қилиш қийин.

A hand holding a pen over a stack of papers, with a blue overlay. The background is a blurred office setting with a window. The text is overlaid on the left side of the image.

5-БОБ

ҲУҚУҚИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР
МЕТОДОЛОГИЯСИ
ВА ЯНГИ
ТЕНДЕНЦИЯЛАР

5.1. ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР УСУЛЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

Фан ҳодиса сифатида ниҳоятда кўп қирралидир. Ҳар қандай ҳолатда фан ҳақида гапирганда унинг камида учта асосий жиҳати борлигини ёдда тутиш керак, ҳар бир алоҳида ҳолатда сўз нима ҳақида бораётганини аниқ ажратиш керак:

- **фан ижтимоий институт сифатида** (олимлар жамоаси, илмий муассасалар ва илмий хизмат тузилмалари мажмуаси);
- **фан натижа сифатида** (илмий билимлар);
- **фан жараён сифатида** (илмий фаолият).

Фан ҳақида жараён (илмий фаолият) сифатида гапирганимизда сўз авваламбор илмий тадқиқот методологияси ҳақида боради.⁷⁹ Британиялик файласуф Ф. Бекон (1561 – 1626) бу усулни чироқ билан таққослаб, ҳатто йўлда чироқ билан юрган чўлоқ одам ҳам йўлсиз юрган одамдан устун келишини таъкидлаган.

Фан методи (юнонча μέθοδος – “изланиш, билиш йўли”) – унинг предмети қандай (қай тарзда ва нималар ёрдамида) ўрганилиши ҳақида. Умумий маънода, **метод** бу – билимни қўлга киритиш, фактларни олиш ва уларни талқин қилиш усули, воқеликни амалий ва назарий равишда ўзлаштириш учун мўлжалланган усуллар ёки амалиётлар тўпламидир.

Унга қуйидагилар киради:

- услублар (қандай қилиб?);
- техника (нима ёрдамида?);
- ўрганиш воситалари (нима орқали?).

Метод тушунчасини илмий тадқиқотлар техникаси, тартиб-таомили ва методикаси тушунчаларидан ажратиш керак.

⁷⁹ Новиков А.М., Новиков Д.А. Илмий тадқиқот методологияси. – Б. 28.

Тадқиқот техникаси деганда маълум бир усулни қўллаш учун махсус техникалар йиғиндиси тушунилади, **тадқиқот тадбир-таомили** эса маълум ҳаракатлар кетма-кетлиги, тадқиқотни ташкил этиш усулидир.

Методика бу – билиш усуллари ва услублари мажмуидир. Ҳар қандай илмий тадқиқот муайян усул ва услублар ёрдамида, маълум қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

“Методология” тушунчасини метод ва методика тушунчаларидан ажратиш керак. Ҳар қандай илмий тадқиқот методологияни ишлаб чиқишдан бошланади. **Адабиётда “методология” тушунчаси икки хил маънода қўлланилади:**

- ҳар қандай фаолият соҳасида (фан, сиёсат ва бошқалар) қўлланиладиган методлар тўплами;
- билишнинг илмий усули ҳақидаги таълимот, ушбу услублар, усуллар ва қоидалар тизими ҳақидаги таълимот.

Методология бу – илмий тадқиқотларни ишлаб чиқишда қабул қилинган методлар, усуллар, услублар ва уларнинг кетма-кетлиги, аниқ тадқиқот вазифасини ҳал қилиш схемаси, режасидир. Шу билан бирга, методологияни методларнинг ўзига ёки методлар ҳақидаги таълимотларга тақайдиганлар янглишади. **Методология** (юнонча *methodos* – тадқиқот ва *logos* – сўз) – тузилма, мантиқий тузилма, фаолият методлари ва воситалари ҳақидаги таълимот.⁸⁰


Одатда, методларнинг қуйидаги турлари бўлади:

1. **Фалсафий (универсал, умумий, илмий)** дунёқарашга оид, мафкуравий позицияларга, қонун ўрганиладиган концептуал ёндашувларга асосланади.
2. Ҳуқуқшуносликнинг барча бўлимларига тааллуқли, шунингдек, бошқа гуманитар фанларда ҳам қўлланиладиган ва ўрганиш предметига нисбатан умумий ёндашувларни, фалсафий ёндашув доирасида майян билим жараёнини ташкил қилишни белгилайдиган **умумий метод**. Бинобарин, бу бошқа гуманитар фанлар доирасида ишлаб чиқилган, аммо ҳуқуқшунослик соҳасига мослаштирилган методлардир.
3. Фаннинг бази бўлимларига тааллуқли бўлган ва муайян билимларни олиш имконини берувчи **махсус методлар** тадқиқот предметининг мазмунини акс эттиради. Улар бошқа гуманитар фанлар доирасида ҳам, ҳуқуқшунослик доирасида ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Иккинчи ҳолда баъзида **шахсий методлар** ҳақида гапирилади, аммо бундай фарқни ўтказиш жуда қийин.

⁸⁰ Илмий тадқиқот методологияси ва методикаси: ўқув қўлланма / И. Л. Честнов. – Санкт-Петербург: Россия Федерацияси Прокуратураси университетининг Санкт-Петербург юридик институти (филиали), 2018. – 124 б.

4. **Хусусий методлар.** турдош фанларда қўлланилиши, билиш объекти ва шартларига боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эгаллиги боис хусусий деб аталади.

Кўриниб турибдики, ҳозирда ҳеч қайси метод универсалликка даъво қила олмайди ва улардан плюралистик равишда фойдаланиш керак.



А) ФАЛСАФИЙ (УМУМИЙ) МЕТОДЛАР

Умумий (фалсафий) методлар орасида энг кенг танилгани **диалектик методдир**. Бу методларни турли фалсафий тизимлар билан боғлаш мумкин. **Фалсафий (умумий) методлар объектлар ва ҳодисаларни ўрганишда диалектика қуйидаги тамойилларга таянишни тавсия қилади:**

Объектлар ва ҳодисаларни ўрганишда диалектика қуйидаги тамойилларга асослашни тавсия қилади:

1. Ўрганилаётган объектлар ва ҳодисаларни ўрганишда диалектика қонунлари нуқтаи назаридан қараш. Ушбу қонунлар қуйидагилардир:
 - а) қарама-қаршиликлар бирлиги ва ўзаро кураши;
 - б) миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши;
 - в) инкорни инкор қилиш.

Биринчи қонун: қарама-қаршиликлар бирлиги ва ўзаро кураши қонуни. Бу қонунга кўра, ҳар қандай объектнинг ўзгариш ва ривожланиш манбаи унинг ўзида ётади. Ушбу қонун ҳар қандай объектни бир-бирига бевосита мос келмайдиган элементларни ўз ичига олган мураккаб тузилма сифатида қабул қилишни таклиф этади. Қарама-қарши кучлар, хусусиятлар, қарамликларнинг боғланиши (кураши) орқали дунёнинг барча объектлари, жумладан, ижтимоий тизимлар, шахс ва унинг маънавияти ривожланади.

Иккинчи қонун: миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши қонуни. “Хусусият” тушунчаси ушбу қонуннинг дастлабки тушунчаси бўлиб хизмат қилади. Хусусиятлар объектларнинг ўхшашлиги ёки фарқини кўрсатади. Ҳар қандай объект кўплаб турли хил хусусиятларга эга:

- сифат бу – объектнинг ўзи билан бир хил ўзаро мослик ҳолатини белгиловчи асосий хусусиятлари тўплами. Ушбу хусусиятлардан камида биттаси йўқолиши натижасида нарса ўзлигини йўқотади, дастлабки аниқлигини йўқотади ва бошқа мақомга эга бўлади;
- миқдор бу – объектдаги ўзгариш ҳажмидир. Кўпинча, лекин ҳар доим эмас, бу ҳажмни рақамлар билан ифодаласа бўлади;
- меъёр бу – миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келадиган чегарадир;
- бир сифатдан иккинчисига ўтиш “сакраш” деб аталади.

Шундай қилиб, миқдор ўзгаришлари ва сифат ўзгаришларининг ўзаро муносабати орқали дунёдаги барча объектларнинг ривожланиши содир бўлади. Агар одамлар

ижтимоий тузилишда, техникада ёки ўз хусусиятларини шакллантиришда сифат ўзгаришларига эришмоқчи бўлса, унда тегишли миқдор ўзгаришларидан, яъни ижтимоий маданиятнинг босқичма-босқич ўзгариши, илмий билимларни тўплаш, шахсий тайёргарлик ва меҳнатсеварликдан бошқа йўл йўқ. Жамиятнинг ҳар қандай соҳасида юқори миқдор кўрсаткичларига эришиш учун биринчи навбатда ривожланишнинг маълум бир сифат даражасига эришиш керак.

Учинчи қонун: инкорни инкор этиш қонуни. Ривожланиш объектнинг эски ҳолатини янги билан, янги ҳолатини эса энг янги билан инкор этиш орқали содир бўлади, бунинг натижасида ривожланиш ўзида узлуксизлик ва даврий хусусиятларни бирлаштиради. Ривожланаётган ҳар қандай объект муқаррар равишда инкор этиш босқичига етади, яъни у сифат жиҳатидан ўзгаради. Тўлиқ инкор этиш – сифатнинг қарама-қаршиликка ўзгариши. Икки қарра тўлиқ инкор (инкорни инкор этиш) эскига “гўё қайтиш” ҳолатидир: ҳар бир ҳодиса ўзинкорга айланади, лекин кейин яна инкор содир бўлади; натижада учинчи босқич биринчисига формал ўхшашликка эга бўлади. Агар ривожланиш бўлмаса, у ҳолда ўзгаришлар изчил давом этади. Шундай қилиб, бу қонун эски ва янгининг ривожланишдаги боғлиқлигини, уларнинг кураши ва ўзаро ўзгаришини намойиш этади. Ҳар бир пайдо бўлган янги нарса эртами-кечми эскиради ва йўқолади.

2. Ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик; мазмун ва шакл; моҳият ва ҳодиса; имконият ва ҳақиқат; зарурий ва тасодифий; сабаб ва оқибат фалсафий категориялари асосида тавсифлаш, тушунтириш ва прогноз қилиш.
3. Тадқиқот объектига объектив воқелик сифатида қараш.
4. Ўрганилаётган объект ва ҳодисаларни: а) ҳар томонлама; б) универсал боғлиқликда ва ўзаро боғлиқликда; в) доимий ўзгаришда, ривожланишда; д) муайян тарихий жиҳатдан кўриб чиқиш.
5. Олинган билимларни амалда синаб кўриш.

Б) УМУМИЙ МЕТОДЛАР

Умумий методларга қуйидагилар киради:

1. **Қиёсий метод** – қиёсласа бўладиган ҳуқуқий тушунчалар, ҳодисалар, жараёнларни таққослаш ва улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашга асосланган.
2. **Тарихий метод** – аниқ тарихий материални ўрганиш ва ҳуқуқий ҳодисаларнинг пайдо бўлишидан ҳозирги ҳолатгача бўлган эволюциясини ўрганишга асосланади.

3. Таҳлил ва синтез методи:

а) таҳлил – бутунни қисмларга ажратиш ва унинг тузилиши ва тизимини аниқлаш, уни ташкил этувчи предметлар ва ҳодисаларни таснифлаш. Бу, масалан, ҳуқуқий норманинг таркибий элементларини (гипотеза, диспозиция, санкция), меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг таркибий элементларини, ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг таркибий қисмларини ва бошқаларни аниқлаш имконини беради;

б) синтез – таҳлил натижасида аниқланган қисмларнинг бир бутунга бирлаштирилиши. Бу янги тушунчаларни яратиш (“синтезлаш”) имконини беради. Синтез натижаси ўлароқ, масалан, “ҳуқуқий давлат”, “ҳуқуқий тартиб”, ҳуқуқий тизимлар (оила) ва бошқа тушунчалар келиб чиққан.

4. Ҳуқуқшуносликда мантиқий тадқиқот методи

Мантиқий метод давлатлар, уларнинг ҳуқуқий тизимлари ва юридик ҳодисалар формал мантиқ ёрдамида тадқиқ қилинишини назарда тутди. Ушбу методологияда усул сифатида дедукция ва индукция, аналогия ва айният тамойиллари қўлланилади.

Индукция ва дедукция методлари:

а) индукция – умумий билимларнинг алоҳида билимлар асосида олиниши. Шундай қилиб, бир қатор алоҳида субъектларнинг хусусиятларини билиш орқали уларнинг умумий хусусиятларини билиб олишимиз мумкин;

б) дедукция – умумий билимлар асосида алоҳида билимга ўтиш. Эслатиб ўтамиз, Артур Конан Дойл ҳикоялари қаҳрамони изқувар Шерлок Холмс жиноятларни очишда дедукция методидан фойдаланган.

5. Ҳуқуқшуносликда тизимли тадқиқот методи

Тизимли методнинг бошида мураккаб ҳуқуқий ҳодисаларни ягона тизимнинг таркибий қисмлари сифатида ўрганиш ётади. Ушбу методология ўзаро таъсир қилувчи омилларни ўрганиш зарур бўлганда қўлланилади. Масалан, қонунни турли соҳалар, муассасалар ва норматив қоидалар тўплами сифатида кўриб чиқишда.

6. Ҳуқуқшуносликда функционал тадқиқот методи

Функционал метод доирасида тадқиқотчилар ҳуқуқий институтлар ва ижтимоий ҳодисаларнинг турли функцияларини, шунингдек, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини махсус ўрганадилар. Бу ўрганилаётган элементлар жамиятнинг қандай эҳтиёжлари ҳал қилинишини тушунишга ёрдам беради.

7. Ҳуқуқшуносликда тизимли-тузилмавий тадқиқот методи

Ҳуқуқшуносликда тадқиқотнинг тизимли-тузилмавий методи давлат-ҳуқуқий элементларни яхлит тизим ва иерархик тузилма сифатида ўрганишдир.

В) МАХСУС МЕТОДЛАР

Ҳуқуқшуносликда ҳуқуқий тадқиқот методлари орасида тор ихтисослашган методлар ажралиб туради. Улардан мураккаб юридик масалаларни тушуниш учун фойдаланилади.

Ҳуқуқшунослик тарихида махсус тадқиқот методлари қуйидагилардан иборат:

- *қиёсий-юридик метод;*
- *формал-юридик метод;*
- *ҳуқуқий герменевтика методи;*
- *ижтимоий-ҳуқуқий тажриба методи.*

Юриспруденцияда қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот методи

Қиёсий-ҳуқуқий метод ҳуқуқий маданиятни тизимли ва комплекс равишда ўрганади. Бунинг учун унинг доирасида турли амалиётлар бажарилиши мумкин:

- турли давлатларда қўлланиладиган юридик амалиётларни қиёсий таҳлил қилиш;
- алоҳида мамлакатларда ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишнинг турли мисолларини солиштириш;
- давлат институтлари ва ҳуқуқ меъёрларини вужудга келтирувчи ҳуқуқий аъналарни ўрганиш.

Ҳозирги вақтда интеграция жараёнлари табиий равишда кучайиб бораётган бир пайтда турли мамлакатларнинг ўхшаш давлат-ҳуқуқий институтларини ўз объекти қилиб олган қиёсий давлат ва ҳуқуқшунослик методларининг роли ортиб бормоқда.

Ушбу усулнинг асосчиси **Арасту (Аристотель)** бўлиб, у юз элликка яқин юнон ва варварлар шаҳарларининг конституцияларини таққослаган. Қиёсий тадқиқот методи ўз объекти сифатида икки ёки ундан ортиқ қиёсий ва ҳуқуқий тизимларнинг ўхшаш ёки бир-бирига яқин бўлган институтларига эга.

Қиёсий метод синхроник (синхрон) ва диахроник (қиёсий-тарихий) бўлиши мумкин.

Қиёсий ҳуқуқшунослик методи

- Қиёсий ҳуқуқшунослик методологияси (компаративистика) методларнинг жуда кенг захирасини ўз ичига олади, аммо етакчи, тизимни шакллантирувчи метод сифатида қиёсий ҳуқуқий метод тан олинган. У қуйидаги таққослаш усулларини ўз ичига олади.
- **1. Диахроник ва синхрон таққослаш.** Биринчи ҳолда ҳуқуқуқий тизимларни таққослаш вақт кетма-кетлиги тамойилига кўра тарихий хусусиятга эга. Бундай таққослаш ҳуқуқий ҳодисанинг умумий ривожланиш векторини аниқлаш, келажакда унинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш имконини беради. Синхрон таққослашнинг предмети бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган ҳуқуқий ҳодисалардир.
- **2. Норматив ва социологик (функционал) таққослаш.** Биринчиси ҳуқуқий догматик таҳлил, ўхшаш ҳуқуқий меъёрлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таққослашни англатади. Функционал (социологик) таққослаш норматив таққослашга қараганда кенгроқ масалалар доирасини қамраб олади. Бу усул ижтимоий муаммони аниқлаш, турли мамлакатлар қонунчилигида ушбу муаммони ҳал қилиш вариантларини таққослаш, ушбу муаммони ҳал қилишда ҳуқуқий воситаларни қўллаш амалиётини, бошланғич ижтимоий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий воситаларнинг самарадорлигини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Норматив ва функционал таққослаш кўпинча бирликда қўлланилади, қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар самарадорлигини таъминлайди.
- **3. Ташқи ва ички таққослаш.** Ташқи – миллий ҳуқуқ тизимини хорижий тизимлар ёки халқаро ҳуқуқ тизими билан таққослаш. Ички таққослаш битта ҳуқуқий тизим доирасида чекланган (масалан, федерал қонун ҳужжатларини федерация субъектларининг қонунчилиги билан таққослаш).

Қиёсий метод қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- *таққосланаётган институтларни алоҳида ўрганиш;*
- *аниқланган белгиларни уларнинг ўхшашликлари ва фарқлари нуқтаи назаридан таққослаш;*
- *натижаларини баҳолаш.*

Қиёсий ҳуқуқий ва давлатшунослик методи ўз моҳиятига кўра **комплекс** (бошқа хусусий ҳуқуқ методлари каби) бўлиб, у фалсафий асосга эга, аналогия методидан фойдаланади, у формал мантиқий, махсус ҳуқуқий ва бошқа методларни ўз ичига олади. Қиёсий ва ҳуқуқий ислохотларга эҳтиёж туғилганда ушбу методнинг аҳамияти орта-

ди. Шу билан бирга, қиёсий давлатшунослик ва ҳуқуқшунослик хорижий тажрибани ўйлашдан ўзлаштиришга ва у ёки бу миллий давлат ҳуқуқий тизимига механик тарзда ўтказилишига олиб келмаслиги керак.

Ҳуқуқшуносликда тадқиқотнинг формал ҳуқуқий усули

Формал юридик методни бошқача қилиб догматик метод деб аташади. Унинг ёрдами билан юридик фактлар, ҳодисалар ва матнлар ўрганилиб, улар махсус ишлаб чиқилган конструкциялар ва атамалар призмасидан ўтказилади.

Ҳуқуқшуносликда юридик герменевтика методи

Юридик герменевтика усули замонавий юридик фанда фаол ривожланиб бормоқда. Бу кўплаб омилларни ҳисобга олган ҳолда қадимий ҳуқуқий матнларни талқин қилишга ёрдам берувчи усулдир. Буларга қуйидагилар киради:

- *юридик матн тегишли бўлган давр маданияти ва тили;*
- *тавсифланган қонунлар яратилган яшаш шароитлари;*
- *матнда йўл қўйилиши мумкин бўлган зиддиятлар ва бошқа хусусиятлар.*

Баъзи тадқиқотчилар махсус методларга қуйидагиларни ҳам киритишади:

1. **Муайян-социологик метод** сўров, кузатиш, сўроқ қилиш, сўнгра олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Шундай тарих, масалан, аҳолининг ўлим жазосига муносабатини билиш мумкин.
2. **Моделлаштириш методи** – ўрганилаётган объектларнинг тасаввурдаги идеал такрори бўлиб, бу янги тушунчаларни ишлаб чиқиш имконини беради.
3. **Функционал метод** – ҳодисаларни ижтимоий мақсади, роли ва функциялари нуқтаи назаридан ўрганишга қаратилган ёндашув. Айнан шу усул давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларини алоҳида ажратиб кўрсатиш имконини беради. У “амалдаги қонун”ни таққослаш имконини беради.
4. **Статистик ва математик** (шу жумладан, кибернетик) методлар. Бундай методлар маълумотларни олиш ва қайта ишлашнинг миқдорий усулларига таянади (“рақамлар методи”). Бу жинойтчиликнинг ўсиши ёки камайиши, очилган жинойт ишлари, оқланган ва судланганлар сони ва ҳоказоларни таҳлил қилиш имконини беради.
5. **Формал-мантиқий** (норматив-догматик) усул (догма – латинча *dogma*, “меъёр, қоида”) ҳодисани унинг муайян кўринишлари ва асосий қонуниятларини ажратиш орқали мавҳум-назарий жиҳатдан кўриб чиқишни ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, ҳодиса бошқа ҳодисалар доирасидан ажратилади ва бошқалардан алоҳи-

да кўриб чиқилади. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳуқуққа оид белгилардан бири унинг формаллиги бўлиб, шу муносабат билан бу метод бошиданоқ ҳуқуқ учун хосдир. Бу норматив материалларни (ҳуқуқ меъёрлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқаларни) ўрганиш, амалдаги ҳуқуқ ҳақида билим олиш имконини беради. Бу мавжуд ҳуқуқ манбалари тизимини ўрганишнинг етакчи усулидир. У ҳуқуққа оид манбаларни тўплаш ва улардаги ҳуқуқ меъёрларини шарҳлаш (грамматик, тизимли, мантиқий ва ҳ.к.), уларнинг ижтимоий муносабатларга мувофиқлигини текшириш ва баҳолаш, назарий қоидаларни шакллантиришни ва меъёрларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқ социологияси методи “амалдаги ҳуқуқ”, ҳуқуқнинг ҳаёт билан алоқаси, давлат-ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ўрганиш имконини беради. Бу усул, биринчи навбатда, ўрганиш объектлари ва кўзланган мақсади билан ажралиб туради ва унда анъанавий (умумий социологик) усуллар қўлланилади. **Ҳуқуқ социологияси методи анкета сўровлари, аҳоли ўртасида сўровлар, жинсий ва фуқаролик ишлари материаллари, бошқа ҳужжатларни ўрганиш, ижтимоий-ҳуқуқий тажрибалар ўтказиш каби социологик усуллар орқали давлат-ҳуқуқий воқеликни ўрганишдан иборат.** Ушбу метод ёрдамида давлат ҳокимияти тармоқлари фаолиятининг самарадорлик даражасини, ҳуқуқий тартибга солиш, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ҳолатини аниқлаш мумкин.

Ҳуқуқий прогнозлаш методи бу – давлат-ҳуқуқий ҳодисаларнинг келажакдаги ҳолатлари тўғрисида илмий асосланган прогнозларни амалга ошириш имконини берувчи услублар тизими. Масалан, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқнинг айрим соҳалари, аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатларда яқин ёки узоқ истиқболда содир бўладиган ўзгаришларни прогнозлаш. Ҳуқуқ ва давлат соҳасидаги келажакдаги ҳолатлар, жараёнлар ва ҳодисаларни билиш жамият, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ижтимоий жараёнларни малакали бошқаришнинг зарурий шартидир.

Г) ЮРИСПРУДЕНЦИЯДА ХУСУСИЙ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Хусусий илмий методларнинг фанлараро методлар деб айтилиши бежиз эмас. Бу уларнинг турли илмий соҳалардаги амалий тадқиқотларда қўлланилиши мумкинлигини англатади. Масалан, социология ва математикада, филология ва фалсафада. Ҳуқуқшуносликда қуйидаги хусусий методларни кўпроқ учратиш мумкин:

- маданий метод;
- тарихий метод
- социологик метод;
- статистик метод;
- кибернетик метод;
- аксиологик метод;
- синергетик метод.

Ҳуқуқшуносликда тадқиқотнинг маданий методи

Маданий метод доирасида ҳуқуққа жамиятдаги ижтимоий ва маданий жараёнларга таъсир этувчи ва тартибга солувчи омиллардан бири сифатида қаралади. Масалан, ҳуқуқий меъёрлар жамиятдаги маданий ўзгаришларга қараб қандай ўзгарганлигини ўрганиш мумкин ва аксинча. Шунингдек, ҳуқуқшунослик бошқа ижтимоий аҳамиятга эга ҳодисалар – дин, этика, ахлоқ орасида қандай ўрин эгаллашини тушунишиш мумкин.

Ҳуқуқшуносликда тарихий тадқиқот методи

Тарихий метод кўплаб илмий фанларда энг кўп фойдаланиладиган методлардан биридир. Юриспруденцияда у давлатларни ва бошқа ҳуқуқий жиҳатларни вақт ўтиши билан ривожланиши нуқтаи назаридан ўрганишга ёрдам беради. Муайян даврларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонунларнинг ёзилиш ва амал қилиш мантиғини тушуниш мумкин.

Тарихий-ҳуқуқий метод тарихий-юримдик фанлар ҳисобланмиш ҳуқуқ ва давлат тарихи, ҳуқуқ ва давлат таълимотлари тарихи учун асосий метод ҳисобланади. Аммо у умумий ҳуқуқ назариясида, давлат назариясида тарихий манбаларни, ўтган йиллардаги ҳужжатларни (қонунлар, расмий ҳужжатлар, муайян ишлар бўйича суд қарорлари ва бошқаларни) таҳлил қилиш жараёнида ҳам қўлланилади. Бу инсоният жамияти ҳаётининг турли даврларида мавжуд бўлган воқеалар, ҳодисалар, қонунчилик қоидалари, юримдик амалиёт ҳақида билим олиш ва тегишли назарий ҳулосалар чиқариш имконини беради. Тарихий методнинг муҳим услуби **ўтмишдаги воқеаларни вақт ва маконнинг ўзига хос хусусиятлари доирасида имкон қадар тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун уларни илмий (ақлий) қайта тиклашдир. Натижада аллақачон тарих предметига айланган у ёки бу тарихий қонуниятлар (у ёки бу муайян объектнинг келиб чиқиш ва ривожланиш қонуниятлари) тўғрисида ҳулосалар чиқариш учун ахборот базаси яратилади.**

Юриспруденцияда социологик тадқиқот методи

Социологик метод ҳуқуқ ва унинг алоҳида элементларини ижтимоий ҳодиса ва жа-раёнлар призмаси орқали ўрганади. Одамлар ва уларнинг жамоаларига эса ҳуқуқ тизимининг алоҳида субъектлари сифатида қаралади.

Масалан, ундан жамиятнинг турли қатламларида ҳуқуқий меъёрларга қандай риоя қилинишини таҳлил этиш учун фойдаланиш мумкин.

Юриспруденцияда статистик тадқиқот методи

Юриспруденцияда статистик ва математик тадқиқот методлари миқдорий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва кўрсатиш учун қўлланилади. Масалан, уни маъмурий ҳуқуқ-бузарликлар сонини ўрганиш ва уларнинг йил бўйича ўртача кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун қўллаш мумин.

Ҳуқуқшуносликда кибернетик тадқиқот методи

Кибернетик метод юридик маълумотларни қандай қилиб автоматлаштириш, қайта ишлаш, сақлаш ёки осон излаш йўлини топишни кўриб чиқишда қўлланилади. Ушбу методологияда технологик ютуқлар ва маълумотлар базаларидан кенг фойдаланади.

Юриспруденцияда аксиологик тадқиқот методи

Аксиологик метод инсоний кадриятларни одамлар ҳаётидаги муҳим омил сифатида кўриб чиқади. Ҳуқуқшуносликда у ҳуқуқ билан боғлиқ элементларни жамиятнинг кадриятлар йўналишлари сифатида, шунингдек, уларни тартибга солиш функцияларини таҳлил қилиш учун қўлланади.

Юриспруденцияда синергетик тадқиқот усули

Синергетик методнинг негизини ҳуқуқий элементларни ўзини ўзи ташкил этувчи тизимлар сифатида ўрганиш ташкил этади. Бу шуни англатадики, давлатлар, қонунлар ва меъёрларга сабаб-оқибат муносабатларига бўйсунадиган мантиқий ҳодисалар сифатида эмас, балки мустақил равишда пайдо бўлган чизиқли бўлмаган ҳодисалар сифатида қаралади.

Ҳар қандай усулдан тегишли равишда фойдаланиш тадқиқот предмети бўйича янги билимларни олиш имконини беради. Бундан ташқари, **тадқиқот усуллари ўрганилаётган муаммонинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли хил комбинацияларда ва бирга қўлланилиши керак.**

5.2. ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ҳозирги вақтда юридик фанда янги тенденциялар пайдо бўлмоқда. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, фанга қандай янгиликлар киритилмасин, ҳуқуқий тадқиқотларда асосий нарса **ўзининг эркин ижтимоий-ижодий салоҳиятига эга шахс бўлиши керак.**

Нисбатан янги тенденциялар қаторида *ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқий сиёсатшунослик, ҳуқуқий антропология, ҳуқуқий кибернетика, ҳуқуқий статистика, ҳуқуқий мантик, ҳуқуқий информатика* каби **ҳуқуқий фанлар шаклланиб бораётганини қайд этиш лозим.** Умуман олганда, **янги илмий йўналишлар ва ҳуқуқий фанларнинг** шаклланиш жараёни ҳуқуқ фанини модернизация қилишнинг табиий ва самарали йўналиши бўлиб, унинг умумий фан ютуқларининг ҳозирги даражасига мувофиқлиги ва ҳуқуқшуносликнинг янада ривожланиш салоҳиятининг муҳим кўрсаткичидир.

Ўз навбатида, ҳуқуқ назарияси ва амалиётидаги янги тенденциялар ҳуқуқий тадқиқотларни фаоллаштириш ва уларнинг методологиясини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ҳозирги воқеликда қонун шунчаки хаёлий мавҳум маҳсулот эмас, балки ҳақиқий ижтимоий ҳодисага айланиши учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ назарий ва амалий жиҳатдан тўғри асосланиши зарур.

Келинг, юридик фанга жорий этилаётган бошқа тенденциялар ва янги методларни батафсил кўриб чиқайлик.

А) ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВ ВА ФАНЛАР ЎРТАСИДАГИ ЁНДАШУВ

Бугунги кунда ўз табиатига кўра серқирра ижтимоий жараён ва ҳодисалар борган сари ҳуқуқий таъсир объектига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан сўнги пайтларда юридик масалаларни ўрганишда фанлараро ёндашувнинг аҳамияти масаласи фаол муҳокама қилинмоқда. Кўпгина олимларнинг таъкидлашича, илм-фан ривожланишининг замонавий парадигмаси бу – фрагментар билиш жараёнидан илмий тадқиқотлар интеграциясининг глобал тенденциялари таъсири остида янада яхлит

конвергацияланган илмий билимлар ва технологияларни яратишга ўтиш натижасида фанлар ўртасидаги боғлиқликдир.

Илмий тадқиқотларни фақат муайян фан доирасида ташкил этиш принципи унинг муваффақиятини таъминлади, бироқ бугунги кунда у замонавий илм-фан олдида турган янги муаммоларни ҳал қилиш имконини бермаяпти. Илмнинг фанлар бўйича ташкил этилиши ўз вақтида прогрессив ҳодиса бўлган, аммо у кўпинча янги илмий йўналишларнинг пайдо бўлишига ёв бўлади. Давлатнинг инновацион сиёсати айнан шундай тўсиқларни бартараф этишга қаратилган бўлиши зарур.⁸¹

Шубҳасиз, фанлараро ёндашув ҳуқуқ фанининг бойишига олиб келади. Бу ёндашув ҳуқуқ тизимида табиатан кўп қиррали бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган мураккаб тузилмаларнинг шаклланиши шароитида, айниқса, долзарбдир. Ушбу ёндашув мураккаб ижтимоий жараёнларни, шунингдек, бир-бирига яқин соҳалар кесишмасида, давлат ва хусусий ҳуқуқ институтлари кесишмасида юзага келадиган муаммоларни самарали бошқаришга эришиш имконини беради.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқни қўллаш соҳасида фанлараро таҳлилни кенгайтириш тенденциялари юридик фан ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичига ўтишининг ҳал қилувчи шартидир.⁸² Фанлараро тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, якуний натижага турли фанларни тамсил этувчи олимларнинг чуқур интеграциясиз эришиш деярли мумкин эмас.

Шу билан бирга, фанлараро ёндашув ҳам якуний эмас ва ҳуқуқий тадқиқотларнинг янада юқори даражасига – фанлар ўртасидаги ёндашувга ўтиш кутилмоқда.

ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВДАН ФАНЛАР ЎРТАСИДАГИ ЁНДАШУВГА ЎТИШ

Фанлараро ёндашув ҳодисалари устида ўтказилган кўплаб тадқиқотларда умумий ёндашувлар шаклланди ва қуйидаги турларга бўлиниши юз берди:

кўпфанлилик,

фанлараро ёндашув

ва фанлар ўртасидаги ёндашув.

⁸¹ Фан фалсафаси ва тарихи (Бирлашган ядровий тадқиқотлар институти аспирантлари учун ўқув қўлланма). Проф., ф.ф.д. В.Г. Горохов. – Б. 88.

⁸² Абрамова А.И. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалаларини ўрганишга фанлараро ёндашув // Журнал российского права. №10/2015. –Б. 39.

Кўпфанлилик (Multidisciplinarity). Кўп фанлар асосидаги тадқиқотлар кўпинча бир нечта фанлар доирасида олиб борилган ва битта контекст билан бирлаштирилган бир нечта мустақил мақсадларни кўзлаган тадқиқотлар деб таърифланади. Кўпфанлилик бир хил ҳодисани алоҳида фанлар доирасида ўзларининг махсус методларидан фойдаланган ҳолда мустақил тадқиқ қилишни назарда тутди. Ушбу ёндашувнинг афзаллиги шундаки, бир хил муаммонинг турли жиҳатларини очиб берувчи бир нечта фан доирасидаги тадқиқотлар натижалари ягона шаклда тақдим этилиши ва баҳоланиши мумкин.

Фанлараро ёндашув (Interdisciplinary). Фанлараро ёндашувнинг кўп фанли ёндашувдан асосий фарқларидан бири шуки, фанлараро тадқиқотларда тадқиқот методларини бир илмий фандан бошқасига бевосита ўтказиш имкони мавжуд. Фанлараро тадқиқотлар асосан маълум тизимли муаммоларни ўрганишга қаратилган бўлиб, бунинг натижасида тадқиқот жараёнида алоҳида илмий соҳаларни тамсил этувчи олимлар янги билимларни яратиш учун ўз фанларининг “чегараларини кесиб ўтиш”-га мажбур бўлади. Бу моҳиятан **турли илмий фанлар интеграциясининг** навбатдаги поғонасидир, чунки бундай лойиҳалар фандаги нуқтаи назарларни боғлашга (конвергациялашга) интилади ва потенциал равишда янги фан нуқтаи назаридан олинган билимларни ўрганиш имконини беради.

Фанлар ўртасидаги ёндашув (Transdisciplinary). Француз тадқиқотчиси Жан Пиаже биринчи марта 1970 йилда “Фанлараро ёндашув – университетларда ўқитиш ва тадқиқот дастурлари” халқаро ишчи гуруҳи доирасида фанлар ўртасидаги ёндашув тушунчасинининг таърифини келтирди. Унинг фикрича, фанлар ўртасидаги ёндашув фанлар ўртасидаги муносабатлар билан чекланиб қолмай, балки илмий контекстни илмий фанлар ўртасида қатъий чегараларга эга бўлмаган глобал тизим ичига жойлаштирадиган **илмий тадқиқотларнинг юқори даражадаги интеграциясидир**. Ушбу ҳодиса тадқиқотчилари **фанлар ўртасидаги ёндашув** нафақат олимлар ва тадқиқотчилар, балки илмий бўлмаган жамоатчилик вакилларининг ўзаро таъсирига асосланган **илмий билишга комплекс ёндашувнинг энг юқори шакли** эканлигига қўшиладилар.⁸³

⁸³ Қисилев В.И., Нечаева В.И. Россияда фанлараро илмий тадқиқотлар ривожланиши масаласи // Ежегодник российского образовательного законодательства. Выпуски ежегодника. Ежегодник. 9-жилд. 2014. [Эл.ресурс] URL: <https://lexed.ru/ezhegodnik-rossiyskogo-obrazovatel'nogo-zakonodatelstva/book/tom9/k-voprosu-o-razvitiy-mezhdistiplinarnykh-nauchnykh-issledovaniy-v-rossii/>

Б) ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА СТАТИСТИКАДАН ФОЙДАЛАНИШ

Юридик фанлар вазифаси давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва фаолиятининг ички, биринчи навбатда, сабабий қонуниятларини, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг энг самарали усуллари ва механизмларини аниқлашдир. Бунинг учун ҳозирда статистик кузатишлар натижалари ва усуллари-дан кенг фойдаланилмоқда. **Статистика ва ҳуқуқшунослик мустақил фанлар сифатида бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.** Ҳуқуқий тадқиқотларда статистика муҳим ўрин тутаяди.

Юридик фаннинг замонавий тенденцияларидан бири илмий тадқиқотларнинг мустақил комплекс соҳаси – **статистик юриспруденцияни** шакллантиришдир. У ҳуқуқбузарликларни тоифалаш, шунингдек, уларнинг сабабларини аниқлаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш каби юридик муаммоларни ҳал қилишда статистик усуллардан фойдаланиш билан тавсифланади.

Шу билан бирга, **ҳуқуқий статистика** ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳуқуқий статистика жамиятнинг ҳуқуқий тизимининг элементлари сифатида ҳуқуқий ҳодисаларни ўз предмети сифатида қабул қилади. Унинг асосий таркибий қисмлари расмий ҳуқуқий амалиёт ва ижтимоий ҳуқуқий онгдир. Ҳуқуқий статистика ҳуқуқий вазифаларнинг моҳияти ва кўламини аниқлашга ёрдам беради, лекин ўз-ўзидан уларни қандай ҳал қилиш кераклиги ҳақидаги саволга жавоб бермайди.

Шундай қилиб, расмий статистик кузатиш натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши мумкин. У давлат органларининг топшириғига биноан ва ушбу органлар томонидан тасдиқланган методологияга мувофиқ ва олинган натижаларни эълон қилиш орқали амалга оширилади. Бироқ бундай кузатувнинг асосий вазифалари ҳуқуқий эмас. Расмий статистик кузатув ташкилий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш имконини беради. Гап, биринчи навбатда, давлатнинг молиявий, моддий ва инсон ресурсларини, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган бошқа ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш вазифалари ҳақида бормоқда.

Ҳозирги вақтда бундай тадқиқотлар ихтисослашган юридик фан – криминологияда кенг тарқалган. Шу билан бирга, статистик усуллардан фойдаланган ҳолда ташкилий-бошқарув типдаги ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш зарурати бошқа, жумладан, юридик фанларда ҳам мавжуд.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мониторинги учун статистик маълумотларни тўплаш алоҳида аҳамиятга эга. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунлар мониторинги, одатда, аниқ ишлаб чиқилган сифат ва миқдор асосидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади. Миқдорий кўрсаткичлар асосида баҳолаш статистик маълумотларни тўплашни талаб қилади. Мисол тариқасида гендер статистикаси тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”** ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни келтириш мумкин.

Мисол

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида

3-модда. Асосий тушунчалар

гендер статистикаси – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми;

8-модда. Гендер статистикасини шакллантириш.

Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади.

Гендер кўрсаткичларини шакллантириш:

давлат статистика органлари томонидан амалга ошириладиган давлат статистик кузатувларига;

давлат бошқаруви органларининг маъмуриятга оид маълумотларига;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган статистик кузатувларга асосланади.

Гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат но-тижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.⁸⁴

⁸⁴ Ушбу қонун матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/acts/4494849>

Статистикага оид қоидаларнинг қонун ҳужжатларига киритилиши статистиканинг мониторинг воситаси сифатидаги тобора ортиб бораётган ролини яна бир бор тасдиқлайди. Бу, шунингдек, статистика нафақат ҳуқуқ назарияси, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун ҳам муҳим эканлигини кўрсатади.

Махсус ташкил этилган статистик таснифдаги тадқиқотлар жамиятнинг ҳуқуқий тизимининг муҳим элементи сифатида ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисида маълумот олиш имконини беради. Ушбу маълумотларнинг статистик таҳлили “ҳукмрон амалиёт”, яъни у ёки бу ҳуқуқий меъёрни қўллаш билан боғлиқ муайян ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишнинг энг типик усулларини аниқлашга ёрдам беради.⁸⁵

В) ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ГЕНДЕР ОМИЛИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Илмий тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири барча тадқиқотларда гендер омилини ҳисобга олишдир. Гендер тадқиқотлари фаннинг барча соҳаларида алоҳида ва долзарб тадқиқот соҳасига айланган.

Гендер тадқиқотларининг ривожланиши ва уларнинг натижалари ҳар қандай ижтимоий муаммони гендер компонентини ҳисобга олмасдан кўриб чиқиш тўлиқ эмас ва бир томонлама эканлигидан далолат беради.

Кўриниб турибдики, гендер дискурсини бир қатор анъанавий фанларга киритиш унинг ривожланиши ва илмий жамоатчилик томонидан тан олиншига ёрдам беради, чунки гендер ёндашуви эски муаммоларга янгича қараш, уларни тадқиқ қилишнинг янги усуллари ва янги истиқболларини таклиф этади.

Гендер тадқиқотлари фанлараро характерга эга, чунки улар турли фанлар доирасида олиб борилади, шу муносабат билан гендер масалаларининг кўпжиҳатлилиги ва кенг диапазони кузатилади. Гендер масалалари кўплаб фанлар доирасида – социология, тарих, сиёсатшунослик, иқтисод, шунингдек, ҳуқуқшуносликда ўрганилади.

Юридик фан доирасида аёллар ҳуқуқларининг тарихий жиҳатдан ривожланиши; гендер тенглик; гендер камситиш; халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳимоясида бўлган аёллар ва болалар; хотин-қизларнинг кадр-қимматга, шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқи; иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги хотин-қизлар ҳуқуқлари; сиёсий соҳа-

⁸⁵ Матвеев И. ва бошқалар Ҳуқуқий статистика ва статистик юриспруденция // Идеи и идеалы. №4(26). 2-ж. 2015. [Эл.ресурс] URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-statistika-i-statisticheskaya-yurisprudentsiya>

даги хотин-қизлар ҳуқуқлари; аёллар савдоси; миллий ва халқаро қонунчиликнинг гендер таҳлили ва экспертизаси каби масалалар фаол ўрганилмоқда;

Ҳуқуқий тадқиқотларда гендер масалалари ёки гендер жиҳатларини ҳисобга олиш ҳуқуқий тадқиқотлар сифатини, айниқса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадқиқотлар сифатини яхшилаши мумкин. Гендер жиҳатнинг ҳисобга олиниши ўрганилаётган муаммони чуқурроқ таҳлил қилиш, муаммонинг сабабларини тўғри аниқлаш ва янада самарали тавсиялар ишлаб чиқилишини таъминлаши мумкин. Шу муносабат билан гендер жиҳатларини аниқлаш ва гендер масалаларини кўриб чиқиш ҳуқуқий тадқиқотларнинг асосий тамойил ва усулларида бирига айланиши керак деб ҳисоблаймиз.

Г) ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА CASE LAW (CASE STUDY) МЕТОДИ

Case-study методи муаммоли амалий вазиятларни тор вақт ичида зудлик билан ҳал қила олувчи профессионал равишда тайёрланган мутахассисларни шакллантиришга қаратилган. Метод қонунчиликдаги доимий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштириш имконини беради. Юридик фанларни ўрганишда кейс-методдан фойдаланиш таълимнинг назарий ва амалий элементларини бирлаштириш имконини беради.

Бу реал вазиятларни таҳлил қилишдан фойдаланадиган ўқитиш техникасидир. Талабаларга вазиятни ўрганиш, унинг негизини ташкил этган муаммонинг моҳиятини таҳлил қилиш ва уни ҳал қилишнинг энг яхши вариантларини тақдим этиш таклиф этилади.

Кейсларнинг турли таснифлари мавжуд. Шундай қилиб, кейснинг шаклланиш манбасига қараб қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

1. Амалий кейслар. Уларнинг манбаи муайян ҳаётий вазиятлардир. Вазиятнинг тавсифи, одатда, саналар, фамилиялар, исмлар, фактлар, воқеалар билан бирга келади. Талабалар суд амалиёти материаллари бўйича муайян вазиятларни таҳлил қилишлари мумкин. Бундай кейсдан кўзланган мақсад тажриба орттириш, фазилатлар ва хулқ-атвор моделларини ишлаб чиқиш (қарорлар қабул қилиш) ва билимларни мустақкамлашдан иборатдир. Бундай кейсларни юриспруденцияда қўллашнинг ўзига хос хусусияти талабалар томонидан муайян вазиятларни таҳлил қилишда амалдаги қонунчиликни мажбурий равишда қўллашдир.

2. **Ўргатиш кейслари.** Ушбу ҳолатда сўз “амал орқали ўрганиш” технологияси ҳақида боради, асосий вазифа профессионал функцияларни босқичма-босқич амалга оширишни моделлаштириш орқали ўрганишдир. Шундай қилиб, ҳуқуқшуносликда бу даъво аризалари, эътирозлар, илтимосномалар ва бошқа процессуал ҳужжатларни тайёрлаш кўникмаларини ўрганишдир. Ушбу ҳолатда, кейс адвокатнинг касбий фаолияти давомида ҳар куни дуч келадиган одатий вазиятларни акс эттиради.
3. Вазият ва унинг доирасидаги хатти-ҳаракатлар тўғрисида янги билимларни олишга қаратилган **илмий тадқиқот кейслари.** Кейслар тадқиқот фаолиятини амалга оширишга қаратилган. Кейснинг ҳал қилиниши илмий тадқиқот методларини қўллашни тақозо этади, бунинг натижасида вазият ва унинг доирасидаги ҳаракатлар тўғрисида янги билимларни олиш кўникмалари кенгайди. Талабаларни ўқитишда бундай кейсдан фойдаланиш осон иш эмас, лекин у жараёнлар ва вазиятларни ўрганиш кўникмаларини шакллантириш учун самарали бўлиб, бу нафақат бакалаврлар, балки магистрантлар, шунингдек, малакасини ошираётган мутахассислар учун ҳам фойдалидир. Бу ерда муайян вазиятларни таҳлил қилиш ушбу ҳолатларда қўлланиладиган қонун ҳужжатларига илмий шарҳларни таҳлил қилиш, илмий мақолалар ва монографияларни ўрганиш ишлари билан бирга бажарилиши мумкин.⁸⁶

Ушбу метод ҳозирги вақтда юридик фанларни ўқитишда жуда кенг тарқалган. Бироқ бу метод, айниқса, халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари, конституциявий ва жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказишда ҳам жуда долзарбдир. Ҳуқуқий тадқиқотлардаги кейсларга мурожаат қилиш, улардан тезисни тасдиқлаш ёки рад этиш учун мисол сифатида фойдаланиш тадқиқотни бойитиши мумкин.

Кейсларни тақдим этиш шаклига кўра ҳам бир-биридан ажратиш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш керак. Муаммоли вазиятнинг тавсифи матн (матнли кейс), аудио ёзув (аудио кейс) ёки видеоклип (видео кейс) шаклида тақдим этилиши мумкин. Бундай ўқув кейсларини ишлаб чиқиш техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

⁸⁶ Алякин С. Ҳуқуқий фанларни ўқитишда кейс-методидан фойдаланиш // Мир науки и образования. 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/primeneniye-keys-metoda-v-prepodavanii-pravovoyh-diststiplin>

Д) LEGAL DESIGN ВА ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА НАШРЛАРДА ИНФОГРАФИКАДАН ФОЙДАЛАНИШ

Legal Design – суд мунозараларида маълумотларни визуализация қилиш мураккаб ҳуқуқий жараёнлар ва вазиятларни аниқ ва тушунарли шаклда акс эттиришдир. Масалан, диаграммада банкротга учраган компаниянинг мол-мулки сотилгандан кейин танлов массаси кредиторлар ўртасида қандай тақсимланганлиги кўрсатилган. Ушбу жараённинг тавсифи А4 ўлчамдаги бир нечта варақни эгаллаши мумкин. Шу билан бирга, қайдлар ва семантик урғулардан фойдалансангиз ҳам, матнни тушуниш қийин бўларди. Схема судьяга гаров массаси гаров кредиторига қарзни тўлаш учун кетганлигини ва бошқа кредиторлар пул олмаганлигини тез ва аниқ кўрсатишга ёрдам беради.

Legal Designдан мураккаб жараёнларни тушунарли бўлган диаграммалар кўринишида намоиш қилиш учун ҳам, матннинг “фонини” яхши тизимлаштирилган, эътиборга молик тафсилотларни кўриш осон бўлган ҳужжатга айлантириш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Legal Design услубларининг қўлланиши туфайли ҳужжатнинг визуал кўриниши энгиллашади. Матн кичик қисмларга бўлинган, уларнинг ҳар бири урғулаб ўтилган элементларга эга. Натижада сиз уни кўзларингизни югуртириб кўриб чиқишингиз ва гап нима ҳақида бораётганини тушунишингиз мумкин.

Аслида, Legal Design бу – бошқа бировнинг ҳужжат устида олиб борган ишини соддалаштиришдир. Мураккаб формулалар билан ўқиб бўлмайдиган матн девори ўрнига сизга олдиндан билиш мумкин бўлган тузилма ва схемаларга эга оддий ва тушунарли ҳужжат тақдим этилади. Legal Design узоқ вақт давомида қайта ишланиши ва рақамларни тушуниш керак бўлган жуда кўп маълумотлар мавжуд бўлган жойларда ўзини яхшироқ намоён қилади. Бу, одатда, қарз, узоқ муддатли шериклик муносабатлари ва кўплаб менежерлар иштирокидаги йирик компаниялар билан боғлиқ ишлардир.

Шу муносабат билан илмий тадқиқотларга матнни идрок этишни осонлаштирадиган турли хил диаграммалар, жадваллар, графикалар ва инфографикаларни илова қилиш тавсия этилади. Инфографика ҳуқуқий тадқиқотлар натижаларини тақдим этишда, айниқса, самарали бўлади.

6-БОБ

ГЕНДЕР ВА ХУҚУҚИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
УМУМИЙ

ЖИҲАТЛАРИ ВА
ХУСУСИЯТЛАРИ



6.1. ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИНING ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДАГИ ГЕНДЕР ТАДҚИҚОТЛАРИ

Гендер тадқиқотлари (gender studies) атамаси илк марта XX асрнинг 70-йилларида феминистик нуқтаи назардан хотин-қизлар муаммолари бўйича ҳар қандай фанлараро тадқиқотларни ифодалаш учун ишлатилган. Бугунги кунда бу атамани қўллашда ўша пайтдагига солиштирганда сезиларли фарқлар мавжуд.⁸⁷

Адабиётларда “аёллар”, “феминистик” ва “гендер” тадқиқотлари тушунчалари учрайди. Баъзи тадқиқотчилар уларни синоним сифатида ишлатса, бошқалари гендер тадқиқотларини хотин-қизлар манфаатларини кўзлаган ҳолда хотин-қизлар муаммолари бўйича хотин-қизлар томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар ва аёлларга тазйиқ ўтказиш ва уларни бўйсундириш масалаларини ўрганиш деб тушунадилар. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар эса гендер тадқиқотларини эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётидаги фарқлар ва ўхшашликларни ўрганиш деб тушунишади.⁸⁸

Шунга қарамай, бу тушунчалар ўртасида фарқлар мавжуд.

Хотин-қизларни ўрганиш (women’s studies) аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ижтимоий роли, уларнинг ҳаётининг барча жабҳалари ҳақидаги мустақил ижтимоий-гуманитар фан ҳисобланмиш феминология доирасида хотин-қизларни ўрганишдир. Феминистик таълимотнинг моҳияти замонавий жамиятда аёллар мунтазам равишда ижтимоий тенг ҳуқуқли бўлмаган ва адолатсиз, эркакларга бўйсунувчи ҳолатда

⁸⁷ Гендер ва ҳуқуқ: ўқув қўлланма / Е. Г. Абраменко [ва бошқалар.]; Т. В. Телятицкая таҳрири остида. – Минск: ЮНИПАК, 2020. – Б. 40.

⁸⁸ Ўша жойда.

эканлигини тан олиш, шу билан бирга, ҳуқуқий муносабатлар ва маданий амалиётлар доирасида ишхонада ва уйда эркак ва аёлларнинг тенгҳуқуқчилигига эришиш зарурлигини асослашдан иборатдир.

Гендер тадқиқотлари ўзаро муносабатлар муаммоларини ўрганиш, жамият ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларида гендер тенгсизликни аниқлашга қаратилган. Антропологик, ижтимоий, сиёсий, маданий, ижтимоий-иқтисодий, тарихий, ижтимоий-психологик, лингвистик ва бошқа тадқиқотлар ҳам гендер тадқиқотлари бўлиши мумкин. Гендер тадқиқотларининг ўзига хос хусусияти жинс белгисига кўра камситилишига асос бўлган ижтимоий-маданий омилларни тушуниш ва ҳисобга олишдир.

Аввалги бобларда таъкидланганидек, бугунги кунда гендер тадқиқотлари илмий тадқиқотнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Гендер тенглик масалалари билан социологлар, психологлар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, педагоглар ва шу каби кўплаб кенг доирадаги тадқиқотчилар шуғулланмоқдалар. Шунинг учун фанлараро тадқиқотларга ўтишнинг юқоридаги тенденцияси гендер тадқиқотларида жуда аниқ тарзда кўрсатиб берилди десак хато бўлмайди.

Гендер тадқиқотларининг долзарблиги қуйидагилар билан боғлиқ:

биринчидан, жамиятда, умуман, дунёда кенг қўламдаги ўтиш жараёнлари шароитида гендер ролларига бевосита таъсир кўрсатувчи қадриятларни қайта баҳолаш жараёни содир бўлмоқда. Бу ҳар бир инсон – аёлларни ҳам, эркакларни ҳам четлаб ўтолмайди.

иккинчидан, гендер тенглик масалалари бу – гендер ролларини ўзгартириш, яъни оиладаги мажбуриятларини тақсимлаш масалалари демакдир, бу эса жамиятнинг асосий бўлаги бўлган ҳар бир оилага тегишли масаладир. Барча ижтимоий институтларда бўлаётган чуқур ўзгаришлар шароитида оилада туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

учинчидан, гендер тенглик масалалари демографик жараёнлар билан боғлиқ. Гендер сиёсати оилавий муносабатларга таъсир ўтказди ва бу, ўз навбатида, мамлакатдаги демографик вазиятга ҳам таъсир қилади. Демографик вазият эса меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва сифатига, ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишига таъсир кўрсатади. Бу дунёнинг барча мамлакатларида гендер сиёсатининг кучайишига сабаб бўлмоқда.

тўртинчидан, гендер тенглик барқарор ривожланишнинг глобал мақсадларидан бири бўлиб, гендер тадқиқотларини бутун дунё бўйлаб долзарб вазифага айлантиради.

Шу тарзда, гендер тенглик масалалари ҳар бир инсон ва ҳар бир оилани четлаб ўтолмайди, айниқса, гендер муаммоларининг долзарблигини белгиловчи глобал ўзгаришлар шароитида бу масала ҳар бир давлат ва бутун халқаро ҳамжамиятни жуда ташвишлантиради. Шу билан бирга, гендер муносабатлари мавзуси илмий нуқтаи назардан жуда долзарб бўлиши баробарида катта амалий аҳамиятга ҳам эга.

Нашрларнинг миқдорий таҳлили шуни кўрсатадики, социологлар томонидан олиб борилган гендер муносабатлари бўйича тадқиқотлар психологик ишларга қараганда сезиларли даражада кўп. Бунга, аввало, социологиянинг гендер тадқиқотлари илгари бошланган ва илмий билимларнинг бошқа соҳаларига нисбатан жадалроқ ривожланаётган билим соҳаси эканлиги ёрдам беради.⁸⁹ Шу билан бирга, гендер сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш, қолаверса, сиёсатшунослик тадқиқотлари доирасида гендер масалаларини ўрганишнинг роли ҳам ортиб бормоқда. Бу гендер тадқиқотларининг юқори амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Шуни таъкидлаш керакки, гендер тадқиқотлари доираси тобора кенгайиб бормоқда. Агар ушбу тадқиқот соҳаси шаклланишининг илк босқичида асосан хотин-қизлар ҳуқуқларига эътибор қаратилган бўлса, аста-секин феминизм ва аёллар ҳуқуқлари масалаларидан гендер тенглик ва гендер мувозанати масалаларига ўтиш бошланди. Энди гендер масалалари бўйича замонавий тадқиқотларда оталикни ҳимоя қилиш ва гендер мувозанатини сақлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Гендер тадқиқотларида оилавий қадриятларни сақлаб қолиш, анъанавий жамиятларда гендер тенглик, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда гендер тафовутини таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Энг муҳим мавзулардан бири гендер стереотиплари бўлиб, улар кўпинча хотин-қизларни камситишнинг илдизи ҳисобланади ва улар кўп ҳолларда хотин-қизларга нисбатан зўравонликка сабаб бўлади.

Гендер таҳлили методологияси, хусусан, жинслар бўйича ажратилган маълумотлар ва гендер статистикасини тўплаш методологияси, гендер экспертизаси, гендер бюд-

⁸⁹ Клецина И.С. Социологик ва психологик билимлар соҳасида гендер муносабатларини тадқиқ қилишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. 2013 й. https://womaninrussiansociety.ru/wp-content/uploads/2013/11/2013_2_klecina.pdf

жети ва аудити, гендер кўрсаткичлари каби мавзулар бўйича амалий аҳамиятга эга тадқиқотларнинг роли ҳам ортиб бормоқда.

Гендер тадқиқотлари методологиясига келсак, унда фанлараро ёндашув қўлланилгани сабаб бошқа методологиялардан ажралиб туради. “Комплекс гендер ёндашуви” тушунчаси кўплаб мамлакатлар қонунчилигига киритилган бўлиб, бу давлат сиёсатининг барча соҳаларида гендер масалаларини асосий йўналишга киритишни англатади. Бу эса гендер тадқиқотларидаги фанлараро ёндашув муҳимлигини яна бир бор таъкидлайди.

Олдинги бобларда муҳокама қилинган методлар билан бир қаторда гендер тадқиқотларида янги усуллар ҳам пайдо бўлади. Г.А. Николаева адолатли тарзда таъкидлаганидек, “жамиятни ўрганиш воситаси бўлган гендер тадқиқотлари методлари музлатилган схемалар эмас – улар ҳаракатдаги жараёндир, тарихий ривожланишда улар ҳисобга олиниши зарур, чунки унинг янги ҳаёт стратегиялари, янги маънолари, янги йўналишлари пайдо бўлади, бу эса, ўз навбатида, мавжуд қадриятлар иерархиясини қайта баҳолашга олиб келади.”⁹⁰

⁹⁰ Николаева Г.А. Гендер муносабатлари тадқиқотлари методологияси: маданий жиҳат // Вестник Чит. ГУН^{№6} (73) – Б. 97. <https://cyberleninka.ru/article/n/metodologiya-issledovaniy-gendernyh-otnosheniy-kulturologicheskiy-aspekt>

6.2. ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЭНГ МУҲИМ УСЛУБ БЎЛГАН ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Ҳозирда ҳуқуқий тадқиқотлар олиб борилаётганда у ёки бу ҳуқуқий масаланинг гендер жиҳатларини таҳлил қилишга муҳим ўрин ажратилади. Ҳуқуқий тадқиқотларга гендер жиҳатларининг ҳисобга олиниши масалани чуқурроқ таҳлил қилиш ва тушунишга ёрдам беради. Айтиш мумкинки, гендер таҳлили ҳуқуқий тадқиқотлар олиб боришнинг тамойиллари ва усулларида бирига айланиб улгурди.

Бугунги кунда гендер масалалари юридик фаннинг деярли барча соҳаларида долзарб ҳисобланади. Конституциявий ҳуқуқ доирасида аёллар ва эркеклар тенглигининг конституциявий принципини таъминлаш масалалари, меҳнат қонунчилиги доирасида меҳнат бозорида ва бандлик соҳасида уларга тенг имкониятларни таъминлаш масалалари, оилавий ҳуқуқ доирасида эса хотин-қизларни маиший зўравонликдан ҳимоя қилиш ва оиладаги мажбуриятларни тенг тақсимлаш, жинсий ҳуқуқ борасида хотин-қизларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш масалалари ўрганилмоқда.

Халқаро ҳуқуқ, хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ доирасида гендер масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёллар ва эркекларнинг тенгҳуқуқчилиги тамойили инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда мустақамланган асосий тамойиллардан биридир. Инсон ҳуқуқлари бўйича барча тадқиқотларда гендер тенглик масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бундан ташқари, хотин-қизлар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги алоҳида институтдир. Барқарор ривожланишнинг 17 та мақсади қабул қилиниши баробарида гендер тенглик масалаларининг долзарблиги ошди, унга мувофиқ гендер тенглик

барқарор ривожланишнинг глобал мақсадларидан бири ҳисобланади. Шу тарзда, ҳозирда гендер тенгликни таъминлаш масалалари нафақат давлат сиёсатининг, балки халқаро ҳамкорликнинг алоҳида йўналиши ҳисобланади.

Замонавий даврда ҳам миллий, ҳам глобал сиёсатнинг ўзгариши гендер тенгликни таъминлаш масалаларининг долзарблигини оширади, чунки айнан шундай даврларда гендер тенглик масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўлади, ўтиш даврлари, одатда, гендер ролларининг ўзгариши билан амалга ошишини тарих ҳам исботлайди.

Ҳуқуқ ҳам миллий, ҳам глобал миқёсда сиёсат воситаси бўлганлиги сабабли, сиёсий тизимларни ўзгартириш ҳуқуқий ислохотлар билан бирга олиб борилмоқда, айти пайтда, гендер тенглик масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай қилиб, гендер жиҳатларини ҳисобга олиш ҳуқуқий тадқиқотларнинг энг муҳим тенденцияларидан биридир. Буни гендер тенгликни таъминлашнинг турли жиҳатларига бағишланган ҳуқуқий тадқиқотлар сони ортиб бораётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Худди шундай тенденция Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Сўнги йилларда гендер тенглик масалалари бўйича кўплаб диссертациялар ҳимояга тақдим этилган ва кўплаб илмий нашрлар чоп этилганини таъкидлаш мумкин. Тадқиқотчилар, айниқса, хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, таълим ва меҳнатда тенг имкониятларни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш каби мавзуларда иш олиб бормоқдалар. Хусусан, тўлақонли тадқиқот гендер муаммосини ҳисобга олмасликнинг иложи бўлмаган одам савдосига қарши кураш масалаларида бу ўта долзарб ҳисобланади.

Шу билан бирга, гендер тенглик омилига таъсир қилувчи янги омилларнинг пайдо бўлиши сабабли тадқиқот ва таҳлил учун янги йўналиш ва мавзулар пайдо бўлди. Пандемия, иқлим инқирози, рақамлаштириш каби масалаларни ана шундай омиллар сифатида кўрсатиш мумкин. Юқоридаги омиллар натижасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, экологик ва иқлим ўзгаришлари асосидаги мигрантлар, киберзўравонликдан жабр кўрганларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш каби мавзуларнинг долзарблиги ортиб бормоқда. Ушбу тадқиқотлар тўлиқ ва кенг қамровли бўлиши учун улардаги гендер жиҳатларига эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга.

Гендер тенгликни таъминлаш соҳасидаги кўплаб мавзулар ҳали ҳам етарлича ўрганилмаган. Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари – мигрантлар, қочқинлар, ногиронлар, маҳкумлар, этник озчиликлар вакиллари ҳимоя қилиш, яъни кўп сонли камситиш масалаларини бундай мавзулар сирасига киритиш мумкин.

Миллий миқёсда етарлича ўрганилмаган масалалар қаторида гендер тенгликни таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартларнинг давлат томонидан амалга оширилиши юзасидан ҳисобот беришни кўрсатиб ўтиш мумкин. Гарчи кўплаб тадқиқотларда БМТ доирасида гендер тенглик масалалари бўйича ҳамкорлик масалаларига етарлича эътибор қаратилган бўлса-да, бу йўналишдаги минтақавий ҳамкорлик механизмлари етарлича ўрганилмаган. Гендер тенгликни таъминлашда халқаро молия тузилмалари, фуқаролик жамияти, хусусий секторнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Гендер сиёсати мониторингига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги мавзулар бўйича ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари сиёсати, умуман, давлат сиёсатини такомиллаштиришга, шунингдек, бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология: словарь системы основных понятий. – М.: Либроком, 2013. – 208 с.
2. Брунер Дж. Культура образования / Джером Брунер; пер.Л.В. Трубицыной, А.В. Соловьева; Моск.высшая шк. социальных и экон. наук. – М.: Просвещение, 2006. – 223 с.
3. Бурдые П. Начала. – М.: Socio-Logos, 1994. – 288 с.
4. Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. – М.: Айрис-пресс, 2012. – 576 с.
5. Вернадский В.И. Научная мысль как планетное явление Отв. ред. А.Л. Яншин. М.: Наука, 1991. – С.7.
6. Гуревич Арон. Категории средневековой культуры. – М.: Искусство, 1984. – 350 с. – 15 стр.
7. Мангейм Джарол Б., Рич Ричард К. Политология. Методы исследования / Пер. с англ. / Предисл. А.К. Соколова. – М.: Весь Мир, 1997. – С.532.
8. Толковый словарь Ожегова и Шведовой.
9. Каленникова Т.Г., Борисевич А.Р. Словарь психолого-педагогических понятий. Справочное пособие для студентов всех специальностей очной и заочной форм обучения. 2007.
10. Юренков В.Н. Основные понятия психодиагностики и экспериментальной психологии. – М.: Словарь, 2006.
11. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология. – М.: Синтег, 2007.
12. Глоссарий по политологии. Проект www.cde.osu.ru
13. Козырская И.Е. Учебный словарь терминов по экономике и менеджменту. 2017.
14. Аристотель. Сочинения. В 4 т. (Серия «Философское наследие»). Т. 2 (Органон). – М.: Мысль, 1978. – 688 стр.
15. Diogenes Laertius. Vitae philosophorum. IX. – P. 71–73.
16. Гусев Д.А. Античный скептицизм и современная философия науки // Преподаватель. XXI век. 2014. №3. Часть 2. – С.219 – 225.
17. Грязнова Е.В. Предмет философии науки // Философская мысль. 2013. №6. – С.514 – 529.
18. Фрэнсис Бэкон. Новый Органон. – М.: РИПОЛ Классик, 2019. – 370 с.

19. Rene Descartes. Discours de la methode. Рассуждение о методе, чтобы верно направлять свой разум и отыскивать истину в науках. <http://psylib.org.ua/books/dekar01>.
20. Мотрошилова Н.В. Рассуждение о методе // Новая философская энциклопедия: в 4 т. / Пред. науч.-ред. совета В. С. Стёпин. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Мысль, 2010. – 2816 с.
21. Кириллов В. И., Старченко А. А. Логика: Учебник для юридических вузов. – 5-е, – М.: Юрист, 2002. – 256 с.
22. Сауров С.Ю. Феномен гипотезы в естественнонаучном познании: Диссертация на соискание учёной степени кандидата философских наук: 09.00.01 / Сауров Сергей Юрьевич. – Киров, 2007. – 189 с.
23. Хеллман Хал. Великие противостояния в науке. Десять самых захватывающих диспутов. Глава 1. Урбан VIII против Галилея: Неравная схватка = Great Feuds in Science: Ten of the Liveliest Disputes Ever. – М.: Диалектика, 2007. – 320 с.
24. Calhoun, John. Environment and Population: Problems and Adaptation: An Experimental Book Integrating Statements by 162 Contributors. – Praeger, 1983. – P. 486.
25. Kirsten Walsh. The Idea of Principles in Early Modern Thought: Interdisciplinary Perspectives / Peter R. Anstey. – Routledge, 2017. – 304 с.
26. «Бритва Оккама» // Кэрролл Р.Т. Энциклопедия заблуждений: собрание невероятных фактов, удивительных открытий и опасных поверий = The Skeptic's Dictionary: A Collection of Strange Beliefs, Amusing Deceptions, and Dangerous Delusions. – М.: Диалектика, 2005. – С.78–82.
27. Физическая Антропология. Иллюстрированный толковый словарь. 2011. <http://es.niv.ru/doc/dictionary/physical-anthropology/index.htm>
28. Немов Р.С. Психологический словарь. – М.: Владос, 2007.
29. Зиновьев А.А., Зияющие высоты // Собрание сочинений в 10-ти томах. Том 1. – М.: Центрполиграф, 2000. – С.42 – 45.
30. Хосеп Пла-и-Каррера. Трёхмерный мир. Евклид. Геометрия // Наука. Величайшие теории. – М.: Де Агостини, 2015. Вып. 14.
31. Начала Евклида Перевод с греческого и комментарии Д.Д. Мордухай-Болтовского при редакционном участии И.Н. Веселовского и М.Я. Выгодского. – М.-Л.: ГТТИ, 1949 – 1951.
32. Энциклопедический словарь. – М.: Гардарики, 2004.
33. Бурбаки Н. Очерки по истории математики / Пер. И. Г. Башмаковой, под ред. К. А. Рыбникова. – М.: Издательство иностранной литературы, 1963. – С.148.
34. https://elementy.ru/trefil/53/Paradoks_Zenona

35. Делокаров К.Х. Глобализация и динамика смысловых координат современной цивилизации // Многогранная глобализация. – М.: Экопресс, 2003. – 257 с.
36. Джамбаттиста Вико. Основания новой науки об общей природе наций. – М., Киев, 1994. – 628 с.
37. Змеев С. И. Андрагогика: основы теории, истории и технологии обучения взрослых. – М.: ПЕР СЭ, 2007. – 272 с.
38. Канеман Даниэль. Дума́й ме́дленно, реша́й бы́стро. – М.: АСТ, 2014. – 653 с.
39. Кастельс М. Информационная эпоха. Экономика, общество, культура. – М.: ГУВШЭ, 2000. – 608 с.
40. Кириллов В. И., Старченко А. А. Логика: Учебник для юридических вузов. 5-е., – М.: Юрист, 2002. – 256 с.
41. Лассо Эрвин. Теория целостности Вселенной: Наука и поле акаши = Science and the Akashic Field: An Integral Theory of Everything. – СПб.: Весь, 2011. – 160 с.
42. Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. – М.: СПб., 2014. – 347с.
43. Лем Станислав. Дилеммы XXI века. – М.: АСТ, 2021. – 368 с.
44. Маклюэн Г.М. Галактика Гутенберга. Сотворение человека печатной культуры. Перевод с английского и примечания: А. Юдин. – М., 2003.
45. Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США. – М.: Прогресс, 1966. 462 с.
46. Митио Каку. Будущее человечества. Колонизация Марса, путешествия к звездам и обретение бессмертия = Michio Kaku. The future of humanity. Terraforming Mars, Interstellar Travel, Immortality, and Our Destiny Beyond Earth. – М.: Альпина Нон-фикшн, 2018.
47. Тоффлер Э. Третья волна = The Third Wave, 1980. – М.: АСТ, 2010. – 784 с.
48. Лакатос И. Доказательства и опровержения, пер. с англ. – М., 1967.
49. Халикова М. Концептуальные проблемы общества и человека в дискурсе постиндустриальной цивилизации // Журнал социальных исследований. Том 5. №1 (2022). – С. 45 – 54. Doi Journal 10.26739/2181-9556. (Mokhira Khalikova. Conceptual problems of society and man in the discourse of post-industrial civilization // Journal of Social Research. Vol. 5 No. 1 (2022).
50. Халикова М. и др. Гендерное равенство: от идеи к закону. – Т.: Akademnashr, 2021. – 203 с.
51. Холиқова М. XXI аср ахборот-таълим муҳитини ташкил этишининг парадигмал аспектлари // Замонавий таълим. Илмий-услубий журнал. №5(102) 2021. – Б.3 – 8. / Mokhira Khalikova. Paradigm aspects of the 21 century's information and

- educational environment creation. Vol. 5 No. 102 (2021)<https://cyberleninka.ru/article/n/xxi-asr-ahborot-talim-mu-itini-tashkil-etishning-paradigm-al-aspektlari>.
52. Холиқова М. Lifelong Learning парадигмаси контекстида XXI аср компетенцияларининг дунё таълим дастурларига имплементацияси (контент-тахлил) // Замонавий таълим. Илмий-услубий журнал. №12 (109) 2021. – Б.9 – 13. (Khalikova M. Implementation of the XXI Century competences into world educational programs in the context of the lifelong learning paradigm (content analysis).
53. Холиқова М.К. Ҳаёт давомида таълим парадигмаси. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, Фан, 2022. – 212 б.
54. Швырев В.С. Неопозитивизм и проблемы эмпирического обоснования науки. – М., 1966.
55. Popper K.R. The logic of scientific discovery – L., [1959]; Boston Studies in the Philosophy of Science, v. 1–8, N. Y. – Dordrecht, [1963–71].
56. Юваль Ной Харари. Sapiens: Краткая история человечества.
57. Drucker P.F. The New Society. The Anatomy of Industrial Order. – N.Y.: Harper, 2010. – С.16.
58. Masuda Yoneji. The information society as post-industrial society. Editorial Fundesco, 1984. – С.327.
59. Thomas Kuhn. The structure of scientific revolutions. 2012. – 264 p.
60. Tom Peters. Re-imagine. – М.: Best Business Books. – 352 б.
61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5073447>.
62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. <https://lex.uz/docs/5841063>
63. Копенгаген декларацияси. – Копенгаген (Дания), 2002.
64. <http://www.21stcenturyskills.org>
65. <https://unecon.ru>
66. <https://uil.unesco.org/unesco-institute/mandate>.
67. <http://www.kurzweilai.net/>
68. <https://www.theguardian.com/books/2018/aug/15/21-lessons-for-the-21st-century-by-yuval-noah-harari-review>. (Мурожаат санаси 15.09.2021).
69. <https://ru.wiktionary.org/wiki>.
70. <http://uis.unesco.org/en/blog/global-framework-measure-digital-literacy>.

ГЛОССАРИЙ

1. **Абстракция** (юнон. abstractio – чалғитиш, мавҳум) – объектнинг маълум хусусиятларини танлаб таҳлил қилиш учун мавҳумлаш жараёни; бунда кузатилган объект ўзининг идеаллаштирилган назарий тасвири – мавҳум объект билан алмаштирилади.
2. **Аксиома** (лот. а́xiома – муҳим баёнот, қабул қилинган талаб) – муайян назария доирасида унинг исботини талаб қилмасдан тўғри деб қабул қилинган ва унда қабул қилинган мантиқий хулосалар қоидаларига мувофиқ унинг бошқа қоидаларини исботлаш учун асос сифатида фойдаланиладиган назариянинг бошланғич позицияси. Замонавий илм-фанда аксиомалар назариянинг бошланғич нуқталари сифатида қабул қилинган қоидалари бўлиб, ҳақиқат бошқа илмий назариялар доирасида ёки бу назарияни шарҳлаш орқали ҳал қилинади.
3. **Антиномия** (юнон. ἀντινομία – қарама-қарши фикр) – иккита қарама-қарши, бир хил исботланадиган ҳукмнинг мавжудлигида намоён бўлувчи категория.
4. **Антропоценоз** (юнонча anthropos – одам, koinos – умумийлик) – антропологик муҳит, экотизим, организмлар жамоалари. Уларнинг ичида инсон доминант тур ҳисобланади ва унинг фаолияти бутун тизимнинг ҳолатини белгилайди.
5. **Апория** (юнон. ἀρογία – боши берк кўчага кириш, умидсизлик) – аниқ, умумэтироф этилган фикрга, соғлом фикрга зид бўлган аргументлар.
6. **Ахборот жамияти** (Information society) – постиндустриал цивилизация ривожланишининг янги тарихий босқичи. Бунда ишлаб чиқаришнинг асосий маҳсулоти ахборот ва билимдир. Ахборот жамиятининг ўзига хос белгилари: жамият ҳаётида ахборот ва билимларнинг ролини ошириш, ялпи ички маҳсулотда ахборот коммуникациялари, маҳсулот ва хизматлар улушининг ошиши, самарали ахборот алмашинуви, ахборот ресурсларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжларни қондиришни таъминловчи глобал ахборот макони.
7. **Барқарор ривожланиш мақсадлари** (Sustainable Development Goals) – БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг 25 – 27 сентябрь кунлари Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган Нью-Йорк саммитида давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан қабул қилинган 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартиби, янги глобал мажбурият. Барқарор ривожланишининг 17 та мақсади ва 169 та вазифаси (Sustainable Development Goals) кенг миқёсли масалаларни, хусусан,

- иклим ўзгариши, ҳаёт давомида таълим, гендер тенглик, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш муаммоларини қамраб олган.
8. **Билимлар жамияти** (Knowledge society) – постиндустриал ривожланиш контекстида иқтисодиётда билим, ахборот ва инновацион ўзгаришларнинг иштироки юқори бўлган, билимлар ва илмий ишланмалар иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, генератори ва драйверига айланган, касбий компетенция ва маҳорат, ўрганиш, яратиш ҳамда ижодий қобилият энг қиммат ресурс ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий формация.
 9. **Биоценоз** (юнонча βίος – “ҳаёт” ва κοινός – “умумий”) – нисбатан бир хил яшаш майдонида (ер ёки сувнинг маълум бир майдонида) яшовчи ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмларнинг ўзаро ва атроф-муҳит билан боғлиқ, биоген цикл асосида вужудга келган ўзини ўзи тартибга солишга қодир динамик тизим.
 10. **Блокчейн технологиялар** (ингл. Blockchain – блоклар занжири) – маълумотларни ўз ичига олган маълум қоидаларга мувофиқ қурилган узлуксиз кетма-кет блоклар занжиридан иборат маълумот алмашиш имконини берувчи технология. Бунда блоклар орасидаги боғланиш рақамлаш орқали таъминланади.
 11. **Габитус** – шахснинг онгсиз равишда табиатни идрок этиш, баҳолаш, таснифлашга оид хатти-ҳаракатлар тизими, эмпирик тажриба натижаси. У шахснинг ижтимоий ҳаракат ва фаолият траекториясига боғлиқ.
 12. **Гендер** (ингл. gender – “зот, жинс, келиб чиқиш”) – эркаклар ва аёлларнинг жамиятдаги фаолиятини белгиловчи ижтимоий-маданий конструкт, ижтимоий ролларнинг жинсга боғлиқ жиҳатлари, жамият томонидан эркак ёки аёлдан кутилган хулқ-атвор моделлари. Биологик жинс тушунчасидан фарқли равишда, жинсга оид ижтимоий хусусиятларни англатади. Инсон туғилиш пайтида эркак ёки аёл деб таърифланади ва бу ҳаёт давомида ижтимоий-ҳуқуқий ҳақиқатга айланади.
 13. **Гипотеза** (юнон. hypothesis – фараз, тахмин) – ҳақиқий қиймати ноаниқ бўлган тахмин; башорат қилиш усули, ҳали текширилмаган, чекланган далилларга асосланган ғояга жавоб топишга уриниш; ўзига хос ҳодисалар ёки сабаблар ўртасидаги бевосита кузатилмайдиган алоқа шакллари тахмин қилиш, бу ҳодисаларни ишлаб чиқишни ўз ичига олган мураккаб техника; ҳодисани тушунтириш учун илгари сурилган ва ишончли илмий назарияга айланиши учун экспериментал текширишни, шунингдек, назарий асослашни талаб қилувчи илмий фараз.
 14. **Истеъмол жамияти** (Consumer Society) – истеъмол қилишни асосий семиотик код деб билувчи постмодернистик жамият модели, истеъмол маданиятини ижтимоий жиҳатдан шакллантириш жамияти; ижтимоийлашувнинг янги ва ўзига хос усули.

- 15. Компетенция** – маълум бир соҳада муайян бир ҳаракатни бажариш учун зарур бўлган ҳамда соҳавий билимлар, фанга доир кўникмалар, фикрлаш услублари, шунингдек, ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни англаш кабиларни ўз ичига олган шахсий қобилиятлар мажмуи (John Raven). Компетенция метадисциплинар тушунча сифатида турли фан соҳаларининг (педагогика, андрагогика, социология, психология, менежмент) тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотларнинг полиспектрал хусусиятига қарамай, фанда компетенция тушунчасининг ягона таърифи мавжуд эмаслигини таъкидлаш зарур.
- 16. Методология** (юнон. μέθοδος – “ортидан эргашиш”, μεθοβολογία – усуллар ҳақида таълимот) – дунёни ва воқеа-ҳодисаларни англашнинг турли усулларини ўрганадиган соҳа У воқеликни илмий идрок этишнинг мақсадга қаратилган мантиқий тизим, илмий фаолият усуллари ҳақидаги таълимот, инсоннинг воқеликни ўзгартириш усулларини ўрганишга қаратилган когнитив, рационал-рефлексив фаолияти ҳамда аниқ муаммони ҳал қилиш ёки аниқ мақсадга эришиш учун амалга оширилиши керак бўлган интеллектуал ҳаракатлар мажмуидир.
- 17. Парадигма** (юнон. paradeigma – намуна, мисол) – муайян ғоянинг асосини ташкил этувчи таянч ғоя; муаммони тушунтиришда ва унинг ҳал этилишида бошланғич позиция (тушунча, модель); таққослаш ва асослаш учун олинган тарихий мисол.
- 18. Парадокс** (юнон. παράδοξος – кутилмаган, қарши фикр, фараз) кенг маънода умумий қабул қилинган фикрга зид ёки соғлом фикрга зид мантиқсиз мулоҳазалар. Мантиқда парадокс бу – фикрлашнинг мантиқий тўғрилигини сақлаб турганда пайдо бўладиган мантиқий қарама-қаршилиқлар, бир-бирини истисно қиладиган хулосаларга олиб келадиган мулоҳазадир.
- 19. Принцип** (лот. principium – бирламчи, ўзак, илк сабаб, ибтидо) фаннинг ҳар қандай соҳасининг бошланғич позицияси.
- 20. Рақамли иқтисод** – рақамли технологияларга асосланган ижтимоий-иқтисодий фаолият ҳамда ишлаб чиқарилган ва сотиладиган рақамли товарлар ва хизматлар. Хизматлар ва товарлар учун тўловларнинг рақамли валютада (электрон пул) амалга оширилиши, иқтисодий муносабатларнинг виртуаллиги, бизнес харажатларини камайтириш, анъанавий бозорларнинг йўқолиши кабилар билан тавсифланади.
- 21. Синтез** (юнон. σύνθεσις – бирлашмоқ, боғланмоқ) – қисмлар ва хусусиятларнинг бир бутунликка бирикмаси; ўрганилаётган тизимнинг алоҳида қисмлари, айрим хусусиятларини мувофиқлаштириш унинг элементларини ягона тизимга бирлаштиришга қаратилган илмий тадқиқот усули. Синтез таҳлилдан ажралмасдир. Агар

таҳлил пайтида биз бутунни қисмларга ажратсак, синтез таҳлил орқали аниқланган қисмлар, хусусиятлар, муносабатларни бир бутунга бирлаштиради. Синтез илмий ҳодисани унинг барча қисмларининг бирлиги ва боғланишида кўриб чиқишга имкон беради. Синтез натижаси умумлаштириш, фактлардан хулосалар олишдир. Синтез ноаниқ билимларни қуриш усули сифатида бир нечта билим тизимларини бирлаштириш ва қайта ишлашдан, турли назарий тушунчаларни бирлаштиришдан иборат бўлиб, бунинг натижасида тизимлараро билимларни узатиш амалга оширилади ва соҳалар коллаборациясида янги билимлар туғилади.

22. **Сунъий интеллект** (artificial intelligence) – ахборот тизимларининг аънанавий равишда инсоннинг фаолият доираси деб ҳисобланувчи ижодий функцияларни бажариши, вазифаларни бажариш ва тўпланган маълумотлардан фойдаланиш учун инсон хатти-ҳаракатларига тақлид қила оладиган тизим.
23. **Тўртинчи саноат инқилоби** (The Fourth Industrial Revolution) – киберфизик тизимларнинг ишлаб чиқаришга оммавий жорий этилиши, иқтисодий мақсадлар ва ҳаёт сифатининг жозибадорлиги билан тавсифланувчи цивилизация босқичи. Жаҳон иқтисодий форуми асосчиси ва ижрочи раиси профессор Клаус Шваб (Klaus Schwab) томонидан илгари сурилган тўртинчи саноат инқилоби жисмоний, рақамли ва биологик соҳалар орасидаги чегараларни мавҳумлаштириб, кенг тарқалган рақамлаштириш билан тавсифланади.
24. **Форсайт-таҳлил** (ингл. Foresight – олдиндан кўра билиш) – технологик, ижтимоий, иқтисодий тенденцияларни ўрганиш, экстраполяция орқали мумкин бўлган келажакни илмий прогнозлашга бағишланган фанлараро билим усули.
25. **Эксперимент** (лот. experimentum – синов, тажриба) – гипотеза ёки назарияни қўллаб-қувватлаш, рад этиш ёки тасдиқлаш учун бажарилувчи тажриба. Тўпланган тажриба, ҳодисанинг боришини кузатиш ва бу шартлар такрорланганда уни кўп марта такрорлаш имконини берувчи аниқ ҳисобга олинган шароитларда ўрганиш усули.
26. **Эвристика** (юнон. εὐρίσκω – “излайман”, “кашф этаман”) – ижодий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи илмий соҳа, тадқиқот усуллари мажмуи, саволларни қўйиш ва уларни ҳал қилиш техникаси, етакчи саволлар ёрдамида ўқитиш усули. Эвристика деганда когнитив, конструктив, амалий муаммоларни ҳал қилишни осонлаштирувчи техника ва усуллар мажмуи тушунилади.
27. **Corpus Juris Civilis** – Рим ҳуқуқи; Қадимги Римда ва Византия империясида миллоддан аввалги VIII асрдан бери мавжуд бўлган ҳуқуқий тизим.
28. **Quadrivium** – ўрта асрларда аниқ фанлар тизими (арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа).

29. **Trivium** – ўрта асрларда гуманитар фанлар тизими (грамматика, логика, риторика).
30. **VUCA-дунё** – америкалик тадқиқотчилар, Жанубий Калифорния университети профессорлари Уоррен Беннис (Warren Bennis) ҳамда Бертон Нанус (Burton Nanus) томонидан илгари сурилган дунёнинг муттасил турбулентлик ҳолатини тавсифловчи концепция. Унга кўра, XX асрнинг сўнгги йилларигача инсоният steady (барқарор) predictable (олдидан тахмин қилиш мумкин), ordinary (оддий), definite (аниқ) каби нарративлар шароитида яшади ва фаолият олиб борди. Унинг ўрнига келган VUCA-дунё ўзининг ночизиқли таксономияси, тотал беқарорлиги, мавҳумлиги, ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Volatility (беқарорлик), uncertainty (ноаниқлик), complexity (мураккаблик), ambiguity (иккила-ниш) каби сўзларнинг акронимидир.



USAID
ОТ АМЕРИКАНСКОГО НАРОДА



МЕТОДОЛОГИЯ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

Ташкент
«Akademnashr»
2023

УДК: 001.89:34(07)

ББК: 72+67

X 72

X 72 М. Холикова, Ф. Хамдамова

Методология правовых исследований [Текст]: пособие / М. Холикова, Ф. Хамдамова. – Ташкент: Akademnashr, 2023. – 264 ст.

ISBN 978-9910-9840-6-8

УДК: 001.89:34(07)

ББК: 72+67

Рецензенты:

Нодира Эгамбердиева – доктор педагогических наук, профессор

Фозилжон Отахонов – доктор юридических наук, профессор

В данном пособии анализируются общетеоретические, философские и прагматические основы методологии научных исследований. Рассматриваются проблемы проведения научных исследований в области права в контексте изучения научных направлений разных уровней. Даются рекомендации по выбору направления исследований, постановке научно-технической задачи, проведению теоретических и экспериментальных исследований.

Пособие предназначается для представителей сферы науки, исследователей, соискателей, студентов.

Данная публикация стала возможной благодаря помощи американского народа, оказанной через Агентство США по международному развитию (USAID). Tetra Tech DPK (Тетра Тек ДПК) несет ответственность за содержание публикации, которое не обязательно отражает позицию USAID или Правительства США.

Пособие подготовлено в рамках Программы USAID по правовым реформам в Узбекистане.

ISBN 978-9910-9840-6-8

© М. Холикова, Ф. Хамдамова
«Методология правовых исследований»
© «Akademnashr», 2023

ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение	134
Глава 1. РОЛЬ НАУКИ В РАЗВИТИИ	
1.1 Значение знаний в развитии цивилизации	138
1.2 Соотношение современной цивилизации и науки	140
Глава 2. МЕТОДОЛОГИЯ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ	
2.1 Понятие «научное исследование»	147
2.2 Методология научного исследования	150
2.3 Из истории развития методологии науки	156
2.4 Категориальная система научных исследований	161
2.5 Методы исследования	175
Глава 3. ЮРИДИЧЕСКАЯ НАУКА И ЕЕ РОЛЬ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ	
3.1 Понятие и функции юридической науки	184
3.2 Периодизация развития юридической науки	188
3.3 Роль юридической науки и правовых исследований в современный период	197
Глава 4. ПРАВОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ КАК ФОРМА РАЗВИТИЯ ПРАВОВОЙ НАУКИ	
4.1 Значение многообразия видов правовых исследований в познании объекта и предмета правовой науки	202
4.2 Планирование и стадии проведения правовых исследований	209
4.3 Научные публикации, учебные и другие виды изданий	217
Глава 5. МЕТОДОЛОГИЯ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ И НОВЫЕ ТЕНДЕНЦИИ	
5.1 Понятие и классификация методов правовых исследований	222
5.2 Новые тенденции в правовых исследованиях	234
Глава 6. ГЕНДЕРНЫЕ И ПРАВОВЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ОБЩИЕ ЧЕРТЫ И ОСОБЕННОСТИ	
6.1 Гендерные исследования как важнейшее направление научных исследований в современный период	244
6.2 Учет гендерных аспектов как важнейший метод в правовых исследованиях	248
Список использованной литературы	251
Глоссарий	257

ВВЕДЕНИЕ

*Наука есть наилучший путь для того,
чтобы сделать человеческий дух героическим.*
Джордано Бруно

Наука, как социальный институт, занималась обобщением знаний, накопленных во все времена средствами познавательного-интеллектуального мышления и эмпирического опыта человечества, и стремилась найти ответы на фундаментальные вопросы о сотворении Вселенной, универсальных законах макрокосмоса и микрокосмоса и имманентной сущности реальной действительности. Наука имеет эволюционно-кумулятивную сущность и возникла в начале существования человечества как потребность в систематизации и накоплении информации с целью практического использования познавательного мышления, эмпирического опыта поколений, знаний и открытий, накопленных за тысячи лет. Фундаментальная наука опирается не только на изучение накопленных знаний, но и на задачу расширения мышления. Наука является движущей силой цивилизации, ее успешное развитие измеряется не только знанием прошлого и анализом проблем сегодняшнего дня, удовлетворением требований общества и развития человека, но и поиском новых способов прогнозирования ее будущего состояния.

В XXI веке появились крупные социальные явления, технологическая цивилизация, глобальная экономика, экспоненциальное развитие, изменившие масштабы экономики и повседневной жизни во всем мире, ряд модернистских направлений в научно-историческом развитии мирового сообщества. Такие факторы, как искусственный интеллект, цифровые технологии, цифровые экосистемы, нейроинтерфейсы, нанотехнологии, когнитивные технологии и 3D-технологии сформировали научный ландшафт цивилизации, квантовые компьютеры, мощность которых в будущем превзойдет кремниевые компьютеры в миллиард раз благодаря форсайт-анализу⁹¹; прогнозируются наноматериалы, которые в 100 раз прочнее стали, беспроводные сети связи и технологии, позволяющие проектировать объекты, меняющие форму или функции с течением времени или в ответ на изменение окружающей среды.

⁹¹Форсайт – метод междисциплинарного познания, посвященный изучению технологических, социальных, экономических тенденций, научному прогнозированию возможного будущего путем экстраполяции.

Соответственно, решение важных социально-экономических проблем глобализирующегося мира перед наукой, решение нравственных, этнических и социальных вопросов общества и личности, достижение целей устойчивого развития, в дискурсе беспрецедентного масштаба цифровой революции, огромные риски и угрозы, которые возникают наряду с огромными возможностями, есть задачи, которые нужно решить.

В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы⁹² в качестве важных задач определены цели развития образования и науки, подготовки квалифицированных кадров для современных нужд рынка труда, развития кадрового потенциала, улучшения позиций Узбекистана в мировом инновационном индексе, внедрения современных механизмов поддержки научных исследований.

Научное знание является одной из важнейших ценностей в современном мире, поскольку наука призвана способствовать решению множества социальных проблем с помощью производства новых знаний. Особенно это касается юридической науки, так как возрастает актуальность правового обеспечения кардинальных реформ, осуществляемых в стране, в контексте глобальных трансформационных процессов.

Однако в современной методологии юридической науки многими правоведами отмечаются кризисные явления. Все чаще встречаются исследования, носящие описательный характер, сводящиеся к комментированию правовых актов, не обладающие при этом научной ценностью. В итоге правовая наука не отвечает потребностям практики, а практика, не руководствуемая научными выводами и методологией, зачастую оказывается неэффективной. Вышеуказанное обуславливает необходимость переосмысления юридической науки в целом и методологии правовых исследований – в частности.

Особую актуальность вопрос совершенствования методологии правовых исследований и развития юридической науки имеет для Узбекистана. Как было отмечено Президентом Узбекистана Шавкатом Мирзиёевым в одном из его выступлений, развитие юридического образования и науки в нашей стране является одним из ключевых факторов обеспечения эффективности кардинальных социально-экономических и политико-правовых реформ, определяющих её дальнейшие перспективы.⁹³

⁹² Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы. Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60. <https://lex.uz/docs/5841063>.

⁹³ Боровикова А. Актуальные вопросы развития юридической науки и совершенствования законодательства // <https://yuz.uz/ru/news/aktualne-vopros-razvitiya-yuridicheskoy-nauki-i-sovershenstvovaniya-zakonotvorchestva>.

Данное пособие подготовлено в целях содействия улучшению качества исследований юридических явлений и процессов, повышения знаний о методологии правовых исследований, обзора новых тенденций в правовых исследованиях.

В первых двух главах издания рассмотрены основные категории науки и исследовательской деятельности, представлен материал, раскрывающий сущность разнообразного инструментария научных исследований и процесс организации научной и научно-исследовательской деятельности.

Главы 3 – 5 посвящены непосредственно юридической науке и методологии правовых исследований. В этих главах рассмотрены такие вопросы, как понятие «юридическая наука» и ее история, значимость юридической науки в современный период, виды и стадии проведения правовых исследований, методы и новые тенденции в проведении правовых исследований.

Глава 6 посвящена обзору гендерных аспектов в правовых исследованиях, а также особенностям и тенденциям развития гендерных исследований в современный период.

